Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2007 йил, **2** март, жума № **9** (2188).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **2** марта, **2007** год, № **9** (2188).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена договорная

Бугун сержантлар таркиби армиямизнинг том маънодаги таянч устунига айлангани, улар аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчисига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлашимиз зарур.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Энг қадимий ва асл миллий қадриятларимиздан бири бўлмиш Наврўз мустақиллик йилларида юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар учун том маънодаги умумхалқ байрамига айланди. Наврўз руҳи ва фалсафаси одамзотни табиат билан уйғун яшашга, жамиятимизда меҳр-оқибат, дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан айниқса эътиборлидир.

Кейинги пайтда бу байрамни барча ҳудуд ва минтақаларимизда, маҳалла ва меҳнат жамоаларида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 мартдаги 128-қарорида белгиланган тартибда, маҳаллий иқлим ва табиий шароитдан келиб чиққан ҳолда, катта шодиёна билан нишонлаш яхши анъанага айланиб бормоқда.

Бу йилги Наврўз байрамини ҳам ҳар томонлама юксак даражада, уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтказиш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Мустақиллик куни ва Наврўз умумхалқ байрамларини ташкил этиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Наврўз байрамини ҳамда байрам томошаларини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий, маданий-маърифий ишлар дастурини, жойларда жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда жойларда байрам тадбирларини халқ сайиллари ва оммавий спорт ўйинлари шаклида ташкил этиш, уларда аҳолининг кенг қатламлари иштирок этишини таъминлаш мақсадида турли кўрик-танловлар уюштирсин;

ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини очиб беришга қаратилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирларни ташкил этсин;

байрам тадбирларига фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахши шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада хонандаларини танлов асосида жалб этсин;

муҳим саноат иншоотлари ва ижтимоий объектларни Наврўз умумхалқ байрамигача ишга туширишни ўз вақтида тугаллаш учун тегишли тадбирларни белгиласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2003 йил 13 январдаги 15-қарори талаблари асосида Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш учун жойларда жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чоратадбирларини кўрсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

5. Республика «Маҳалла» жамғармаси, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда жамоатчилик вакилларининг 2007 йил март ойида мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ҳамда 10–11 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Маҳаллаларни ободонлаштириш, «Ижтимоий ҳимоя йили» дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш, хусусан, «Меҳрибонлик», «Саховат», «Мурувват» уйлари ва бошқа ихтисослаштирилган муассасаларнинг моддий-техник базасини яхшилаш ва уларни зарур асбоб-ускуналар, инвентарлар билан жиҳозлашга ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида вазирликлар, идоралар ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналар, ташкилот ва муассасалар ишчи-хизматчиларининг «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари ҳисоб рақамларига бир кунлик иш ҳақи миқдорида маблағ ўтказиш тўғрисидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Р.Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси, Ўрмончилик илмий-тадқиқот институти маҳаллалар ҳудудларини кўкаламзорлаштириш ва янги боғ-роғлар барпо этиш учун зарур бўлган манзарали ва мевали дарахт кўчатларини тегишли ташкилотларга буюртма асосида ўз вақтида етказиб беришни таъминласин.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг кўламда ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 23 февраль.

Миллий армиямиз таянч устуни

Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ТЕНГЛАР ИЧРА ТЕНГ ЎЗБЕКИСТОН

Тарихий ўзгаришлар силсиласи бугун дунё мамлакатларининг ўзаро алоқаси ва бир-бирига боғлиқлигини аниқ-равшан кўрсатиб турибди. Негаки, глобал, умуминсоний ёки чегара билмайдиган муаммолар ечимини битта мамлакат ёки бирон бир минтақа мисолида ҳал этиш мушкул. Демак, бундайин муаммоларни жаҳон миқёсида ўрганиш, ҳал этиш учун муҳим халқаро сиёсий восита зарур. Бу борада БМТнинг дунё кўламидаги роли ва аҳамияти беқиёс.

Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаган дастлабки кунларданоқ жаҳон ҳамжамиятига юз бурди. 1992 йилнинг 2 мартида мамлакатимиз нуфузли халқаро ташкилот БМТга аъзо бўлиб кирди. Шу кундан эътиборан Ўзбекистон тенглар ичра тенг бўлди, дунёга ўз сўзини баралла айта бошлади.

Мана, шу муҳим тарихий санага ҳам 15 йил тўляпти. Хўш, мақсад ва вазифалари барча давлатларнинг, минтақаларнинг, қолаверса, жаҳон ҳамжамиятининг муҳим муаммоларини ўрганиш ва ечишга қаратилган, халқларнинг тинч-тотув яшашга бўлган эзгу иродасининг улуғвор рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонаси ҳисобланадиган мазкур нуфузли халқаро ташкилот билан ҳамкорликларимиз бизга нима берди? Келинг, аввало айрим маълумот ва рақамларга эътибор қаратайлик.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

БИР-БИРИМИЗГА ҒАМХЎР БЎЛАЙЛИК

Юртбошимиз томонидан 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланиши, шу муносабат билан Давлат дастури қабул қилинганлигини халқимизнинг кўнглидаги иш бўлди. Бугунги кунда аҳолининг муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлиги, кўлами минглаб инсонлар қалбига қувонч бахш этмоқда. Ёшу қари мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизими йил сайин мукаммаллашаётганига бевосита гувоҳ бўлмоқда. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо бу галги суҳбатимиз йўналиши сал бошқачароқ. Яъни аввало «ҳимоя» сўзига эътибор бериб, уни тераноқ ифодалашга ҳаракат қиламиз.

Демак, дастлаб биз ўзимизни нафақат моддий, балки маънавий жиҳатдан ҳам тўла ҳимоя қилмоғимиз лозим. Чунончи, интеллектуал салоҳият эгаси бўлиш – ижтимоий ҳимояланиш ва ижтимоий ҳимоялашнинг юқори чўққисига олиб боради. Шунинг баробарида одамийлик ҳам тоғлар қадар юксалади. Ана энди ушбу чўққидан туриб ҳар бир инсон ўзининг кимлигини, насл-насабини билиши, шажарасини унутмаслиги, қадрлай олиши, ўзини тута билиши зарур. Зотан, бундай фазилатларни ўзида мужассамлаштирган одамларгина она юртини, келажагини, халқини онгли равишда севиб, ардоқлаб ҳимоя қила олади. Мана шундай ўзликни англай олиш учун эса тафаккур чироғи равшан ёнмоғи муқаррар. Аксинча, саёз фикрловчи, лоқайд кимсалар турмушнинг қоронғи йўлларида адашиб қолиб, натижада танбаллик ва ғафлат тўрларига ўралиб қоқилиб тушганини сезмайдилар ҳам. Бундай бемаврид сирпанишдан эҳтиёт чораларини кўрмоқ зарур.

(Давоми 8-бетда).

Мудофаа вазирлигида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА ЭЪТИБОР

Яхши биламиз, мустақилликка эришилган илк йилларданоқ таълим соҳасига, миллий кадрлар тайёрлаш масаласига улкан эътибор қаратилди. Табиийки, бундан ҳарбий таълим соҳаси ҳам мустасно эмас. Ахир, асос солинган армиямиз сафларини миллий кадрлар ҳисобига тўлдириш масаласи кун тартибида долзарб бўлиб турганди-да.

Бугун комил ишонч билан ҳарбий таълим соҳасидаги ислоҳотларимиз самарасидан сўз очиш мумкин. Яъни босқичма-босқич, узлуксиз равишда олиб борилган ислоҳотлар натижасида ҳарбий таълим замон талабларига мос равишда шаклланиб келмоқда. Янгиянги информацион, инновацион технологияларнинг таълим жараёнига татбиқ этилиши миллий кадрларимизнинг интеллектуал даражасини ҳар томонлама ривожлантирмоқда. Сафларнинг баркамол миллий кадрлар билан бутланишини таъминламоқда. Умуман олганда, соҳадаги ислоҳотлардан кўзланган мақсадга – Ватанга муҳаббатли, садоқатли маънавий-ахлоқий етук, профессионал тайёргарликка эга офицер кадрларни тайёрлашга босқичма-босқич эришиб келяпмиз.

Ҳарбий таълим деганда, резервга офицерлар тайёрлашдек улкан вазифани бажариб келаётган ҳарбий факультет ва кафедралар ҳам кўз олдимизга келади. Хўш, бундайин ўқув муассасаларида таълим-тарбия жараёни қандай ташкил этилмоқда, мазкур йўналишда қандайин ютуқ ва муаммолар бор? Резервга тайёрланаётган офицер кадрлар замон талабларига жавоб берадими? Бу саволларга жавобни бугун давр биздан талаб қилмоқда.

Яқинда айнан мазкур долзарб масала юзасидан Мудофаа вазирлиги ҳарбий кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кенгашининг ҳамкорликдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Илк бора ўтказилган мазкур нуфузли тадбирнинг кун тартибидан олий таълим муассасаларида резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари билан боғлиқ масала ўрин эгаллади.

Дастлаб Мудофаа вазири Р.Мирзаев сўз олиб, ушбу масаланинг нечоғлик долзарб аҳамият касб этишига, резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш масаласида етилиб қолган муаммоларга эътибор қаратди. Президентимиз бошчилигида ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, стратегик ва тактик вазифаларни самарали ҳал эта оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва хуружларни бартараф этиш ва уларга муносиб зарба беришга қодир бўлган кучли армияни яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилиб келинаётганини, айниқса, миллий кадрлар, офицер кадрлар тайёрлаш масаласига эътибор тубдан ўзгараётганини, кун тартибидаги долзарб масала ҳам мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларимизнинг узвий давоми бўлиши кераклигини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

МЎЪЖИЗАЛАРГА КОН ОМОНХОНА

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида).

Ҳар куни эрталабдан кечгача металл қувурдан тинимсиз шилдираб сув оқади. Саҳарда келганлар идишларини бемалол тўлдириб олишади. Бироз кечроқ қолсангиз, сувга турнақатор навбат бўлиб кетади. Биз ҳам ҳар куни пластмасса идишни тўлатамиз-да, сўнгра булоқ сувига чўмилиш учун душга, қолаверса, Омонхона мўъжизаларини томоша қилиш учун йўлга отланамиз. Ҳам зиёрат қиламиз, ҳам саломатлигимизни мустаҳкамлаймиз, ҳам мўъжизалардан баҳраманд бўламиз.

Буни қаранг, Омонхона, Омонхона дея эътироф этяпмиз-у, унинг номи, қишлоқ ҳақида маълумот бермабмиз. Тўғри, маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашиб, узуқ-юлуқ бўлса-да турлича маълумотлар олдик. Назаримда бу борадаги энг асосий маълумотни педагог-журналист Шомурод Шароповдан эшитганимиз маъқул.

– Омонхона қадимий қишлоқ. Кексаларнинг гувоҳлик беришича, камида 700 йилдан бери бу ерда аҳоли яшаб келади. Буни қишлоқ ўртасидаги кўҳна қабристон ва у ердаги қадимий қабртошлар ҳам исботлаб турибди.

(Давоми 8-бетда).

2 САФАРБАРЛИК ЧАҚИРУВИ РЕЗЕРВИДАГИ ХИЗМАТ

ҚАСАМЁДГА СОДИҚДИР ЎҒЛОН!

5 ТАРБИЯЧИ ОФИЦЕРЛАРГА ТАВСИЯЛАР

НАВРЎЗ – ЭЗГУЛИК БАЙРАМИ

11 РОВЕСНИК

ДЕВУШКА НЕДЕЛИ

12 ЎЗБЕК КИНОСИ

ҲАЁТ ҲАЛИ ОЛДИНДА

Мудофаа вазирлигида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА ЭЪТИБОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бош вазир ўринбосари, Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.Қосимов Президентимиз бошчилигида соҳада амалга оширилиб келинаётган изчил ислоҳотлар самарасидан сўз очар экан, республикадаги мавжуд ҳарбий кафедраларнинг моддий-техник базасини янгилаш, улардаги таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ дастурларни қайта кўриб чиқиш кераклигига эътибор қаратди. Муаммонинг ечими сифатида бу борада ҳар иккала вазирликнинг мутасадди вакилларидан иборат кичик ишчи гуруҳи тузиш ва мазкур масала юзасидан кенгашиб туриш кераклиги ҳақидаги таклифни илгари сурди.

Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник М.Аҳмедов резерв офицерлар тайёрлашнинг бугунги аҳволи ва уни такомиллаштириш чора-тадбирлари борасида маъруза қилди. Хусусан, резервга офицерлар тайёрлаш тизимида замон талаблари асосида меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, ҳарбий кафедраларни ҳар томонлама тажрибали, малакали кадрлар билан бутлаш, уларнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш, ҳарбий тайёргарликка олинадиган талабалар учун мавжуд танловни янада такомиллаштириш каби устувор вазифаларни санаб ўтди.

Шунингдек, тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари А.Парпиев, Ўзбекистон Миллий университети ректори Ғ.Муҳамедов, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошқарма бошлиғи полковник А.Амержанов, Тошкент давлат педагогика университети ҳарбий кафедраси бошлиғи полковник И.Икромовлар сўзга чиқишиб, кун тартибидаги долзарб масала юзасидан таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Ҳарбий кенгашнинг иккинчи қисмида 2006 йил кузги чақирув якунлари ва навбатдаги чақирувга тайёргарлик билан боғлиқ масала муҳокама этилди.

Мазкур долзарб масала борасида тўхталар экан, Мудофаа вазири ислоҳотлар жараёнида чақирув сифати ортиб, такомиллашиб бораётганини, ҳарбий хизмат амалда шарафли, фахрли касбга айланаётганини таъкидлаб, бу борадаги мавжуд ютуқ ва муаммоларга эътиборни қаратди.

Шунингдек, Мудофаа вазирлиги Чақирув ва резервчиларни тайёрлаш бошқармаси бошлиғи полковник Б.Мирзамуҳамедов, Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи полковник З.Аҳмадхўжаев, Фарғона вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи полковник М.Қодиров кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиқишиб, чақирув сифатини янада ошириш борасида нималарга эътибор қаратиш лозимлигига тўхталишди.

Кенгаш ниҳоясида чақирувни ҳар томонлама сифатли ташкил этгани ва ўтказгани учун Наманган вилояти, Тошкент шаҳри мудофаа ишлари бошқармаларига Мудофаа вазирининг эсдалик нишони ҳамда Фахрий ёрлиқлар топширилди.

Маълумки, 2006 йилнинг баҳорида чақирилувчилар муддатли ҳарбий хизматга «Армия – ҳаёт мактаби» номли эслатма билан кузатилганди. Тадбирда таъкидландики, мазкур эслатма янада такомиллаштирилиб, зарур маълумотлар билан бойитилиб, лотин алифбосидаги ўзбек тилида қайта чоп этилиш арафасида.

Ҳа, олдинда ҳали устувор вазифалар кўп. Чақирувни ҳар томонлама сифатли ўтказиб, муддатли хизматга яроқли ўғлонларни армияга тантана билан кузатиш, ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ёшларни кутиб олиш, бу борадаги Низом, Қарорлар ижросини сифатли таъминлашдек масъулиятли вазифалар бизни кутмоқда. Билдирилган фикрлар олдинда турган бундайин устувор вазифаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда округ қўмондонларининг ўринбосарлари, маҳаллий ҳокимликларнинг мутасадди ходимлари, мудофаа ишлари бошқармалари бошлиқлари ва бошқа мутасаддилар иштирок этишди.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Сержантлар – армиямиз таянчи ва суянчи

АСЛ ПРОФЕССИОНАЛЛАР САФИ КЕНГАЙДИ

Тошкент ҳарбий округига қарашли сержантлар тайёрлаш мактаби Қуролли Кучларимиз жанговар сафларига етук профессионал кичик командирларни тайёрлаб бераётган билим масканларидан бири ҳисобланади.

Яқинда ушбу мактабнинг навбатдаги битирувчиларига сертификатларни тантанали равишда топшириш маросими бўлиб ўтди.

Унда Тошкент ҳарбий округ қўмондонлиги офицерлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари, ёру дўстлари иштирок этишди ҳамда посбонларни бугунги тантана билан табриклашиб, уларнинг келгуси хизматларига муваффақият тилашди. Бугунги сержантларимизни чинакам мард ва жасур, Ватан ҳимоясига доимо тайёр, ўз соҳасининг асл профессионаллари десак, асло янглишмаймиз. Сафдошлари номидан сўзга чиққан сержант Ихтиёр Хидиров жумладан, шундай деди:

– Бугун биз ўз соҳамиз ҳамда ҳарб илми бўйича билим ва малакамизни маҳоратли устоз офицерлар кўмагида янада оширдик ва мустаҳкамладик. Бу ерда олган билимларимиз хизматимиз давомида қўл остимиздаги посбонларни ҳар томонлама етук, салоҳиятли, ҳақиқий ватанпарвар этиб тарбиялашимизда жуда асқотади. Ўзимизга билдирилган ишончни оқлаб, юртимиз тинчлиги, осудалиги йўлида сидқидилдан хизмат қилишга ваъда берамиз.

Шунингдек, курсант Эрали Қурбоновнинг отаси Довурбой ота ҳам сержантларни чин юракдан табриклаб, уларга мустаҳкам ирода ва соғлик тилади.

Курсантлардан Шуҳрат Саломов, Улуғбек Охунов, Ислом Саъдуллаев, Дилфуза Қурбонназарова, Нарзулло Қўчқоров каби ўнлаб битирувчилар мактабни имтиёзли ҳужжат билан тугатишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Қуролли Кучларимизнинг асосий таркибини шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар ташкил қилади. Уларни малакали мутахассис қилиб тайёрлашда эса сержантлар тайёрлаш мактабларининг (СТМ) ўрни беқиёсдир.

Дарҳақиқат, армия ҳаёт мактаби ҳисобланади. Шундай экан, профессионал асосда шаклланаётган армиямиз сафларида қалбида юртига, халқига нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари жўшиб турган, ҳақиқий профессионал, ўз соҳасининг билимдонлари бўлган ўғлонлар хизмат қилмоғи керак. Шу мақсадда ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактаблари бу вазифани юқори даражада бажариб келмоқда. Юксак жанговар қобилияти, интеллектуал салоҳияти билан Қуролли Кучларимизнинг янада шаклланишига ҳисса қўшаётган сержантларни қайта тайёрлаш, улар малакасини, тажрибаларини мунтазам ошириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳа, бугунги посбонларимиз ҳарбий касбни шараф билиб, замон талабига монанд олға қадам ташлаётган қалби қайноқ ўғлонларимиздир. Уларнинг келажакда профессионалликнинг янги-янги чўққиларини забт этишларига ишончимиз комил.

Аҳрор ОЧИЛОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ҚАСАМЁДГА СОДИҚДИР ЎҒЛОН!

Тошкент вилоятидан сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга жалб этилган ёшларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилишларига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Фарзандлар ҳаётидаги унутилмас онларга шерик бўлиш ниятида ота-оналар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари келишган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Тошкент вилоятининг барча туманларидан сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга жалб этилганлар бир ой давомида барча машғулотларда фаол иштирок этиб, зиммаларидаги вазифаларни аъло даражада уддалашди. Уларнинг қисқа фурсатда ҳарбий ҳаётга мослашиб, соҳа илмини мукаммал ўзлаштиришганлигини юриш-туришидан ҳам англаш қийин эмасди.

«Қасамёд қабул қилишга киришилсин» буйруғи янграгач, ҳарбий либослари ўзларига ярашиб турган ўктам йигитлар бирин-кетин Президентга ва халқига садоқат ила хизмат қилишга қасамёд қилдилар.

Тантанали митингда офицер Акбарали Усмонов қасамёд қабул қилган йигитларни бу кунги шодиёна билан табриклади. Уларга омад, келгусидаги ўқиш ва ишларига эса муваффақиятлар тилади. Шундан сўнг ота-оналар номидан Санобар ая Мажидова ҳамда Норбек ака Абдураҳмоновлар сўзга чиқишиб, барча йигитларни тантана билан қутладилар ва уларнинг Ватанимизнинг муносиб ҳимоячиси бўлиб, юртимиз тинчлиги йўлида ўз ҳиссаларини қўшишларига ишонч билдиришди. Шу билан бирга фарзандларининг Ватан олдидаги шарафли бурчини адо этаётганларидан ниҳоятда мамнун эканликларини алоҳида таъкидлашди.

– Мен жуда хурсандман, – дейди биз билан суҳбатда тантанага келган Марям Бозорбоева. – Чунки бугун ўғлим Сайдулла Бозорбоев ҳам Ҳарбий қасамёд қабул қилди. Энди у ҳам юртнинг асл ўғлонлари сафига қўшилди. Элимиз тинчлиги, келажаги мана шу ёшлар қўлида. Қачонки, юрт тинч бўлса, оила тинч бўлади. Фарзандларимиз эмин-эркин ўсади. Менинг барча йигитларга тилагим, соғ-саломат бўлишсин. Ҳар доим ота- оналарининг ишончини оқлашсин.

Қибрай туманидан хизматга чақирилган Соҳибжон Холматов ҳам ушбу тантанада юртимизга садоқат билан хизмат қилишга онт ичди. У бугунги таассуротлари билан ўртоқлашар экан, ўз ҳаяжонини яшира олмади:

– Ҳарбий қасамёд қабул қилганимдан жуда ҳам бахтиёрман. Қасамёд йигит учун бир умрга ичилган онт эканлигини яхши биламан. Мен ҳам, сафдошларим ҳам ўз аҳдимизга, йигит сўзимизга бир умр содиқ қоламиз. Тажрибали устоз офицерларимиз кўмаги билан бир ой ичида ҳаёт мактаби аталмиш армия сабоғидан билим олдик. Тантанага ота-онам ҳам келишди. Улар мени ҳарбий либосда кўришиб, жуда севинишди. Мен ҳам уларнинг қувончига қувонч қўшганимдан жуда мамнунман.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА,
Александр МРУЧАК суратга олган.

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

ЮРТ КОРИГА КАМАРБАСТА

Ҳарбий хизмат вакиллари ҳақида сўз кетганида Президентимизнинг «Ҳарбий хизмат кишидан бошқа соҳа мутахассисларига нисбатан кўпроқ мардлик, матонат ва фидойилик фазилатларини, ўз Ватани олдидаги бурчи ва қасамёдига содиқликни талаб этади», деган сўзлари хаёлимиздан ўтади. Дарҳақиқат, ҳарбийлик чиндан-да жасорату фидойиликни, интилиш ва бедорликни талаб этадиган касб. Шу боис бу соҳада хизмат қилиб, узоқ йиллар фаолият кўрсатиш осон эмас. Бироқ шундай инсонлар борки, ўз умрини ҳарбийликка бағишлаб Ватанимиз тинчлиги йўлидаги бурчларини муносиб адо этиб, эл корига камарбаста бўлиб келмоқдалар. Одатда бундай шарафга эришиш учун киши ҳар томонлама ҳавас қиладиган даражага етмоғи керак. Мақоламиз қаҳрамони офицер Зокиржон Юлдашев ана шундай фидойи инсонлардан.

Инсоннинг мақсад сари олға қадам ташлашида, мавжуд қийинчилик ва тўсиқларни мардонавор енгиб ўтишида, ҳаёт зарбаларидан эсанкирамай ўз йўлида давом этишида ирода, матонат, сабр-бардош муҳим аҳамият касб этади. Зокиржон Юлдашев ҳам шу фазилатлар эгаси.

Зокиржон Юлдашевда ҳарбий учувчи бўлиш иштиёқи ёшлик чоғларида пайдо бўлган. У то мактабни битиргунича фақат шу соҳа эгаси бўлишни ният қилиб юрди. Бошида буни шунчаки болаларга хос ҳавасга йўйган ота-онаси – Ҳамид ака ва Муҳаррам опалар ўғилларининг мактабни битирибоқ Саратовдаги ҳарбий учувчилар тайёрлайдиган билим юртига ўқишга кирмоқчи эканлигини эшитиб жиддийроқ ўйлана бошладилар. Ҳарбийлик – бу катта масъулият, қолаверса машаққатли соҳа эканлигини тушунтиришди унга. Яна юртдан узоқда, бегона жойда ўқиш ота-онани хавотирга солди. Лекин офицер бўлиш иштиёқи, ҳарбий кийим кийган кишиларни кўрганда ўзини улар ўрнида тасаввур қилувчи, юраги шижоатга тўла Зокиржон буларнинг барчасига рози эди. 1984 йили мактабни муваффаққиятли тамомлаган ўспиринниг кейинги йўли аниқ эди. Барча имтиҳон ва синовлардан ўтгач, у Саратов олий ҳарбий учувчилар билим юрти курсантига айланди. Ўз орзусига эришган Зокиржон билим юртида учувчилик сирларини мукаммал ўзлаштириш учун ҳаракат қилди. Бунда устози, ўз соҳасининг моҳир билимдони Пётр Перумовнинг хизмати катта бўлди. 1988 йилда билим юртини тугатиб катта куч ва ғайрат билан ҳарбий учувчи-штурман вазифасида фаолиятини бошлади.

Мустақиллигимиз шарофати билан ўз миллий армиямизнинг ташкил топиши Зокиржон сингари ўғлонларимизни Қуролли Кучларимиз сафига бирлаштирди.

Айни кучга тўлган, ҳарбий соҳада тажриба ва маҳоратга эга бўлиб улгурган йигит бор имкониятларини энди мустақил юрт армиясининг қудратли кучга айланишига сарф эта бошлади.

Мана, у ҳамон ҳарбий хизматда. Ўтган йиллар уни фақат омаду қувонч билан сийламагани аниқ. Чунки интилишсиз, қатъий ҳаракат ва машаққатсиз мақсадга етишишнинг ўзи бўлмайди. Енгиб ўтган довонларинг эса сенга янги-янги чўққиларини рўбарў қилаверади. Эзгу мақсад йўлида қилинган саъй-ҳаракат эса куни келиб орзуинг рўёбига етказиши тайин. Зокиржон ҳам ўз фаолияти давомида қатор масъулиятли вазифаларда хизмат қилди. Айни пайтда ҳам ҳарбий қисмлардан бирида шарафли вазифасини адо этиб келаяпти.

Истиқлолимизнинг 15 йиллиги муносабати билан офицер Зокиржон Юлдашев «Жасорат» медалига ва «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан тақдирланди.

Зокиржон оилада вафоли ёр, меҳрибон ота. Турмуш ўртоғи Ўлмасхон билан севимли фарзандлари Бекзоджон, Бунёджон, Улуғбекларни тарбиялашмоқда.

– Ўғилларимда ҳам ҳарбий соҳага қизиқиш катта, – дейди Зокиржон ака қувонч билан. – Мен уларнинг иштиёқларини кўриб хурсанд бўламан. Ахир ота касбини давом эттириш ҳам шараф-да. Агар фарзандларим келажакда ҳарбий соҳада хизмат қилишса, албатта устоз сифатида уларга йўл-йўриқлар бераман.

Зокиржон Юлдашевнинг сўзларини тинглаб туриб, бу инсоннинг халқ осойишталигини ва тинчлигини сақлаш йўлида борини аямайдиган ўзбекнинг асл фарзанди, оловқалб ҳарбий хизматчи эканлигига амин бўлдик. Чунки ҳарбий соҳанинг масъулиятли ва машаққатли эканлигини ўз бошидан ўтказа туриб, фарзандларининг ҳам Ватан ҳимояси йўлида юртга камарбаста бўлишларига замин яратиш ҳамма ота-онанинг ҳам қўлидан келавермайди. Офицер Зокиржон Юлдашевга эса бу борада ҳам ҳавас қилса арзийди.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

ЖАСОРАТГА УНДАЙДИ – ҲАЁТ МАКТАБИ

Миллий армиямиз ташкил топганига ҳам ўн беш йил бўлди. Шу вақт ичида Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар армиянинг нуфузини армия кескин ўзгартирди. Бугунга келиб армия сафларида хизмат қилиш, ўз йигитлик бурчини ўташ ҳар бир ўғлон учун шон-шарафга айланиб улгурди. Ҳарбий хизмат ёшларимизда ижобий ўзгаришлар ясамоқда. Буни ота-оналар ҳам, уларнинг фарзандлари ҳам тўлиқ англаб етишди. Муддатли ҳарбий хизматчиларга яратилаётган имтиёзлар, хизматдан резервга бўшатилганларга кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрликлар йигитларимизни сидқидилдан она Ватан тинчлиги, осойишталиги учун хизмат қилишга, уларни матонатга, жасоратга ундамоқда. Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг ўн беш йиллигида бир қатор фидойи посбонларимиз Ватаннинг юксак мукофотлари билан тақдирланишди. Шулар орасида Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округда ўз хизмат вазифасини ўтаётган оддий аскар Фахриддин Қурбоновнинг ҳам борлиги юқоридаги фикрларимизнинг исботидир.

ФАХРИДДИН БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

Оддий аскар Фахриддин Қурбонов Қуролли Кучларимиз ўн беш йиллигида намунали хизматлари учун «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида туғилиб вояга етган ўғлон тенгдошлари қатори биринчилардан бўлиб, Ватан олдидаги конституциявий бурчини ўташга отланди.

– Уч йил иқтисод соҳаси бўйича ўқишга киришга ҳаракат қилдим, – дейди у. – Аммо омадим келмадими ёки тайёргарликларим бўш бўлганлиги боисми, талаба бўлиш менга насиб этмади. Шундан сўнг муддатли ҳарбий хизматни ўташга қарор қилдим. Бу қарорим ота-онамга ҳам маъқул бўлди. Мустақил юртимиз тинчлиги йўлида ўз ҳиссамни қўшаётганимдан мамнунман.

Аскар бўлиб, армия мактабида ўз йигитлик бурчини ўташга қарор қилган ўғлон, ҳозирда танкчилар ҳарбий қисмида ўқловчи вазифасида намунали хизмат қилиб келмоқда.

Офицерлар ва сержантлардан ҳарб илми билимларини пухта ўзлаштирган посбон, барча соҳаларда пешқадам. У жанговар тайёргарликда ҳам, тактик, техник, жисмоний тайёргарликларда ҳам доимо олдинги сафларда. Фахриддин яхшигина ташкилотчилик қобилиятига ҳам эга. Умуман, ўз намунали хизматлари билан сафдошларига ўрнак бўлиб келмоқда.

– Оддий аскар Ф.Қурбонов хизматининг илк кунлариданоқ, – дейди офицер Дилшод Якубов, – ўзининг тиришқоқлиги, меҳнаткашлиги, талабчанлиги ва ақлий салоҳиятининг етуклиги билан биз командирларнинг эътиборимизга тушган эди. Ёзги ўқув мавсумида билим ва маҳоратини тўлиқ намоён қилиб илғорлар сафидан жой олди. Ҳозир қишки ўқув машғулотларида ҳам фаол иштирок этиб, жанговар шайликни оширишда катта ҳисса қўшмоқда.

Фахриддин ёшлигидан спортга меҳр қўйиб, кўпгина турлари билан мунтазам шуғулланиб келган. У миллий кураш ва футболдан талай ютуқларни қўлга киритган. Бўш вақтларида кутубхонада китоб мутолаа қилади.

– Ҳарбий хизмат менга анча нарсани ўргатди, – дейди у биз билан суҳбатда. – Қишки ўқув мавсумини кўтаринки руҳда бошладик. Ҳозир айни ўз маҳоратларимизни, билим ва кўникмаларимизни кўрсатадиган вақт. Шунинг учун бутун диққат-эътиборимизни жанговар шайликни оширишга қаратганмиз. Бунда биз аскарларга малакали офицер ва сержантлар яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Хизматимни намунали ўтаганим боис мени «Жасорат» медали билан тақдирлашди. Бу мен учун катта бахтдир. Шунингдек, биринчи навбатда ота-онамнинг юзини ёруғ қилган бўлсам, халқим ва Ватаним билдирган юксак ишончни муносиб оқладим деб биламан. Бундан кейин ҳам ўзимнинг аъло хизматларим билан доимо олдинги сафда юришга ҳаракат қиламан.

Ҳусниддин РАЖАБОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ҲУКУМАТ ҚАРОРЛАРИ – АМАЛДА

Изучаем поздравление Президента

В ИНТЕРЕСАХ ПОВЫШЕНИЯ МОБИЛЬНОСТИ И БОЕГОТОВНОСТИ

Раскрывая проблемы, стоящие перед обществом, государством и Вооруженными Силами в текущих вопросах военного строительства, Президент страны, Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами Ислам Каримов в праздничном поздравлении защитникам Родины сформулировал еще одну важнейшую задачу: «Необходимо продолжать работу по дальнейшей оптимизации состава и совершенствованию организационно-штатной структуры войск, системы управления Вооруженными Силами. Важнейшей задачей здесь является повышение мобильности и боеготовности соединений и частей, как одного из решающих условий достижения успеха на современных театрах боевых действий».

Чем вызвана такая постановка вопроса? Прежде всего тем, что **военная реформа** – это постоянно совершенствующийся процесс накопления и внедрения в жизнь войск все новых и новых усовершенствований, апробированных войсковой практикой тех новшеств, которые в полной мере соответствуют потребностям современной войны. И, во-вторых, тем, что эта проблема имеет непреходящее значение.

Начиная военную реформу, мы поставили перед собой задачу создать такую организационно-штатную структуру войск, которая бы в полной мере обеспечивала наивыгоднейший, оптимальный состав и наиболее целесообразное сочетание видов оружия, родов войск, делала вполне возможным постоянное повышение боевой готовности частей и подразделений, их живучести и надежности, способности вести успешные боевые действия на Центральноазиатском театре военных действий, в местных географических и климатических условиях.

Надо иметь в виду, что **организационно-штатная структура войск всецело зависит от характера предстоящих боевых действий и характера возлагаемых на Вооруженные Силы задач, как ближайших, так и прогнозируемых на более отдаленную перспективу.** А поскольку определяющей чертой нашего времени, начала XXI века, стала борьба против международного терроризма и религиозного экстремизма, то и задачи Вооруженных Сил, естественно, связываются с борьбой против этого всемирного зла.

Искоренить терроризм, ставший угрозой всему человечеству, можно только совместными усилиями всех народов и государств. Понимание этой краеугольной мысли, высказанной Президентом Исламом Каримовым, и привело мировое сообщество к созданию антитеррористической коалиции. Мы живем в очень непростое время, когда не снижаются, а нарастают масштабы терроризма, экстремизма и наркоагрессии, когда не снижается напряженность в нашем регионе и мире в целом. В этих условиях **мы должны на невиданную высоту поднять нашу бдительность, боевую настороженность и боевую готовность Вооруженных Сил.**

Кардинальная военная реформа Вооруженных Сил страны как раз и служит достижению этой цели. При этом, разрабатывая и обосновывая приоритеты военной реформы, Президент, Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами ориентировал военные кадры на то, чтобы новая организация структуры войск в полной мере соответствовала исторически сложившимся и научно-обоснованным принципам. Важнейшими из них являются: соответствие организационно-штатной структуры войск характеру предстоящих боевых действий и особенностям решаемых боевых задач, обеспечение максимальной самостоятельности, высокой мобильности и маневренности, широкое применение воинских подразделений специального назначения, эффективное использование имеющегося вооружения и боевой техники и поступающих новых и новейших средств вооруженной борьбы, эффективная и удобная система управления войсками и достижение превосходства создаваемой организационно-штатной структуры войск над потенциальным противником.

Таким образом, **с созданием принципиально новой организационной структуры войск закладывался принцип высокой эффективности и надежности Вооруженных Сил.** Эта ответственная задача решалась в ходе многолетней проверки жизненности каждой новой структуры применительно к решению современных сложных задач борьбы как с традиционным, так и нетрадиционным противником. Каждая новая структура базировалась на ее целесообразности. Новое построение армии, в основе которой группа, взвод, батальон, бригада, не только повысило мобильность, оперативность и высокую маневренность войск, но и позволило обеспечить самостоятельность и ответственность командиров всех уровней.

Поскольку современные боевые действия носят высокоманевренный характер, а действия террористов – нередко непредсказуемый характер, то максимальная мобильность и высочайшая маневренность приобретают особое значение. Это и нашло свое отражение в организационно-штатной структуре войск.

Важнейшим принципом ее совершенствования является **достижение превосходства организационной структуры войск над потенциальным противником.** Чем оно достигается? Прежде всего глубоким знанием его сильных и слабых сторон и его морально-психологического состояния, а также систематическим совершенствованием организационных форм своих войск. А это обусловлено непрерывными качественными и количественными изменениями в средствах вооруженной борьбы и совершенствованием способов ведения боевых действий.

Вот почему одним из важнейших требований Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами является улучшение оснащения войск современным вооружением и техникой и, что особенно надо подчеркнуть – **высокоточным оружием, электронными и компьютерными системами.** Это нам диктует сама обстановка в мире и регионе.

Надо подчеркнуть, что любое новшество, изменение в организационно-штатной структуре проходит тщательную проверку в условиях, близких к реальной действительности, к тем возможным ситуациям, которые могут возникнуть в условиях современного боя. Проведенные совместные антитеррористические учения, как на территории Узбекистана, так и в Краснодарском крае России, являются наглядным примером не только оперативно-стратегического взаимодействия Вооруженных Сил в борьбе против международного терроризма, но и, можно сказать, полигоном, на котором проверяется жизнеспособность новой техники и вооружения, новых контртеррористических подразделений, удобоуправляемость в ходе боевых действий, формы и методы взаимодействия частей и подразделений совместно действующих в контртеррористической операции вооруженных сил двух стран. Главным результатом последнего антитеррористического учения «Братство по оружию-2006» явилось то, что был выработан единый алгоритм работы органов управления по планированию совместных антитеррористических действий в борьбе против общего врага, определен и практически отработан порядок организации взаимодействия между частями и подразделениями, совместно действующими на ТВД, проведен конструктивный обмен опытом противодействия любым проявлениям терроризма, укрепился дух содружества, взаимопонимания и взаимопомощи в борьбе против общего врага. И, главное, наглядно продемонстрирована высокая боеготовность контртеррористических подразделений, их мобильность, маневренность и высокая эффективность.

Вывод из сказанного напрашивается один: нам надо и дальше продолжать работу по оптимизации состава и совершенствованию организационно-штатной структуры войск и системы управления Вооруженными Силами. Как мы уже убедились, эта задача работает на боевую готовность Вооруженных Сил. А для каждого военнослужащего сегодня высший смысл его деятельности в постоянной готовности к защите самого дорогого – независимой Родины и нашей благодатной земли, мира, стабильности и благополучия народа.

Анфим ХЛЫЗОВ.

«СЛУЖИТЕ ЧЕСТНО, СЫНОВЬЯ!»

– Праздничное поздравление защитникам Родины Президента Республики Узбекистан, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Абдуганиевича Каримова постоянно находится в центре внимания воинов нашего подразделения, – говорит заместитель командира по воспитательной работе лейтенант Ш.Бахромов. – Эта работа проводится с офицерами, солдатами и сержантами. И ведется она по составленному плану.

Здесь состоялась читка праздничного поздравления. Затем с личным составом были проведены беседы на такие темы, как «История Вооруженных Сил за истекшие 15 лет», «Формирование национальной армии – надежный гарант независимости, безопасности и территориальной целостности», «Достойно выполнять воинский долг, активно участвовать в соревновании под девизом: «Сохранять бдительность, повышать боевую выучку и профессиональное мастерство, быть готовым в любых условиях обстановки надежно защищать Отечество, спокойствие и мирную жизнь народа Узбекистана» и другие. С ними выступили офицеры А.Нурбабаев, В.Саттаров, Ш.Кучкаров. С большой заинтересованностью их слушали воины.

– В праздничном поздравлении дана высокая оценка школам подготовки сержантов, – говорит младший сержант Д.Имамов. – Они действительно играют важную роль в профессиональной подготовке, укреплении здорового психологического климата, кардинальном повышении боевого потенциала Вооруженных Сил. И мы, младшие командиры, в ходе обсуждения праздничного поздравления выступили перед личным составом с рядом бесед о тех сержантских школах, где учились. Это вызвало у воинов большой интерес, и некоторые из них уже сейчас приняли решение после окончания срочной службы остаться на контрактную.

Сегодня служба в рядах Вооруженных Сил страны, говорится в поздравлении, без преувеличения становится не только конституционным долгом гражданина Узбекистана, но и одной из престижных профессий в стране. Доказательством этому становится тот факт, что в последние годы комплектование Вооруженных Сил военнослужащими срочной службы проводится, в основном, на конкурсной основе.

– Скоро заканчивается срок моей службы, – говорит рядовой Х.Умаров. – И уже сейчас с полной уверенностью могу сказать, что служба в армии дала мне многое. Я и мои товарищи не только осваивали военные специальности, мы возмужали духовно и физически, формируя цельность характера и твердую жизненную позицию, готовность встать на защиту Родины.

Интересная дискуссия состоялась в подразделении на тему: «Каким должен быть настоящий защитник Родины?». Воины рассказывали о себе, о своих товарищах по службе, приводили яркие примеры добросовестного выполнения ими своего конституционного долга.

Командир подразделения старший лейтенант А.Садуллаев выступил перед офицерами, заинтересовав их беседой о дальнейшем совершенствовании воспитательной работы. Он поставил перед ними конкретные задачи по воспитанию у воинов высоких моральных и духовно-нравственных качеств, активной жизненной позиции.

В обсуждении праздничного поздравления принимают участие и родители солдат, приезжающие проведать сыновей. Акбар-ака, отец рядового Д.Кадырова, выступая перед солдатами, сказал: «Праздничное поздравление нашего Президента, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами нацеливает вас на добросовестную отличную службу. Оправдывайте оказанное вам высокое доверие. Успешно овладевайте военным делом. Ведь от вас зависит безопасность нашей страны, мир и спокойствие людей. Служите честно, сыновья!»

Сергей АЛЕКСАНДРОВ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Экспортнинг ўсиш кўрсаткичи:

Товар маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми

Ташқи савдо айланмаси



Экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотлар ва хизматларнинг улуши

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛЛАРИ

ЁКИ ЯНГИЛАНИШ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШДА ЮРТБОШИМИЗ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРНИНГ ЎРНИ

Ўтган йил якунларини ифодаловчи рақамларнинг мағзини чақар эканмиз, бу кўрсаткичлар реал воқеликка айланиши учун қанчалаб пешона тери тўкилганини, халқимизнинг Ватан қудратини мустаҳкамлаш йўлида мислсиз фидойилигини қалбдан ҳис этамиз. Дарҳақиқат, Президентимиз уқтирганларидек, 2006 йил бутун дунё олдида Ўзбекистоннинг нималарга қодирлигини намойиш этадиган йил бўлди. Мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий кўрсаткичларига назар ташлайлик: ўтган йили иқтисодиётнинг барқарор ўсишига эришилиб, ялпи ички маҳсулот аввалги йилдагига нисбатан 7,3 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10,8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,2 фоизга ошди, хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўрсаткичлар 19,5 фоизга кўпайди.

Экспорт корхоналаримиз фаолиятининг энг муҳим йўналишига, бутун иқтисодиётимизнинг ривожланиш натижаларини баҳолаш мезонига айланди. Биргина 2006 йилнинг ўзида товар маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми 31,5 фоизга ўсиб, 2000 йилдагига нисбатан 2 мартадан кўпроқ ортди. Экспорт ҳажмининг ана шундай ўсиши биз учун анъанавий ресурслар бўлмиш пахта толаси, қимматбаҳо металлар ва турли хомашё етказиб бериш ҳисобига эмас, балки асосан автомобиллар, нефть-кимё ва металл буюмлари, минерал ўғитлар, ип-калава, газлама, трикотаж, сим-кабель маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқа шу каби кўплаб экспорт товарлари ҳажми ва турларини кўпайтириш эвазига таъминланмоқда. Буни экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотлар ва хизматларнинг улуши 53 фоиздан ошгани, пахта толасининг улуши эса 17 фоизгача камайгани ҳам тасдиқлайди.

Президентимиз маърузасида 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг қуйидаги энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Биринчи навбатдаги ҳал қилувчи асосий вазифа – бу иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш билан боғлиқ ишларнинг аҳволи жиддий эътиборни талаб қилади. Чунки корхоналарда эскирган технологиялар, жисмоний ва маънавий жиҳатдан аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган асбобускуна ва дастгоҳлар билан ишлаётган ўнлаб ва юзлаб корхоналар сифатсиз, истеъмол учун яроқсиз маҳсулотларни ишлаб чиқараётганлиги корхонанинг молиявий имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлигига олиб келмоқда. Бу эса уни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ масалаларга нисбатан янгича ёндашувни талаб этмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда **иккинчи асосий устувор йўналиш** хусусий бизнес учун зарур бўлган барча қулай шароитларни яратишдан, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириб боришдан иборатдир.

Ҳозирги бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш шароитида республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналарга алоҳида эътибор қаратиш, бу жараён янги инновациялар, ташаббускорликни талаб этишини ҳисобга олган ҳолда, шу асосда, яъни ресурсларни тежаб, сифатли маҳсулот чиқариш йўли билан иқтисодий ривожланишни таъминлаш мумкин. Бунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда фан ва техникада эришилган энг сўнгги инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш лозим.

Шу ўринда ривожланган хорижий давлатлар тажрибасига суянадиган бўлсак, уларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий омили, иқтисодий конъюнктуранинг ўзгаришларига тез мослаша оладиган, янги техника ва технологияларни доимий равишда талаб қиладиган, меҳнат унумдорлиги юқори бўлган ҳўжалик субъектлари сифатида кенг фаолият юритмоқда. Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини изчил ривожлантириш натижасида одамларни янги иш жойлари ва даромад манбаи билан таъминлаш, жойларда ташаббускорликни рағбатлантириш, аҳоли орасида тадбиркорлик кўникмаларини оммалаштириш имкониятлари пайдо бўлади.

Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, 2007 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони қарийб 350 мингтага етди. Бугунги кунда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 42,1 фоизни ташкил этмоқда. 2006 йилнинг ўзида ушбу соҳада қўшимча равишда 290 мингта янги иш ўрни яратилдики, бу кўрсаткич мамлакатимизда очилган янги иш жойларининг 50 фоиздан ортиғини ташкил этади.

Шу билан бирга, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг мавжуд салоҳиятини тўла намоён қила олмаётганини ҳам қайд этиш лозим. Шунинг учун Ўзбекистонда бу соҳани янада ривожлантириш учун анча-мунча вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, хомашёни бирламчи қайта ишлайдиган оддий ишлаб чиқаришдан босқичма-босқич юксак технологик ишлаб чиқариш тизимига ўтиш зарур. Бу жараён ички бозордаги талаб ва маҳсулот экспортини кенгайтиришга йўналтирилиши керак.

Айни пайтда машинасозлик ва металлга ишлов бериш, енгил саноат, айниқса, трикотаж, тикувчилик, пойабзал каби тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган соҳалар, шунингдек, қурилиш материаллари саноатида кичик бизнеснинг ўрни ва улушини ошириш лозим. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида юксак профессионализм ва интеллектуал салоҳиятга асосланган меҳнатни тобора кенг қўллаш, фан ва техниканинг илғор ютуқларини фаол жорий этиш, янги инновацияларни яратиш асосида барқарор иқтисодий ўсишда унинг улушини янада кўпайтириш даркор.

Молия-кредит тизимини такомиллаштириш ҳамда кичик корхоналарнинг кредит манбалари ва сармояларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, давлат томонидан кредитни кафолатлаш жамғармаларини яратиш ҳам талаб этилади.

Шу аснода кичик корхоналарнинг хомашё ва технологиялардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш тизимини такомиллаштириш зарур.

Соҳани ривожлантиришда салоҳиятли кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш тармоқ ва ҳудуд учун зарур. Аммо тараққиёт концепциясида асосий эътибор, биринчи навбатда, паст рентабелли соҳаларнинг ривожи учун қулай имкониятлар яратиш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати йўналишлари ва мақсадларига мос фаолият юритаётган хўжалик тузилмаларини рағбатлантириш, ҳудудий аҳамиятга эга маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарга солиқ имтиёзлари белгилаш, лизинг хизмати ва инвестицион хатарларни суғурталаш тизимини кенгайтириш ва мавжуд имкониятлари чегараланган кичик тадбиркорлик корхоналарининг банк кредитларидан фойдаланишига йўл очувчи шароитларни таъминлаш вазифаларига қаратилмоғи керак.

Учинчи энг муҳим устувор йўналиш – бу хорижий инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларимизни ҳар томонлама кучайтиришдан иборат. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, «хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этмасдан туриб, реал иқтисодиётда, биринчи галда, етакчи тармоқларда чет эл капиталининг иштирокини кенгайтирмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш қийин». Шу билан бирга, «ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатишича, йилига 6 фоиздан ортиқ иқтисодий ўсишни таъминлаш учун жамғармалар ялпи ички маҳсулотнинг камида 25 фоизини, инвестициялар эса 30 фоизини ташкил этиши керак». Чунки бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш шароитида инвестициялар тармоқни замонавий илғор техника ва технологиялар билан таъминлайди, унинг маблағи захирасини тўлдиради, илғор бошқарув тажрибасини йўналтиришга кўмаклашади, мамлакат озиқ-овқат бозорини барқарорлаштиради ва экспорт салоҳиятини оширади. Шунингдек, хорижий инвестициялар қишлоқ жойларда турмуш шароитининг яхшиланиши, янги иш ўринларининг яратилишига олиб келади ҳамда мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун, авваламбор, иқтисодиёт тармоқларида мавжуд шарт-шароитларни ўрганиш, қулай имкониятлар яратиш, хорижий инвестициялардан асосан ўрта ва узоқ муддатларда фойдаланишни таъминлаш, чет эллик сармоядорларни ўзига жалб этувчи ва самарали инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, инвестиция фаоллигини ошириш учун бевосита товар ишлаб чиқарувчиларнинг инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишдаги кенг иштирокини таъминлаш лозим. Негаки, хорижий инвесторларни жалб этадиган ҳар томонлама минимал инвестиция лойиҳалари етарли эмаслиги, уларни ишлаб чиқишдаги камчиликлар, амалий тажрибанинг етишмаслиги бу борада асосий тўсиқлардан ҳисобланади.

2007 йилда алоҳида эътибор талаб қиладиган **тўртинчи устувор вазифа** – бу иш ҳақи миқдорини ва аҳоли турмуш даражасини изчил ошириб боришни таъминлашни кўзда тутади.

Бешинчи энг муҳим устувор масала эса – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишдир.

Олтинчи устувор масала – банк-молия тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтиришдир.

Бугунги кунда банк тизимини ислоҳ қилиш борасидаги энг муҳим вазифалар – банкларнинг ўз устав капиталини кўпайтириш, аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва сармоя киритиши мумкин бўлган инвесторлар, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорларида фаол жойлаштириш каби комплекс чораларни амалга оширишдан иборат бўлмоғи лозим. Президентимиз таъкидлаганидек, «ишни шундай йўлга қўйиш керакки, мижозлар, тадбиркорлар банкларнинг ортидан эмас, аксинча, банклар бизнес вакиллари ва аҳоли орқасидан юрадиган бўлсин».

Бизнинг доимий эътиборимизни талаб қиладиган **еттинчи устувор йўналиш** – бу коммунал хўжалик соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ. Шу мақсадда охирги йилларда уй-жой-коммунал хўжалигида рўй бераётган жараёнларни танқидий баҳолаб, барчамиз учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ушбу соҳада ҳамон сақланиб қолаётган жиддий муаммоларнинг илдизига етиш ва уларни бартараф қилиш зарур. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси, «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига тўлиқ амал қилинишига эришишимиз зарур.

Яна шуниям таъкидлашимиз керакки, ҳозирги кунда республикамизда фан ва таълим соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни қўллаган ҳолда, кадрларни тайёрлаш ва қайта ўқитиш, малакасини ошириш масалаларига ҳукуматимиз томонидан катта эътибор берилмоқда. Бунинг замирида, энг аввало, тайёрланаётган маҳаллий кадрларнинг халқаро андозаларга ҳар томонлама жавоб бериши, бозор иқтисодиётининг талаб ва таклиф ўзгаришларига, рақобатига тайёр туришдек улкан мақсадлар мужассам. Шундай экан, келгусида олий таълим муассасаларида, касб-ҳунар таълимида, малака ошириш муассасаларида ўқув-услубий ҳужжатлар сифатли тайёрланиши, энг сўнгги фан ва таълим соҳасидаги ўзгаришларни, янги инновацияларни ўзида намоён эта оладиган даражада тайёрланган бўлиши лозим. Бу эса педагог ўқитувчилардан катта маҳоратни талаб этгани ҳолда, талабалар ва тингловчиларнинг кенг доирада билим олишлари ва малака оширишларига, замонавий фан ва таълим соҳасидаги янгиликларни ўзлаштириб боришларига катта имкониятлар очиб бериши шак-шубҳасиздир.

Саидаҳрор ҒУЛОМОВ, академик,
Баҳодир ҒОЙИБНАЗАРОВ, иқтисод фанлари доктори.

ЗАВОДСКАЯ ПРАКТИКА РЕМОНТНИКОВ

На базе авторемонтного завода Министерства обороны было организовано проведение заводской практики специалистов подразделений обслуживания и ремонта автомобильной техники.

– Привлеченные на практику военнослужащие по контракту в течение месяца усиленно занимались по утвержденной программе, – рассказывает представитель Министерства обороны офицер Алишер Низаметдинов. – Проведение подобных мероприятий стало доброй традицией, дважды в год специалисты по ремонту техники из войсковых частей прибывают на завод в целях повышения своего профессионального уровня.

Командованием предприятия создана администрация заводской практики во главе с офицером Хошимом Абдурахимовым. В первую очередь прибывшие военнослужащие прослушали курс по требованиям общих положений мер безопасности при работе на автомобильной технике, сдали зачеты и получили допуск к участию в заводской практике.

Затем с ними были проведены лекционные и практические занятия по обширной тематике. Так, об общем устройстве армейских автомобилей, их назначении и видах ремонта рассказал офицер Х. Абдурахимов. Много нового и интересного для себя узнали участники практики из занятия по общему устройству силовых установок и силовых агрегатов, проведенного начальником цеха служащим Вооруженных Сил Аббосхоном Мадалиевым. О возможных неисправностях системы питания двигателей автомобилей поведал начальник цеха служащий Вооруженных Сил Игорь Бобров.

Славные трудовые традиции завода достойно продолжает новое поколение. Так, начальником цеха капитаном Бахромом Саидовым на высоком методическом уровне было проведено практическое занятие по разборке и сборке карбюраторных и дизельных двигателей. Прибывшие на практику военнослужащие получили также возможность повысить свои практические навыки в выполнении слесарных, сварочных и других работ, ремонту аккумуляторных батарей.

На днях практиканты сдавали экзамены с показом на технике действий по ремонту и обслуживанию. Для рядового по контракту Нарзулло Шомуродова из ЮЗОВО замена фильтра является привычной несложной операцией, однако дополнительные вопросы строгого экзаменатора офицера Тохира Сулейманова заставляют поволноваться даже такого опытного военного профессионала. Вот и командиру ремонтной секции из ВВО младшему сержанту Мухтару Дадабаеву кажется очень простым делом установка карданного вала. Каково же было его удивление, когда слесарь-сборщик завода Мирза Досыбаев наглядно показал ему на практике, как можно эту процедуру выполнить еще более надежно и экономично!

– Я уже проходил здесь практику, – делится с нами впечатлениями рядовой по контракту Урин Аскаров из ЦВО. – И тогда мне удалось почерпнуть много полезного, и сейчас возвращаюсь в часть, вооружившись новыми знаниями и навыками.

– А я прибыл сюда из специализированного ремонтно-восстановительного подразделения, – подключается к беседе рядовой по контракту Бобомурод Мусурмонов из ЮЗОВО. – Однако здесь воочию убедился в том, что заводские условия ремонта существенно отличаются от наших, войсковых. Тут многому можно и нужно научиться.

Еще одному водителю-электрику рядовому по контракту Жасурбеку Юлдашеву, командиру ремонтной секции самоходного артиллерийского дивизиона, очень понравился акцент на качестве выполняемых работ на данном заводе. Представителю СЗВО, рядовому по контракту Комилжону Туракулову, эта практика запомнится пополнением багажа знаний и навыков в обслуживании автомобилей ГАЗ-66. Уже седьмой год служит солдат в своей части, оставшись в ней после прохождения срочной.

Вот и представителю воинской части ВВО, названной лучшей в наших Вооруженных Силах в минувшем году, младшему сержанту Ильхому Аскарову, данная практика дорога тем, что поможет и дальше наращивать профессиональное мастерство. Старшему технику горностелкового взвода, который успешно окончил школу подготовки сержантов, не привыкать к роли обучаемого. Как и начальнику ремонтной мастерской из части Военно-Воздушных Сил младшему сержанту Руслану Юсупову, его богатый служебный опыт помогает выхватывать рациональное зерно из каждого проведенного занятия.

Успешно сдав экзамены и зачеты, участники заводской практики отправятся в свои воинские части, а полученные знания и навыки сослужат добрую службу в деле укрепления обороноспособности наших Вооруженных Сил, продолжения реформы национальной армии Узбекистана.

Майор Аблай КАМАЛОВ.
Фото **Александра МРУЧАКА.**

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАМЛАР

Офицер Жавдат Тўраев хизмат қилаётган ҳарбий жамоада ҳам барча ҳарбий қисмларда бўлганидек ўқув машғулотлари қизғин паллага кирган. Мазкур жамоада ўз касбининг фидойилари бўлган ҳақиқий профессионаллар хизмат қилишади.

Ўтган ўқув мавсуми натижаларига кўра ҳарбий қисм кўрсаткичлари юқори бўлиб, округда етакчилар сафидан жой олди. Бу ерда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ўндан зиёд аскар йигитлар қисм қўмондонлигининг тавсияномасига сазовор бўлдилар. Тавсияномага сазовор бўлиш учун аъло хизматдан ташқари бир қатор жиддий синовлардан ҳам ўтиш лозимлигини эътиборга оладиган бўлсак, ўн нафар ана шундай имтиёзга эга бўлган йигит биргина жамоа учун, албатта, таҳсинга арзирли катта кўрсаткич ҳисобланади.

Ҳарбий қисмда барча шароитлар яратилган. Замонавий талаблар даражасида жиҳозланган ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари хонаси, илмий ва бадиий адабиётларга бой кутубхона, спорт заллари, кенг ва ёруғ, шинам ётоқхоналар посбонлар хизматида. Бундай шароитда хизмат қилишнинг ўзи ҳам кўнгилли.

Олдиндан бир нарса дейиш қийин бўлса-да, ушбу ўқув мавсумида ҳам жамоа етакчиликни қўлдан бермоқчи эмас. Жанговар тайёргарликнинг юксак даражада бўлишида мусобақанинг бениҳоя катта аҳамияти борлигини кўпчилик яхши билади. Жамоалараро турли-туман спорт мусобақаларининг йўлга қўйилганлиги жисмоний тайёргарлик бўйича мазкур қисм барчага намуна бўлишида асосий омил бўлади.

Бугун миллий армиямиз сафларида кичик командирларнинг катта ўрни борлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Мазкур қисмда ҳам миллий армиямизнинг суянчи ва таянчи деган юксак эътирофга лойиқ посбонлар талайгина. Ана шундай фидойилардан бири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Акмал Жумабоев. Акмал ҳарбий касбга чексиз меҳр қўйганлиги боис муддатли ҳарбий хизматдан сўнг армия сафларида қолишга аҳд қилди. Намунали хулқи, аъло хизматлари сабаб кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонган посбон йигитнинг қарорини қисм қўмондонлиги ҳам қўллаб-қувватлади. Посбон йигит айни кунларда ҳам офицерларнинг яқин кўмакчиси, ёш аскарларнинг ғамхўр командири сифатида қизғин фаолият кўрсатмоқда.

Ўз касбининг фидойилари бўлган бундай посбонлар бекаму кўст хизматлари билан ҳарбий қисм ютуғини таъминлайдилар. Ва бундай қисмлар ўз навбатида мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар қобилиятини юксалтиришда муносиб ҳисса қўшадилар. Шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Урал Махматқулов, Мурод Маматмуродовлар буни теран ҳис қилиб хизмат қилмоқдалар.

Ёш офицерларга Қуролли Кучларимизнинг келажаги деб қаралади. Мазкур жамоада ҳам ана шундай юксак ишончни оқлаш йўлида фидокорона хизмат қилаётган офицерлар кўп. Қисқа вақт мобайнида ёш офицерлар ака-ука Ҳасан ва Ҳусан Жўраевлар ҳарбий хизматда ўз ўринларини муносиб эгаллашди. Жанговар санъат сирларини пухта эгаллаган билимдон, изланувчан йигитлар ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришиб, устозларининг ҳақли эътирофига сазовор бўлмоқдалар.

Армия ва халқ якдиллигининг амалдаги ифодасини айнан мана шу ҳарбий қисмда яққол кўриш мумкин.

– Термиз шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати энг яқин ҳамкорларимиздан бири саналади, – дейди офицер Жўрабек Бозоров. – Улар билан ҳамкорликда турли спорт мусобақалари уюштирамиз, ватанпарварлик мавзусида ташкиллаштириладиган тадбирларда қисмимиз посбонлари фаол қатнашадилар. Фахрийлар ҳолидан хабар оламиз. «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорлик ҳам яхши йўлга қўйилган. Интизомнинг армияда нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтирмасам ҳам бўлади. Мураккаб ҳарбий хизмат жараёнида турли ҳолатлар юз бериши мумкин. Шундай ҳолатлардан бири айрим посбонлар томонидан интизомсизликка йўл қўйилишидир. Бу борада «Нуроний»нинг кўпни кўрган оқсоқоллари бизга яқин маслаҳатчи сифатида кўмакка келадилар. Миллатимизга хос гўзал, бебаҳо хусусиятлардан бири ҳам кексаларнинг пурмаъно фикрларини ҳурмат қилиш, уларнинг доно маслаҳатларига амал қилиш ҳисобланади.

Ҳамкорликда ҳикмат кўп дея бежизга айтмайдилар. Термиз ҳарбий прокуратурасининг ҳамкорлиги ҳарбий қисмда турли тартиббузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ва бундай ҳолатларнинг умуман бўлмаслиги учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Сурхондарё вилояти Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти билан ҳамкорлик ҳам ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда.

Ўз касбига содиқ, фидойилардан иборат жамоа қишки ўқув мавсумини муваффақиятли якунлаши шубҳасиз. Бундай муваффақиятга эришиш учун посбонлар аъло хизматлари билан айни кунларда ғалабага замин ҳозирламоқдалар.

Инобат НОДИРШОҲОВА.

ТАРБИЯ – БОШ МЕЗОН

Марказий ҳарбий округ қўшинлари батальон, дивизион ва взвод командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирокида ўқув-услубий йиғин бўлиб ўтди.

Унда Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги масъул офицерлари, ҳарбий прокуратура ходимлари, Самарқанд давлат университети профессор-ўқитувчилари, сержантлар тайёрлаш мактаби тарбиячи ўқитувчилари ва бошқалар иштирок этдилар.

Йиғин аввалида Марказий ҳарбий округи қўмондони полковник П. Эргашевнинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучлар ташкил топганининг 15 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида белгилаб берилган вазифаларни бажариш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг масъулиятли бурчи» мавзусидаги маърузаси тингланди. Шундан сўнг Марказий ҳарбий округи қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари офицер Н. Муллабоевнинг ҳарбий қисм ва муассасаларда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари, умуман, ушбу йўналишда йил мобайнида қилинган ишлар таҳлили бўйича ҳисоботи тингланди. Шунингдек, янги 2007 йилги режалар ҳақида гапирилди. Шундан сўнг йиғин иштирокчилари сўзга чиқишиб, ўзлари хизмат қилаётган ҳарбий қисм ва бўлинмаларда 2006 йилда ўтказилган тарбиявий ишларнинг умумий натижалари ҳақида маъруза қилдилар.

Йиғин давомида ҳарбий қисмларда ижтимоий-сиёсий тайёргарлик ва тезкор ахборот, тарбиявий соат, якка тартибда тарбиявий иш олиб боришнинг хусусиятлари, шакл ва услублари, этика ва эстетика асослари лекториялари, жанговар тайёргарлик, қўшинлар хизмати ва ҳарбий интизом ҳолатига ҳафталик якун ясаш бўйича услубий машғулотлар ўтказилди. Шу куни қатнашчиларнинг йиғин мобайнида мавзу бўйича олган кўникмаларини синаш учун тест синови ўтказилди.

Йиғиннинг иккинчи куни тадбир қатнашчилари Самарқанд шаҳрида жойлашган тарихий обидаларни томоша қилиш учун саёҳатга чиқишди.

Майор Улашбой СИДИҚОВ.

БИЛИМ ЮРТИДА ЙИҒИЛИШ

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида гарнизондаги ҳарбий қисм ва муассасалар командирлари, бошлиқлари ва уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий бош қўмондонининг 2007 йил 12 февраль куни 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасини ўрганишга йўналтирилган ушбу тадбирда Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Маннобжон Аҳмедов қатнашди.

Йиғилишда Юртбошимиз нутқида белгилаб берилган асосий йўналишларга алоҳида тўхталиб ўтилди ҳамда уларнинг мазмуни ва мақсади тўғрисидаги тушунчалар, фикр-мулоҳазалар янада мустаҳкамланди. Мазкур маърузани барча ҳарбий қисм ва муассасаларда пухта ўрганиб чиқиш ҳамда таъкидлаб ўтилган йўналишлар моҳиятини бутун шахсий таркибга, уларнинг оила аъзоларига етказиш долзарб вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди.

Акбар ДАМИНОВ.

ҲАРБИЙ СОҲА ВА ИҚТИСОДИЁТ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 2005 йилдаги буйруғига асосан сержантлар тайёрлаш мактабларининг ўқув дастурига бир қанча ижтимоий-сиёсий фанлар қаторида «Иқтисодий билим асослари» фанининг киритилиши бошқа соҳалар каби ҳарбий соҳада ҳам иқтисодий билимларнинг зарурлигини ифодалайди. Бугунги кунда мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ҳарбий соҳа вакилларининг иқтисодий тафаккурини, тушунчалар мажмуини кенгайтиришга хизмат қилмоқда

Сержантлар тайёрлаш мактабида «Иқтисодий билим асослари» фанини ўқитиш орқали бўлажак сержантларда аввало иқтисодий онг, иқтисодий тафаккур, иқтисодий маданият, иқтисодий фикрлаш ва саводхонлик шакллантирилиб борилади.

Иқтисодий онгни шакллантириш деганда мамлакат иқтисодий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, янгиликлар, Президент ҳамда Олий Мажлис чиқарган қонунлар, қарорлар ва ҳужжатлар мазмуни ва моҳиятини бўлажак сержантлар онгига сингдириш тушунилади.

Иқтисодий тафаккурни шакллантиришда посбонларга иқтисодий билим бериш жараёнида турли метод ва усуллардан фойдаланилади, масалан:

– инновацион педагогик технологиялар;

– интерфаол ўйинлар;

– кўргазмали техник воситалар орқали иқтисодий тафаккурни шакллантириш мумкин.

Хусусан, курсантларга «Иқтисодий билим асослари» фанини ўқитишда инновацион педагогик технологиянинг «Фикрлар ҳужуми», «Кластер», «Мунозара», «Блиц», «Синквейн» усулларидан фойдаланиш юқори натижаларга эришиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион технологияларни бўлажак сержантларни тайёрлашда таълим жараёнига татбиқ қилиш уларда иқтисодий онг, иқтисодий тафаккур ва иқтисодий маданиятни шакллантиришнинг муҳим шартидир.

Н. ХУДОЯРОВА,
Марказий ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактаби ўқитувчиси.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотларида

ЙИЛ ЯКУНЛАРИ: ИЛҒОРЛАР, ҒОЛИБЛАР

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши раёсатининг 2006 йилдаги фаолият якунлари ва жорий йилдаги режаларни Вазирлар Маҳкамасининг 12 февралдаги Қарори асосида янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ташкилот ортда қолган йилда ҳам чақириққача бўлган ёшларимиз онгига миллий истиқлол ғояларини сингдириш, уларда ватанпарварлик туйғуларини янада шакллантириш борасида кўплаб ишларни амалга оширган.

Йиғилишдан сўнг ташкилот тизимида ўтказилган танловларнинг республика босқичи ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. «Энг илғор вилоят кенгаши» танловида ташкилотнинг Тошкент шаҳар кенгаши биринчи ўринни эгаллади. Ташкилотнинг барча туманлари кенгашлари ичида энг илғори деб Андижон туман кенгаши эътироф этилди. Шунингдек, «Энг тажрибали устоз» (Қўрғонбой Ҳолиқулов), «Энг моҳир ўргатувчи уста» (Евгений Резиков) номинациялари ғолиблари ҳам эълон қилинди.

Ташкилот тизимида спортнинг техник, ҳарбий-амалий турларига улкан эътибор қаратиб келинаётганини яхши биламиз. Тантанада йилнинг энг яхши спортчилари, мураббийларига ҳам Фахрий ёрлиқ, эсдалик совғалар топширилди.

Ёшларни миллий истиқлол руҳида тарбиялашда, улар онгига ватанпарварлик, юртга садоқат туйғуларини сингдиришда

намуна кўрсатган бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари вакилларига, шу жумладан, Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот органи «Ватанпарвар» газетаси таҳририятига ҳам ташкилот марказий кенгаши раиси томонидан Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совға топширилди.

Ўз мухбиримиз.
Александр МРУЧАК суратга олган.

«Энг илғор гуруҳ командири»

УСТОЗЛАР ИШОНЧИН ОҚЛАБ

Лейтенант Музаффар Султоновнинг Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари факультетини тугаллаб, мутахассис сифатида хизматини бошлаганига яқинда икки йил бўлади. Офицер Матназар Содиқов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда батарея командири ўринбосари лавозимида хизматини давом эттираётган йигит қисқа фурсат ичида ўзининг касбига бўлган садоқати билан жамоадошлари ўртасида обрў қозонди.

– Офицер Султонов ҳарбий соҳа сирларини нафақат мукаммал билади, кези келганда сафдош дўстларига ёрдам қўлини чўзиб, уларни қўллаб-қувватлаши билан ҳам қадрлидир, – дейди шартнома бўйича хизмат сержанти Сирожиддин Эшмирзаев.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида шундай дейилади: «Барча бўғиндаги командирларнинг энг муҳим вазифаси – армиядаги тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида мамлакатимиз тақдири учун чуқур масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ватанпарварлик ҳиссиётини кучайтиришдан иборат эканини яхши англаб олишимиз зарур».

Лейтенант Музаффар Султонов ҳарбий ҳаётда катта тажрибага эга бўлмасада, ҳар қандай вазият ва шароитдан қатъи назар, ўзидаги мавжуд тажрибани ишга солиб, қўл остидагилар билан қандай ишлаш лозимлигини яхши билади. Шу боис ҳар бир ўқув мавсумида маҳоратини тинимсиз шакллантириб бораётган жамоанинг фидойи посбонлари ҳамиша илғорлар сафидан муҳим жой олиб келмоқда. Бу эса табиийки, жамоа йигитларини янада яхшироқ хизмат қилишга ундайди.

– Илғорлик сири жуда оддий, – дейди биз билан суҳбатда лейтенант Музаффар Султонов. – Жамоамизнинг ҳар бир шунқори аввало нима учун хизмат қилишаётганини яхши англаган ҳолда машғулотларга киришишади. Ўз ўрнида юрт тақдирига беэътибор бўлмаган йигитларнинг саъй-ҳаракати қисқа фурсатда бўй кўрсатади. Хизматдаги бундай фидойилик эса жамоа ютуғини таъминлашнинг бирдан-бир қулай йўлидир.

Ёш офицер олий ҳарбий билим юртини тугаллаб, жанговар сафга келган дастлабки онларда унга офицерлар Матназар Содиқов, Баҳодир Қувватов ва Карим Фазлитдиновлар яқиндан ёрдам бериб, касб сирларини мукаммал ўргатишган бўлса, орадан кўп вақт ўтмай Музаффар устозларининг ишончини оқлади. У Қуролли Кучларимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг илғор мутахассис» танловида муваффақиятли иштирок этиб, ушбу танловнинг «Энг илғор гуруҳ командири» йўналиши бўйича ғолиб деб топилди.

Ёш офицернинг спортга иштиёқи бўлакча, спортнинг енгил атлетика тури билан мунтазам шуғулланиб келаётган йигит югуриш бўйича разряд соҳиби. Курсантлик даврида ҳарбийлар ўртасидаги бир қатор мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган шунқор айни пайтда қўл остидагиларнинг ҳам спорт билан шуғулланишига жиддий эътибор беради.

Айни пайтда Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллиги арафасида «Энг илғор гуруҳ командири» деб эътироф этилган азаматнинг орзулари бисёр. У профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямиз ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишни хоҳлайди. Шарафли касбга камарбаста бўлиб, юксак чўққиларни кўзлаган ёш офицернинг ўз мақсадлари йўлида самарали хизмат қилишига биз ҳам ишонамиз.

Комилжон ҲАСАНОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

КОМАНДИР (БОШЛИҚ)ЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРЛАРИГА ТАВСИЯЛАР

НАВРЎЗ – ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ, ДЎСТЛИК ВА ЭЗГУЛИК БАЙРАМИ

Алоҳида жозиба ва мафтункорлик касб этадиган Наврўз халқимизнинг энг севимли байрамларидан бири бўлиб, у халқимиз миллий ўзлигини англашининг ифодаси, менталитетимизнинг ажралмас қисми, урф-одат ва анъаналаримиз тимсолидир. Нафосат ва гўзаллик, эзгулик ва дўстлик, яшариш ва янгиланиш байрами бўлмиш Наврўз бизнинг она заминимизга кириб келмоқда, оилаларимизга ажиб ҳис-туйғу, бахту омад, янги орзу-умидлар ато этаяпти. Бу йилги Наврўзнинг «Ижтимоий ҳимоя» йилида нишонланиши мазкур байрамнинг эзгулик жиҳатларини янада оширади.

Яшариш ва янгиланиш, дўстлик ва эзгулик айёми, янги кун маъносини билдирувчи Наврўз Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатларида яшовчи халқларнинг қадимий анъанавий байрамидир. Тарихий манбаларга кўра, Наврўзни байрам қилиш аҳомонийлар давридан бошланган ва Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистон халқларида энг катта байрамлардан бири ҳисобланган.

Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Абу Бакр ал-Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асари ва бошқа манбаларда Наврўзнинг уч минг йилдан ортиқроқ вақтдан бери нишонланиб келинаётганлиги ҳақида тарихий маълумотлар берилган.

Инсонларга шоду хуррамлик улашиш билан бирга, руҳий куч, мардлик ва жасурлик, дўстлик, халқсеварлик туйғуларини бағишлайдиган Наврўз янги йилнинг бошланиши, деб кутиб олинган. Наврўз кириб келишидан бир неча кун олдин тайёргарлик ишлари бошланган. Буғдой ундиришга қўйилиб, унинг майсасидан сумалак тайёрланган, шунингдек, баҳор гиёҳларидан кўкат чучвара, ялпиз сомса каби таомлар пиширилган, отчопар, улоқ, кураш сингари халқ ўйинлари, сайиллар ўтказилган, шўх қўшиқлар куйланган.

Наврўз байрами вақт ўтган сайин яшариб, ривожланиб ва сайқалланиб бораверади. Бугунги кунда янада янгича тус олаётган ушбу байрам муносабати билан ҳарбий шаҳарчалар, қисм ва муассасалар, мактаблар ва болалар боғчалари ҳудудларининг белгиланган жойларига турфа гуллар экиш, мевали ва манзарали дарахтлар кўчатларини ўтказиш ёшу кекса барча-барчага завқ-шавқ бағишлайди.

Ватанимиз мустақиллиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар хотирасини абадийлаштириш учун қўйилган ёдгорликлар атрофларини ободонлаштириш, улар ота-оналари ва оила аъзолари ҳолидан хабар олиш, маънавий ва моддий ёрдам кўрсатиш ушбу диллари ўксиган инсонлар қалбларига малҳам бўлади.

Наврўз байрамини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни юқори савияда ташкил этиш бўйича барча ҳарбий қисм ва муассасаларда белгиланган ва режалаштирилган қатор тадбирларни амалга ошириш ҳамда тўлиқ бажариш орқали ҳарбий жамоалар жанговар шайлигини ошириш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, шахсий таркибга миллий ғоя ва миллий қадриятларимиз моҳиятини янада чуқур тушунтириш мақсадида:

янгиланиш ва эзгулик айёми Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш жараёнида асосий эътибор Ўзбекистон халқининг миллий урф-одатлари, анъаналари, қаҳрамонликларини тарғиб қилишга, Қуролли Кучларимизнинг давлатимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлашда тутган ўрни ва ролини кўрсатишга, шахсий таркибда қуролли ҳимоячиларга хос хислатларни шакллантиришга, давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқаларни кучайтиришга, халқ ва армия якдиллигини мустаҳкамлашга, ёшлар орасида ҳарбий хизматга ҳурмат туйғуларини мужассамлаштиришга, ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳарбий интизомни янада мустаҳкамлашга қаратилиши;

ҳарбий округлар, гарнизонлар, қисм ва муассасаларда Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ишчи комиссиялари (гуруҳлари) тузилиши ва байрам тадбирлари режаси ишлаб чиқилиши;

режаларда мустақиллигимизни ва халқимиз тинч-осойишталигини ҳимоя қилишдаги Қуролли Кучларимизнинг аҳамияти, аждодларимизнинг табиат, жамият ва ҳарбий соҳадаги илмий-фалсафий қарашлари, истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, халқимизнинг урф-одатларини тарғиб қилишга, ҳарбий хизматчилар орасида дўстлик, меҳр-оқибат, ғамхўрлик, меҳр-шафқат туйғуларини кучайтиришга йўналтирилган турли тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилиши;

давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда ўтказиладиган йиғилишларда Наврўз тадбирлари муҳокама этилиши;

барча ҳарбий қисм ва муассасаларда 14–15 март кунлари **«Наврўз – яшариш ва янгиланиш, дўстлик ва эзгулик байрами. Буюк аждодларимиз қадриятлари ва қаҳрамонлик анъаналарини давом эттириш ҳамда бойитиш бурчимиз»** мавзусида ижтимоий-сиёсий билимлар ягона куни ўтказилиши;

Наврўзга бағишлаб ҳашарлар ўтказилиб, ҳарбий қисм ва муассасалар, ҳарбий шаҳарчалар, спорт майдончалари, госпиталлар, мактаблар, болалар боғчалари ҳудудлари, маданий дам олиш жойларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ариқ ва зовурларни тозалаш, йўлакчалар, йўллар ва бинoларни таъмирлаш ишлари амалга оширилиши, ҳудудлар байрамона безатилиши;

Ватанимиз мустақиллиги йўлида жон фидо қилган ҳарбий хизматчилар хотирасини абадийлаштириш учун қўйилган ёдгорликлар таъмирланиши, уларнинг атрофлари ободонлаштирилиб, дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилиши;

Ватанимиз мустақиллиги йўлида жон фидо қилган ҳарбий хизматчилар ота-оналари ва оила аъзолари ҳолидан хабар олиниб, уларга маънавий ва моддий ёрдам кўрсатилиши;

госпиталларда даволанаётган ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар фахрийлари ҳузурига ташрифлар уюштирилиши;

ҳарбий хизматчиларнинг умумтаълим мактаблар, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлар, лицей ва олий ўқув юртлари ўқувчилари ва талабалари билан учрашувлари уюштирилиши;

давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, тарихчи, файласуф, адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар иштирокида ҳарбий қисм ва муассасаларда Наврўз байрамининг тарихий илдизлари, ҳаётимизда тутган маънавий ўрни, миллий ғоя, миллий қадриятларимиз ҳақида, **«Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!», «Наврўз – эзгулик, баҳор ва гўзаллик байрами», «Наврўз – халқимиз тарихий анъаналарининг тимсоли», «Миллий мустақиллик ва миллий қадриятларимизнинг тикланиши»** мавзуларида суҳбатлар, маърузалар уюштирилиши;

ҳарбий қисм ва муассасаларда ижодий гуруҳлар ва санъаткорларнинг Наврўзни, жонажон Ватанимизни мадҳ этувчи концерт дастурлари билан чиқишлари ташкил этилиши;

ҳарбий округлар, гарнизонлар, қисм ва муассасалар бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг вилоятлар ва туманлар марказлари, шаҳарларда ўтказиладиган Наврўз байрами тантаналарида концерт дастурлари билан иштирок қилишлари ташкиллаштирилиши;

ҳарбий хизматчиларни халқимиз тарихи, ўтмиш маданияти, урф-одатлари билан яқиндан таништириш мақсадида тарих ва ўлкашунослик музейларига, тарихий жойларга ташрифлари ташкил этилиши;

жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик ҳамда тартиб-интизомлиликда сафдошларига ўрнак кўрсатиб келаётган аскарлар ота-оналари, улар ўқиган билим даргоҳлари, маҳаллаларига миннатдорчилик хатлари жўнатилиши;

Қуролли Кучлар Марказий музейи, ҳарбий қисм ва муассасалар "Шон-шараф" бурчакларига олий ва ўрта махсус билим юртлари, умумтаълим мактаблар ҳамда чақириққача бўлган ёшларнинг ташрифлари уюштирилиши;

ҳарбий қисм ва муассасалар ҳудудлари, гарнизонлар офицерлар уйлари, аскарлар клублари **«Наврўзи айёмингиз қутлуғ бўлсин!», «Ассалом Наврўз – баҳор ва янгиланиш байрами!», «Наврўзи айёмингиз муборак, азиз Ватан ҳимоячилари!», «Наврўз – тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик байрами!», «Наврўз – меҳру оқибат, бахт-саодат ва тинч-тотувлик байрами!», «Қадаминг қутлуғ бўлсин – гўзал Наврўз!»** каби шиорлар билан безатилиши;

гарнизонлар офицерлар уйлари, аскарлар клублари, кутубхона ва ижтимоий-сиёсий ахборот хоналарида Наврўз байрамига бағишланган китоблар кўргазмаси, бурчаклар ташкил этилиши;

ҳарбий таълим муассасалари, қисм ва муассасаларда чақириққача бўлган ёшлар, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида очиқ эшиклар кунлари ўтказилиши;

ҳарбий қисм ва бўлинмалар, муассасаларда Наврўзга бағишлаб, деворий газеталар чиқарилиши;

байрам кунлари сумалак, кўк сомса ва бошқа баҳорнинг тансиқ таомлари, палов сингари миллий таомлар тайёрланиши, оммавий сайиллар ташкиллаштирилиши;

Наврўз байрамига бағишлаб ўтказиладиган барча тадбирларда хавфсизлик чораларига қатъий риоя қилиниши;

Наврўз умумхалқ байрамини кутиб олиш ва ўтказишга таллуқли тадбирлар, амалга оширилган ишлар, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори натижаларга эришиб келаётган ҳарбий хизматчилар ҳақидаги лавҳалар "Ватанпарвар" газетаси ва "Ватанпарвар" телекўрсатуви орқали мунтазам ёритиб борилиши лозим.

Ушбу умумхалқ байрамини ҳарбий қисм ва муассасаларда шундай кутиб олиш ва ўтказиш лозимки, Наврўзнинг баҳор, шодлик, гул фасли сифатида, миллий урф-одатлар асосида тараннум этилишидан – унинг эзгулик, дўстлик, меҳр-оқибат, иймон-эътиқод, дўстлик байрами эканлиги яққол сезилиб турсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ

Дунё – кўҳна бешик

«БУ ЕВРОПА, БУ ОСИЁ...»

Подполковник Чори НАСРИДДИНОВ,
Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти доценти.

Қаршимда ер шарин суврати турар...
Абдулла ОРИПОВ.

ОСИЁ – «ШАРҚ» ДЕГАНИ
(Биринчи мақола)

Иш столимнинг бир четида ҳар хил ёзилган ва ёзилмаган қоғозлар тахламининг ёнида, «салмоғи Қуванинг анорича» бўлган она сайёрамизнинг мўжазгина макети – глобус туради. У нафақат хонага зеб берадиган жиҳоз, балки ҳамкасабалар ўртасида ўқтин-ўқтин пайдо бўлиб турадиган ҳар турли баҳсмунозараларда «айбдор» ва «одил ҳакам» вазифаларини ҳам «шараф билан» бажаради.

Қатар давлатининг пойтахти Доҳа шаҳрида Осиё ўйинлари мусобақалари кетаётган кунлар эди. Спорт мусобақаларини томоша қилиб ўтирганимда кўнглимдан ўтган гапни – шарҳловчилар «Хитой Тайпейи» деб айтаётган давлат қаерда, деган саволни ўзаро суҳбат вақтида ўртага ташладим. Одатдагидай глобус атрофида туриб юритилган анчагина фикр-мулоҳазалардан сўнг, бу давлат Тайвань деган қатъий хулосага келдик. Энди ўйласам, ўзимни дунё жуғрофияси бўйича анча-мунча саводли санаб юришим унчалик ҳам тўғри эмас экан. Бунга сабаб – маълум маънода биз инсонларда йиллар давомида шаклланиб борадиган консерватизм туйғуси. Гап шундаки, қачонлардир ўзимиз ўрганган билимларимиз бизга ҳеч қачон ўзгармайдигандек бўлиб туюлади. Ваҳоланки, ўзгариш ва ривожланиш – биз яшаётган дунёнинг азалий ҳамда ўзгармас қонуни. Шу нуқтаи назардан, бизнинг давримиз – улкан ва шиддатли эврилишлар замони. Бу нарса жаҳоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва албатта жуғрофий манзарасига ҳам тааллуқли. Келинг, узоққа бормайлик-да, ўзимиз бевосита гувоҳи бўлганимиз – яқин ўн йилликларни кўз олдимизга келтирайлик. Тарихан қисқа бир давр ичида жаҳон геосиёсий манзарасида нималар юз бермади, дейсиз?! Биргина Европанинг ўзида кейинги эллик йил давомида икки қутбли дунёнинг рамзий чегарасига айланган Берлин деворининг қулаши оқибатида иккита немис давлати – Шарқий ва Ғарбий Германия ўзаро бирлашган бўлса, Чехословакия, Югославия ва собиқ Совет Иттифоқи сингари империячилик тамойиллари асосига қурилган мустабид давлатларнинг парчаланиши оқибатида дунё сиёсий харитасида ўнлаб янги мустақил давлатлар пайдо бўлди.

Осиё қитъалар орасида энг каттаси бўлиб, унинг майдони 43,4 миллион квадрат километрни ёки дунё қуруқлик майдонининг 30 фоизини ташкил этади. Қитъамизнинг дунё тақдиридаги етакчилик мавқеини назарда тутган таниқли француз шоири Поль Валери «Европа – Осиёнинг кичик ороличасидир» деган эди. Бу баҳони шунчаки шоирона ташбеҳ деб ўйлаш хато бўлур эди. Келинг, фикрларимизни асослаш учун аниқ далилларга ва мантиқий мушоҳадаларга мурожаат қилайлик.

Осиё – кўплаб цивилизация ўчоқларига ватан бўлган юрт. Бу марказлар ўзларининг қадимийлиги, кўлами ва инсоният тараққиётига қўшган ҳиссасига кўра дунёнинг бошқа минтақалари – Африка, Европа ва Жанубий Америкадаги цивилизация ўчоқларини анча ортда қолдиради. Бундай марказлар сон жиҳатидан ҳам бошқа минтақалардан устунлик қилади – Япония, Хитой, Ҳиндистон, Месопотамия, Византия, Марказий Осиё... Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги одамларнинг манзилгоҳи Фарғона водийсидаги Селунгур ғоридан топилди. Маълум бўлишича бундан миллион йил аввал ҳам бу ҳудудларда одамлар яшашган. Шу ўринда инсоният бешиги Африка эмас, балки Осиё деган қадимшуносларнинг қарашлари асослидай туюлади?! Осиёда асрлар давомида буюк давлатлар – Бобил, Шумер, Оссурия, Хараппа, Урартў ва бошқалар юзага келган. Агар бу маданиятлар шаклланган минтақаларнинг географик жойлашувига эътибор берадиган бўлсак, улар шимолий ярим шарда экватордан тахминан бир хил узоқликда ва унга параллел тўғри чизиқда ётганлигини кўриш мумкин. Шуни айтиб ўтиш керакки, бу цивилизация марказларида жойлашган минтақа мўътадил табиий иқлим шароитига эга. Бу нарса мазкур маданиятларнинг пайдо бўлиши қандайдир тасодиф бўлмаслиги, балки бир ижтимоий-тарихий ва табиий шарт-шароитлар таъсирида шаклланганлигидан далолат беради. Шу ўринда ўн иккинчи асрда яшаб, ижод қилган машҳур араб мутафаккири Ибн Рушднинг «иқлимлар назарияси» ёдга тушади. Аллома мазкур таълимотида дунёни учта – иссиқ, мўътадил ва совуқ иқлимли зоналарга бўлади. Доимо ёз бўладиган иссиқ ўлкаларда, – дейди олим, – яшаш учун зарур бўлган маҳсулотлар ва қулай об-ҳаво шароитлари етарли бўлиб, инсонларни овқат ва бошпана муаммоси кўпда ташвишлантираверманган. Совуқ об-ҳаво ҳукмрон бўлган юртларда эса, улар ўзлари учун овқат излашга ҳамда совуқдан ва йиртқич ҳайвонлардан ҳимояланиш йўлларини ахтаришга мажбур бўладилар. Шунинг учун ҳам бу иккала минтақада ижтимоий-маданий ривожланиш юз бермайди. Бундай юксалиш фақат мўътадил иқлимли ўлкаларда содир бўлади. Бунинг сабаби шундаки, – деб кўрсатади Ибн Рушд, – бу жойларда йил фасллари алмашиниб туради. Одамлар иссиқ кунларда қиш фасли учун ҳам озиқ-овқат ва бошқа зарур нарсаларни жамлашга, шунингдек, уй-жой қуришга мажбур бўлишган. Айнан мана шу эҳтиёж – талаб цивилизацияга туртки бўлган. Охирги юз йилликларда юз берган илмий-техник тараққиёт таъсирида шимолий, яъни совуқ, шунингдек, иссиқ минтақаларда жойлашган мамлакатлар ҳам кўп соҳаларда юксак ривожланиш босқичларига эришдилар.

Маълумки, мамлакат, ўлка ва миллат тарихи ҳар доим уларнинг номидан қадимийроқ бўлади. Осиёга номни юнонлар қўйган, деган гап бор. Гап шундаки, «Осиё» атамаси юнончадан таржима қилинганда «Шарқ» деган маънони беради. Қадимий халқлардан бўлган ассурийлар тилидаги «асу» сўзи ҳам шундай маънони англатар экан. Бу ном мантиқан тўғри, чунки Осиё географик жиҳатдан Грециянинг шарқ-кунчиқар томонида жойлашган. Агар юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқадиган бўлсак, бу қитъа ўзига ном берган ўша греклар учун ҳам ота юрт ҳисобланади. Қизиғи шундаки, «Европа» атамаси ҳам мазкур тиллардан олинган бўлиб, юнонча «европа» ва ассурийча «ереб» сўзлари «Ғарб» деган маънони берди. Бу нарса ҳам дастлаб цивилизациянинг айнан Осиёда, аниқроғи олд Осиёда пайдо бўлганлигини билдиради. Зеро, дунё ҳақидаги тасаввурлари бироз кенгайган қадимги аждодларимиз – осиёликлар, ўзларидан кунчиқар томондаги ерларни «Осиё» – «Шарқ», кунботар тарафдаги ўлкаларни эса «Европа» – «Ғарб» деб атадилар.

Қитъалар ва цивилизациялар ҳақида гап кетганда аслида яхлит бир қуруқлик – материк бўлган Европа ва Осиё қитъаларини бир-бири билан қиёслаш анъана тусини олган. Бу ҳолатни Европа ва Осиёнинг умумтараққиётга қўшган улушларининг юксаклиги билан изоҳлаш мумкин. Африка гарчи инсоният учун кўҳна макон ҳисобланса ҳам агар қадимги Миср маданиятини – гарчи унда осиёча руҳ сезилиб турса-да – эътиборга олмаса, тараққиётдан орқада қолди. Кейинчалик кашф қилинган Америка ва Австралия қитъалари эса янги жамиятлар бўлиб, уларда мавжуд бўлган ҳозирги юксак ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт Евроосиё маданиятининг маҳсулидир.

Саҳоватли инсонлар

ЭЗГУЛИК БОҒИНИНГ БОҒБОНИ

Инсоннинг энг бебаҳо давлати, бу унинг эзгу амалларидир. Агар ана шу эзгулик боғининг лоақал биргина ниҳолини парвариш этмаган ёинки бирор савоб ишга қўл урмаган киши борки, унинг номи хотиралардан унсиз ўчиб бораверади. Умрнинг мазмуни шу – яхши ном, солиҳ фарзандлар тарбияси, муносиб шогирдлар тайёрлаш. Эзгуликка дахлдорлик эса ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермаслиги аниқ.

Хатирчилик Қудрат Сафаров умрини ана шундай эзгу ишга бағишлаб, эл оғзига тушган, юртдошлари ишончини оқлаб, обрў-эътибор топган кишилардан. У ўзи туғилиб ўсган она қишлоғининг ҳар қарич ерини эъзозлайди:

– Мен хизмат сафари билан қаерга бормайин, туғилиб ўсган қишлоғим тафтини туйиб яшадим. Инсон юрагидаги энг некбин нияти, орзу-армонлари рўёбини биринчи бўлиб яқинлари билан бўлишгиси, муваффақиятларини уларга айтгиси келади. Бу, табиий, албатта. Чунки киндик қони тўкилган гўшанинг тафти, сеҳри бўлакча, – дейди Қудрат ака. – Онамни муаллима Невара Очилова дейишарди. У киши биз, фарзандларига болалигимиздан илм олишга иштиёқни кучайтириб борганлар. Қишлоқда онамнинг ҳурмати баланд эди. Бир куни мактабдан келсам, супадаги тут тагида онам йиғлаб ўтирибди. "Нега йиғлаяпсиз, онажон" десам, кўйлагининг узун енглари билан кўз ёшларини артиб, "Болам-ов, билимнинг қадрини катта бўлганингда биласан, бугун мактабимизни бузиб кетишди. Қишлоқдан маънавият, маърифатни ҳам олиб кетди-ку, шунга кўнглим тўлиб кетди" деди.

Шу воқеа қалбим тўрида муҳрланиб қолган. Мактабдан сўз очилса, мунғайиб йиғлаб турган онам қиёфаси кўз ўнгимдан кетмайди. Аслида ўша бошланғич мактаб бузилиши керак экан. Нега десангиз, 60-йилларда хутор тизимини тугатиш тўғрисидаги қарор бўйича туппа-тузук уйлар йўл ёқаларига кўчирилди, жумладан мактаб ҳам. Буз-бузларнинг тагида одамларни томорқадан маҳрум қилиш мақсади ётганини мана энди сезаяпмиз. Шундан бери мактаб оиламиз учун қадрдондир.

1967 йили Самарқанд давлат университетининг физика факультетига ўқишга кирган Қудрат Сафаров оилавий шароити ночорлиги туфайли ўқишини давом эттира олмади. Шунда ҳам иқтидори борлиги ва ўқитувчи кадрларнинг етишмаслиги сабабли Қори Ниёзий номли 16-ўрта мактабга физика фани ўқитувчиси сифатида ишга қабул қилинди. Қаерда ишламасин, уни болалик орзуси бўлган ўқитувчилик касби, зиё маскани ўзига чорлайверди. Қудрат ака кейинчалик Йўлдош Охунбобоев номидаги 15-ўрта мактабга хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари ва физика фани ўқитувчиси лавозимида фаолият юритди ва барибир 1987 йилда Тошкент давлат педагогика институтининг Навоий филиали математика ва информатика факультетининг сиртқи бўлимида ўқиди.

Истиқлол туфайли тадбиркорлар, ишбилармонларга кенг йўл очилган кезларда Қудрат ака ҳам илм масканида, ҳам кичик корхонада иш бошлади. 1991 йил қишлоғи ҳудудидан 2,6 гектар ер олиб, "Бовурдоқ-атлас" кичик корхонасини ташкил этди. Бир оёғи Марғилонда, бир оёғи Хатирчида бўлди. Асбоб-ускуналарни топиш, ўрнатиш, маҳаллий ёшларни ишга жалб этиш осон кечгани йўқ. Харидор ҳам ҳадеганда келавермагани рост. Барибир, атлас ишлаб чиқаришнинг фойдасини кўрди. Бу соҳадаги иши юришиб кетгач, қишлоқдаги ишсиз ёшларни тўплаб, мактаб парталари, турли уй-рўзғор жиҳозлари, мебеллар яса шга киришди. Кўп вақт ўтмай тадбиркорликни хаёлига ҳам келтирмаган муаллим қишлоқдаги бой-бадавлат кишилардан бирига айланди.

Энди у мақсадига эришган эди. Кичик корхона эгаллаб турган 2,6 гектар ерни, биноларни янги мактаб қурилиши ҳисобига ўтказишни сўраб ариза ёзди. Янгидан 12 та хона тиклади. Эшик, деразалари, хона жиҳозлари иш корхонасида ясалди. Қарабсизки, 326 ўринли мактаб тайёр бўлди. Ҳозир Хатирчидаги ана шу мактаб қаҳрамонимизнинг онаси номи билан, яъни Невара Очилова номидаги 81-мактаб энг намунали ўқув масканларидан саналади.

Бугун Қудрат ака асос солган ана шу мактабда таълим-тарбия олаётган ўғил-қизларнинг олди катта ҳаёт сари дадил қадам қўйишган. Бундан устознинг кўнгли тоғдек кўтарилади. Ўзингиз ўйланг, Сиз яратган Эзгулик боғининг ниҳоллари мева бера бошласа, қувончингиз поён билмаслиги тайин.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА.

ЗУЛФИЯ ТАВАЛЛУДИНИНГ 92 ЙИЛЛИГИГА

БАҲОРДАЙ БЕҒУБОР, ГЎЗАЛ ЭДИЛАР...

2004 йилнинг 28 феврали эди. Кеч кириши билан ёмғир қуя бошлади. Эринмаган ёмғир-ей, туни билан ёғди-я! Борлиқни ювиб-ювиб поклади, ҳеч ерда ғубор қолдирмади. Гўё энг мўътабар инсон тозалик поёндозини ёзди. Ёмғир қўшиғини тинглай-тинглай, тунининг ярмидан кўпроғини бедор ўтказдим. Чунки мен тонг отишини интиқлик билан кутдим-да!

Ғира-ширада ёмғир тинди. Тонг отди, 1 март тонги шунчалар оппоқ, беғуборки... Ҳадемай покликни олқишлаб, яйраб-яшнаб қуёш чарақлаб кулиб чиқди. Порлаб чиқди. Баҳорнинг биринчи тонги! Устоз Зулфия, шоира Зулфия таваллуд топган қутлуғ тонг! Бу тонг ниҳоятда пок, ниҳоятда сеҳрли, ниҳоятда чиройли, тоза ва ёруғ эди.

Суюкли шоирамиз табиатнинг худди мана шундай покиза ҳуснини, яшнаган-яшарган висолини нақадар севарди. Ҳаяжонланиб, кенг оламга сиғмай куйларди. Бахт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжонни соғиниб, шеър ипагига ҳижрон ва садоқат дурларини саралаб-саралаб тизар эди.

Балким, ўша 1915 йилнинг 1 мартида ҳам ёмғир тун бўйи ёғиб, табиатни поклаб-поклаб чиққандир. Кейин порлоқ қуёшини юбориб, янгроқ овоз билан туғилган қизалоқни муборакбод этгандир. Қошлари қора, кўзлари чақноқ, пешонаси кенг, қалби тийран бир дилбар шоирани оламга туҳфа қилган сулув онаизорнинг манглайидан ўпиб-ўпиб, унга қуллуқ қилгандир, бобо қуёш!

Ҳа, яна таъкидлайман, шоира Зулфия баҳорни, покликни, ёруғликни, ҳалолликни нақадар севар, эъзозлар эди. Ҳар йили баҳорда ўнлаб саҳифаларни назм дурлари билан безарди. Биз шогирдлар эса 1 март куни ҳеч ерга сиғмай қолар эдик, ҳар йили. Устоз ҳаётлигида уйларига, ҳароратли ҳузурларига ошиқар эдик. Қўлимизда турфа гуллар билан. Юзу кўзларида балқиган меҳр чашмасидан баҳра олиб, яйраб, гоҳ ўйчан, гоҳ серзавқ шеърларидан тинглар эдик. Мўътабар меҳмонлари қаторида эъзозланар эдик. Энди эса... Энди эса гоҳ шошиб, гоҳ хаёлга чўмиб, соғинч аламидан қалбимиз зирқираб, сукунат олами томон йўл оламиз. Гўё устоз йўлимизга интиқ...

Мен ўша 1 март тонгида мангулик манзилида ҳам ажиб бир салобатни ҳис этдим. Ҳа, сўзда адашаётган бўлсам, кечирсин мени Яратганнинг ўзи. Кечирсин сўз билгичлар. Назаримда улуғларнинг мангу уйқуси ҳам улуғ эди, гўзал эди. Назаримда барча буюклар шу ерга тўпланишиб, осойишталик, ўйчанлик мажлисини ўтказишаётган эди. Улар жой олган мана шу гўша, ҳар бир япроқ, майса, ҳар бир тупроқ зарраси, ҳар бир чечак сирли, сеҳрли ва муқаддас эди.

Эҳ-ҳе, ижодлари, ишлари, меҳрлари халқимизнинг ҳаётида, қалбида абадий яшаётган юзлаб, минглаб алломаларимиз сувратини, қабрини зиёрат қила-қила, тупроқларини кўзга сурта-сурта манзилга келамиз.

Э, воҳ, севишганлар, ҳаётда бор-йўғи ўн йилгина бир-бирларини эъзозлаб яшаганлар яна висолга етибдилар. Абадий висол! Замона зайли билан бошқа гўшада мангу уйқуда бўлган оташин шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг қабри энг гуллаган ёшлик чоғида учратган суюкли умр йўлдоши Зулфия қабри ёнгинасидан жой олибди. Мўъжазгина мармар тошда икки буюк қалб эгасининг гўзал сувратлари ёнма-ён. Улар шамолларни, ҳижронларни, ўлимларни енгиб, биргаликда олға кетиб бораётибдилар...

Ўлгач, ёнгинангда қолсам бир умр,
Ўттиз ёш, соч ёйиқ
Кўзларим гирён.
Жуфт кўрса зурриёт,
Шеърхон, булут нур,
Қадам етганича
Кетсак икковлон...

Шоира Зулфиянинг куйган юрагидан отилиб чиққан оташин сатрлари эди бу... Улар жаннатларда жавлон уриб юрган бўлсалар, ажаб эмас. Уларнинг ул боқий дунёда топишиб олганлари ростдир.

Дилларимиз япроқдек титраб, ҳолатимиз таърифига сўз тополмай лол бўлиб, садоқатнинг, севгининг, гўзалликнинг боқийлиги, мангулиги олдида таъзим қиламиз.

Ҳар қадамда ота-оналари ёдини, уларнинг мўътабар номини улуғлаган, руҳини шод этган, мангу масканларини гулга, нурга йўғириб, обод қилган муносиб фарзандлари Ҳулкар ва Омонга ташаккурлар айтамиз.

Зулфия опа қадамлари шахдам, қадди тик, сўзлари бутун, овозлари майин, етук инсон эдилар. 82 йил яшаб, етмиш йил муттасил шеър ёздилар. Эллик йилдан ортиқ вақт Ҳамид Олимжон ёди билан яшаб, унинг созини қўлдан қўймай, садоқатнинг, шеъриятнинг гўзал тимсоли бўлиб, тарихда қолдилар. Висол оқшомида ўқилган муқаддас никоҳ оятларини уларчалик эъзозлаган, севгини, вафони, ҳижронни буларчалик куйлаган яна ким бор?!

Зулфия опа бағрикенг устоз эди. Уларнинг ҳузурига қимтинибгина, ўзига ишониб-ишонмайгина келган ҳаваскор қизлар ҳолатини кузатганман. Улар Зулфия опа суҳбатидан ажиб бир ҳарорат олиб, бу ҳароратдан ёш юракларида лов-лов олов ёниб, қанот ёзиб чиқарди. Ва ҳадемай яхшигина шоира бўлиб кетардилар. Олима, фозила бўлиб етишардилар...

Бу қизларнинг бирортаси матбуотда кўринмай қолишса, Зулфия опа оналаридек қайғуриб, танижони соғмикан, оиласи тинчмикан, деб ёхат ёзиб, ё сим қоқиб сўроқлар, хабар олинглар, деб бизни ҳам тинч қўймас эдилар. Шогирдларининг ҳар битта яхши шеъри, оиласидаги бахтиёрлиги, фарзанд кўргани, дид билан тиктирилган бежирим кўйлагию, ҳатто, қошига ярашган ўсмасигача Зулфия опани севинтирарди-ки, бизга суюнчилаб, айтиб адо қилолмасдилар, фахр-ифтихордан яйраб-энтикиб, бир қадар улғайиб қолардилар. Шогирдларининг асарлари тезроқ нашр эттирилишига бажонидил бош қўшардилар.

Зулфия опа буюк, айни пайтда жуда содда ва кечиримли эдилар. Шунинг учунми ҳар қандай воқеадан ёки гапдан тез таъсирланиб, ишониб, севиниб, ё қаттиқ хафа бўлиб кетардилар. Мисол учун, саксонинчи йиллар «Тошкент оқшоми» гзетасида журналист Тўлқин Расулов таклифи билан қизлар, аёллар учун «Мулоқот» саҳифасини ташкил этиб, гоҳо уларга жамоатчилик асосида ёрдамлашиб турардим.

Бир куни Зулфия опа чақириб қолдилар. Кириб бордим. Устоз қаттиқ хафа бўлган чоғларида ҳам чиройли бўлиб кетардилар. Кўзлари сузук, қалин қошлар чимирилган.

– Санъатхон, мен сиздан хафаман, – дедилар ўта жиддийлик билан, – нима учун аёлларга аталган яхши лавҳаларингизни «Оқшом»га бериб юбораяпсиз. Ўзимизнинг «Саодат»да чиқса бўларди-ку!

– Сиз... газетани ўқидингизми, опа?! – дейман устоз ҳузурида бироз ҳижолат бўлиб, – ўша ёзганларим сизга ёқдими?

– Йўқ, ўқимадим, кўрмадим. Менга айтишди! – Зулфия опа ҳар вақтдагидек рост сўзладилар.

–Ҳа-а, айтишдими... Мен... ёзганларимнинг энг сарасини ҳамма вақт ўзимизнинг «Саодат»га раво кўраман. Мана шу сонда ҳам бир эмас, тўртта мақолам чиқаяпти. Ҳаммасига ўзингиз кўриб қанчалар талабчанлик билан имзо чеккансиз. Лекин «Оқшом» дагиларнинг фикри, буюртмаси билан ёзилганлар уларники. Қолаверса, уларни фақат уйда, уйқу ҳисобига ёзаман.

Устоз кўзларимга қараб бироз шошганларидан тушган эсалар-да тезда енгилишни истамадилар. Қолаверса, гап ташувчиларнинг опанинг беғубор дилларига солиб қўйган гулғулаларидан батамом халос бўлиб улгургунларича йўқ эди.

Мен шу куни маъюс ҳолда уйга кетдим. Эртасига ишга кечроқ келдим ва хонамдан чиқмадим. Шу чоқ таниқли олима Муборак Тешабоева келиб: «Ишқибозлик экан, бир даста шеърлар ёзгандим. Опага кўрсатмоқчиман. Юринг, мени бирга олиб киринг!» деб илтимос қилиб қўймади. Ноилож ҳамроҳ бўлдим.

Хоналарига аста кириб борсак, муовинлари Холида Аҳророва икковлари сокин суҳбатлашиб ўтиришган экан. Ажабо, устоз мени кўриб, бирдан чеҳралари очилиб, – ана, келди! – дея ўрнидан туриб, биз томон шахдам юрди. Меҳмон қолиб, худди бир неча ой кўришмагандек мени маҳкам бағрига босиб, ўпди. Кўзларимга тикилиб: «Келдингизми, Санъатхон, соғлиғингиз яхшими? Узр, кеча сизни ноҳақ хафа қилиб қўйдим», деди. «Йўғ-е, ҳечқиси йўқ», – дея олдим зўрға.

Тамом. Шу топда мендан бахтиёр одам йўқ эди. Бунчалар бағрикенгликдан, меҳрдан ташна кўнглим сув ичиб, гўё қайта туғилди. Ва меҳмонни таништириб, учиб чиқиб кетдим. Гайрат билан ишга киришдим.

Хуллас, Зулфия опа яхлит инсон эди. Ҳаммамиз учун гоҳ тергаб, гоҳ мақтаб йўлга солувчи меҳрибон она эди. Ишхонада тушлик пайти туғилган кунларимизни, байрамларни нишонласак, суюниб, боладек яйраб ўтирарди. «Муножот»га Санъат ўйнасин! Қани, Ойдинжон, шеър ўқинг. Энди навбат Муҳтарамага! Дилбарнинг кулгусини севаманда!» – дея бисотларидаги энг сара сўзлар билан бизни мақтаб, эркалаб, фахр-ифтихорга тўлиб кетардилар. Ва пировардида биз устоздан кўплаб шеър тинглар эдик:

Яшаш азиз ҳисси дилда кезганда
Умр қўши кетиб, армон дилни эзганда,
Ҳатто ўзни хаста, заиф сезганда
Оғир, бенаф ўйдан юрак безганда
Сени куйлайман, ҳаёт!

Устознинг бетакрор, ширали овози ҳамон жаранглаб эшитилиб турибди...

Санъат МАҲМУДОВА.

ПОЛНА Я РАДОСТЬЮ ЗЕМНОЮ

«Ясная, чистая, гордая и добрая душа нашего народа – словно открытая книга, и хочется читать ее неустанно, снова и снова перелистывая ее страницы», – говорила Зульфия.

Поэтесса всю жизнь изучала строки самого интересного фолианта, и из-под ее пера выходили стихи, легкие, звучные, наполненные любовью. Вовсе не случайно своими верными спутницами называет она песню, мечту и любовь.

При всем обилии и разнообразии тем особо выделяется одна – женщина: мать, любимая, жена, труженица, борец за мир, хранительница домашнего очага. Для нее звучат соловьиные трели, песни рек и гор, распускается листва, зеленеет трава, и цветут цветы.

Женщина, мать, Родина, природа – все становится единым напевом, славящим жизнь, несмотря на невзгоды и трудности. Отождествляя самые дорогие ей понятия с любимой Отчизной, Зульфия утверждает: «Ведь счастье живо лишь в стране родной».

Поэтому светлый дар поэтессы преподносится именно ей:

Тебе, о мать, тебе, страна,
Стихов, из сердца
вырвавшихся, звуки!

Родившаяся в марте художница слова часто создает звенящие, журчащие, искрящиеся портреты весны в своих произведениях: алеют тюльпанами проснувшиеся степи, заводят мелодии любви голосистые соловьи, деревья надевают зеленые чалмы, следят за движением солнца цветистые глаза стеблей... Безбрежные чувства зовут к мечте, если ты молод, и возвратиться в юность, если стар.

Весна и любовь. Естественное сочетание, нашедшее отклик у тысячи поэтов, и свой – у Зульфии. Девушка в стихотворении «Верность» видит любимого в каждом движении и звуке природы:

Твоим дыханьем дышат тополя,
Твои слова мне повторяет ветер.

Это лирическое письмо избраннику сердца, который сражается с врагом и ждет желанной весточки из родного края. Привет Родины придает ему силы, делает непобедимым.

От имени подруг, сестер, своих современниц Зульфия утверждает в стихах жизнь. Великая вера в победу и мир помогают ей слагать животворящие слова в узор оптимизма. Одно из самых известных стихотворений военных лет «Сюзане» по силе воздействия ничуть не уступает статьям–обращениям к воинам:

...Вернешься. И вдвоем
Цветного сюзане мы
развернем узоры.
Сияньем солнечным
оно наполнит дом...

Окрыленная «самой сильной силой», героиня Зульфии ждет любимого с фронта, верит в его богатырскую стать и мужество и знает, что именно он отстоит доставшееся им счастье. Поэтому и вкладывает невеста столько смысла в вышивание, нежный голос приобретает стальные нотки, когда подруга просит отомстить за горе вдов и сирот, за всех, кого обездолила война.

Всепобеждающая сила любви очевидна, самое светлое чувство заступает путь злобе и ненависти и утверждает жизнь на земле, поэтому в стихотворении «Садовник далеко» юноша идет на бой, «чтоб нивам сожженным, чтоб сломанным розам восстать, возродиться, расти и цвести».

Зульфия-мать, как тысячи узбекских матерей, мечтает о «сияющем завтра» своего ребенка. Но взросление сына омрачают мысли о войне. Не для того растят и лелеют детей, чтобы их уносили беды. Мать готова заслонить ребенка собой, отдать себя в жертву. Единение матерей, жаждущих мира, способно стать мощным противостоянием любому оружию:

Если станем все, стена к стене,
Не пройти и не бывать войне!

Дочерняя любовь выплескивается в стихотворении «Бессмертная моя». Поэтесса благодарит подарившую ей жизнь и готова на коленях просить прощения за все, чем когда-то могла обидеть мать. Готова качать самого дорогого человека в колыбели созвездия Весов, перевоплотиться в любой предмет, лишь бы мама была рядом.

Только мать способна увидеть в тюльпанах «младенцев весеннего края». И поэтесса-мать, подчиняясь чувству дочерней любви к Родине, заклинает беречь ее красоту, окунаться в ее добрые волны и нести добро тем, кто придет после нас.

Влюбленная в свою страну, певица Отчизны вслушивается в ее дыхание, живет в ее ритме, разговаривает с горами, ветром, облаками, к ней приходит дерзкая мысль сшить из радуги «цветной камзол узбекского покроя», тогда она песнями на облаке-арфе очарует весь Восток.

Оно с нами, очарование напевов Зульфии. Пророчество волшебницы поэтических образов сбылось:

Что ж, у народа сердец не счесть!
Может, войду не в одно,
так в другое...

Живет в сердцах народа поэт, радует своим светлым творчеством, а на земле, столь пламенно воспетой, растет молодая поросль. Это дочери Зульфии, в стихах, танце и песне, дерзких свершениях идут они ее путем – путем служения людям.

Людмила ПОЛОНСКАЯ.

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Юртимизда баҳор нафаси сезила бошлаган дамлардан далаларда ҳам эртанги мўл ҳосил учун замин ҳозирланади. Мамлакатимиз иқлим шароити ҳатто қишнинг сўнгги кунларидан деҳқончилик ишларини бошлашни тақозо этади. Маълумки, ўтган йилдан бошлаб ҳарбий қисм ва билим юртларида ҳарбий таъминот бўлинмалари фаолияти сезиларли даражада жонланди. Аскар дастурхони айнан ана шу бўлинмалар фаолияти сабаб сифатли, тўйимли, витаминларга бой мевалар, чорва ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада бойиди.

Янги ҳамда қайта ташкил қилинган барча таъминот бўлинмалари қисқа муддатда кўрилган фойдалари билан ўзларини оқладилар. Шу билан бир қаторда бундай бўлинмалар Қуролли Кучларимиз учун бениҳоя кераклигини амалда исбот этди. Армия ва халқ якдиллигини биз бот-бот тилга оламиз. Унинг амалдаги кўриниши таъминот бўлинмаларини тузиш ва қайта ташкиллаштириш ишларида ҳам яққол намоён бўлди. Бу борада катта амалий ёрдам кўрсатган Қашқадарё вилояти Нишон тумани, Фарғона вилоятининг Қува, Андижон вилоятининг Жалолқудуқ, Наманган вилоятининг Чортоқ, Чуст, Сурхондарё вилоятининг Ангор, Сариосиё, Жиззах вилоятининг Жиззах туманлари ҳокимликларининг фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтса арзийди.

Бугун қизғин фаолият кўрсатаётган таъминот бўлинмалари Қуролли Кучларимизда олиб борилган изчил ислоҳотларнинг самарасидир. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар қандай ислоҳот энг биринчи галда моддий қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезади. Республика Марказий банкининг имтиёзли кредитлари таъминот бўлинмаларининг тез ва мустаҳкам шаклланишларида ишончли таянч вазифасини ўтади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мукаммал агротехник тадбирларга таянади. Буларни ҳисобга олган ҳолда Мудофаа вазирлиги қишлоқ хўжалиги бошқармаси ҳамкорликда тузилган, илмий асосланган тавсиялар ҳамда технологик карталарни барча таъминот бўлинмаларига тақдим этди. Мазкур тавсия ва кўрсатмалар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, бозор муносабатлари институти ҳамда илмий тадқиқот маркази билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Шунингдек, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан сувдан фойдаланиш бўйича шартнома тузилган. Бундан ташқари «Ўзкимёсаноат» билан тузилган шартнома таъминот бўлинмаларини керакли минерал ўғитлар билан таъминлаш имконини бермоқда.

Жумладан, ўтган йил Мудофаа вазирлигининг қишлоқ хўжалиги бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган семинар ўқув машғулотлари жойлардаги таъминот бўлинмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилди. Оқилона режа асосида олиб борилган ишлар йил охирида кутилган самарали натижани берди. Бундай натижа нафақат баракали аскар дастурхонида, балки ҳарбий хизматчилар оилаларини моддий қўллаб-қувватлашда ҳам акс этди.

Ортда қолган йил сарҳисоби бу йилги режаларнинг янада пухта ўйлаб тузилишига замин ҳозирлади. 2007 йил учун 2006 йил охирларида чорва озуқаси учун эрталаги экинлар, тўрт фаслда ҳам аскар дастурхонидан аримайдиган, витаминларга бой кўкат уруғлари қадалди. Шахсий таркибнинг ҳўл мевалар-га бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳар бир таъминот бўлинмасида боғ ва узумзорлар яратиш режалаштирилган. Иссиқхоналар иши йўлга қўйилмоқда.

Бу йил қишлоқ хўжалиги бошқармаси улкан ишларни амалга оширишни режалаштирган. Наслдор моллар сонини ошириш, балиқчилик, паррандачилик, асаларичиликни янада ривожлантириш ишлари йўлга қўйилмоқда. Тошкент ҳарбий округи ҳудудида илк марта сутни қайта ишлаш кичик корхонасини барпо этиш ишлари режалаштирилмоқда. Шарқий ва Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округларида сабзавот ва меваларни қайта ишловчи кичик корхоналар тузиш ҳам режага киритилган. Бундай кичик корхоналарнинг фаолияти йўлга қўйилгач, таъминот бўлинмаларининг даромад ва фойдалари ҳам янада кўпаяди. Бундан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳам манфаатдордирлар. Ёш офицер оиласини қўллаб-қувватлаш ҳам ана шу даромад ва фойдалар ҳисобига янада кучайтирилади.

Таъминот бўлинмаларининг бу йилги натижалари ҳам юқори бўлиши кутилмоқда. Ўтган бир йил давомида бўлинмалар учун ёрдам тариқасида ажратилган маблағлар ўрни кўрилган фойдалар ҳисобидан қопланди. Бу йил амалга оширилиши мўлжалланган ишлар кўлами эса ўтган йилдагидан ҳам кенгроқдир. Демак, муваффақиятлар шунга яраша салмоқли бўлади. Баҳор ана шундай салмоқли ютуқлар учун дадил қадамлар ташланадиган қизғин палладир.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.



СКАНВОРД

ГАЗЕТАНИНГ 8-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Жибилажибон, Ребус, Раҳимов, Аён, Тоб, Курка, Ашулачи, Лада, Искана, Бино, Байт, Тансиқ, Аруз, Истироҳат, Аср, Анора, Каштa, Қут, Анд, Об, Сатин, Трюмо, Бор, Тор, Умарбеков, АН, Бир, Танк, Саодат, Нашр, Он, Тансиҳатлик.

БЎЙИГА: Журналистика, Бобур, Касал, Журнал, Беҳбудий, Нимта, Човли, Упа, Уч, Музработ, Кантата, Туниc, Ироқи, Қор, Шар, Устомон, Ҳад, Такт, Муҳаббат, Берн, Тико, Сароб, Юрак, Нар, Кошки, Да, Пат, Изоҳ, Ўт.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

5 МАРТ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

Ҳурматли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан «O'zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.
15.00 «Таҳлилнома».
15.45 ТВ-анонс.
15.50 «Шахсий фикр».
16.30 «Наврўз оҳанглари».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбекистон маданияти, урф-одатлари ва анъаналари».
17.50 «Ҳаётимиз қомуси».
18.10 «Оҳанглар оғушида».
18.20 «Мен туғилган юрт». 1-қисм.
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 ТВ-анонс.
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал премьераси.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Янги оҳанглар».
22.00 «Икки тақдир». Телесериал премьераси. (Ҳиндистон).
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
23.25 Тунги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнгилочар дастури.
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Шоҳсупа.
9.35 Спортстарт.
9.50 Марғилон — 2000 ёшда!
9.55 Иқлим.
10.00 Давр ҳафта ичида.
10.30 «Ер сайёраси». 1-қисм.
11.25 «Ер сайёраси». 2-қисм.
12.15 «Аёл — муқаддас!»
12.20 «Эрта сўнган юлдузлар». Отабек Ғаниев.
12.45 Ишқ ва наво.
12.55 Иқлим.
13.00 Давр.
13.15 Даврнинг боласи.
13.30 Нафосат олами.
13.40 Journal.
14.00 «Муқаддас замин».
14.30 «ЯНГИ КУН» ахборот-кўнгилочар дастури.
15.30 Мафтункор ва бетакрор...
15.40 Ғазал мулки.
16.00 Давр.
16.20 «Муҳаббат қаҳваси».
17.00 Ватанпарвар.
18.00 UzEX.
18.10 Давр-репортаж.
18.20 «Тасвир ва таассурот». Чингиз Ахмаров.
18.35 UzEX.
18.40 Телепортрет.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.35 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
20.15 SMS-мусиқа.
20.30 Қизиқчи Шукрулло Исроилов тақдим этади: «Бўғирсоқ».
20.50 Кино-SMS.
20.55 Омон бўлинг!
21.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 SMS-мусиқа.
22.50 «Саломея». Сериал.
00.15 Ватаним!

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «Анонс».
20.20 «Генезис II... и сотворил человек природу».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Анонс».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.45 «Анонс».
22.50 «Лига выдающих джентельменов».
00.30 Хайрли тун, шаҳрим.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
8.30 «Детский мир».
9.05 «Малахов+».
9.45 «Спорт — менинг ҳаётим».
10.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
10.30 «Детективы».
11.00 «АВТОграф».
11.20 Эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» Олтин Гран-при турнири.
12.20 Мини-футбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Ким нимага қодир?»
19.05 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.20 ПрофРИНГ.
21.00 Кураш. И. Каримов халқаро турнири (Буюк Британия).
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Футбол шарҳи.
22.15. СПОРТИВНЫЙ КИНОЗАЛ: «МАЛЫШКА НА МИЛЛИОН». 1-я серия.
23.15 Эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» Олтин Гран-при турнири.
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

6 МАРТ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
«Болалар сайёраси»:
9.20 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Покахонтас».
10.30 «Остонаси тиллодан».
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ анонс.
11.15 «ТВ шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 Самарқанд-2750.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.15 «Одами эрсанг...»
12.35 «Ҳажвия бисотидан».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 «Дил тароnasi».
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Ватанпарвар».
16.10 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили. «Ижтимоий ҳимоя».
«Болалар сайёраси»:
16.30 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
16.50 Бахтли болалик қўшиқлари.
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 ИИВ хабарлари.
17.35 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
17.55 ТВ-анонс.
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Мен туғилган юрт». 2-қисм.
18.35 «Сизнинг адвокатингиз».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
23.25 Тунги наволар.

ЁШЛАР

17.55 Дастурнинг очилиши.
18.00 2007 — Ижтимоий ҳимоя йили: «Матонат».
18.15 Давр мавзуси.
18.30 Кино-SMS.
18.35 Кўклам наволари.
18.50 «Аёл — муқаддас!»
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.35 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
20.10 JOKER телелотереяси.
20.15 Эълонлар.
20.20 Марғилон — 2000 ёшда!
20.25 KINOMANIYA.
20.55 Омон бўлинг!
21.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.50 Анонс.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 SMS-мусиқа.
22.45 Кино-SMS.
22.50 «Саломея». Сериал.
00.15 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.45 «Аёл қалби».
10.00 «Мулоҳаза учун мавзу».
10.55 «Интервью».
11.05 «Саломат бўлинг».
11.20 «Лига выдающих джентельменов».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Соғинч».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Генезис II... и сотворил человек природу».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили»: «Меҳрибонлик».
22.50 «Игры разума».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.40 «Жили-были». Мультфильм.
9.05 «Малахов+».
9.50 Дунё ўзбек оператори нигоҳида: «Шанхай».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Детективы».
10.50 Эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» олтин Гран-при турнири.
11.50 Теннис.
12.30 Мини-футбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Сам себе режиссёр».
19.30 Чемпионлар лигаси кундалиги.
20.00 «Вести».
20.25 «Кўп яшанг».
20.50 «Шарқ яккакурашлари».
21.10 «Спорт — менинг ҳаётим».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
21.50 СПОРТИВНЫЙ КИНОЗАЛ: «МАЛЫШКА НА МИЛЛИОН». 2-я серия.
22.55 Еврофутбол. Англия чемпионати. «Ливерпуль» — «Манчестер Юнайтед».
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

7 МАРТ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
«Болалар сайёраси»:
9.10 «Олтин тож». Телеўйин.
9.45 ИИВ хабарлари.
10.00 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
10.20 Ғ.Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
10.40 «Банк ва мижоз».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари».
11.55 «Увайсий». «O'zbektelefilm».
12.20 «Ягона оилада».
12.40 «Одамлардан бири».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 «Наврўз оҳанглари».
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 «Чимилдиқ». Бадиий фильм.
«Болалар сайёраси»:
16.35 1. «Бизнинг кутубхона».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 «Эркин иқтисодиёт».
17.35 «Портретга чизгилар».
17.55 «Оҳанглар оғушида».
18.00 «Бир асар тарихи».
18.20 «Ўзбек аёли»туркумидан: Ўзбекистон Қаҳрамони М. Исматова. 1-қисм.
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Омад зарлари». Телелотерея.
19.15 «Бизнес янгиликлари».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт «Туркистон» саройидан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган).
23.20 «Икки тақдир». Телесериал.
00.05 Тунги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнгилочар дастури.
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Болалар шеърияти.
9.25 У ким? Бу нима?
9.45 Болалар табассуми.
9.50 Менинг лицейим.
9.55 Иқлим.
10.00 Давр.
10.15 «Аёл — муқаддас!»
10.20 Ватанпарвар.
11.20 Давр-репортаж.
11.30 Кино-SMS.
11.35 Ёшлик наволари.
11.45 Омон бўлинг!
11.50 «Муҳаббат дардлари».
13.00 Давр.
13.15 Даврнинг боласи.
13.30 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
14.30 «ЯНГИ КУН» ахборот-кўнгилочар дастури.
15.30 Нафосат олами.
15.40 Ғазал мулки.
16.00 Давр.
16.15 «Аёл — муқаддас!»
16.20 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
17.00 Хазина.
17.15 Таълим ва тараққиёт.
17.30 Истиқбол тимсоллари.
17.40 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили.
17.55 Кино-SMS.
18.00 Мўйқалам сеҳри.
18.30 Кўклам наволари.
18.45 Каталог.
19.00 ДАВР.
19.35 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
20.10 Спортлото.
20.25 «Баҳор илҳомлари».
20.55 Омон бўлинг!
21.00 «Муҳаббат дардлари».
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 SMS-мусиқа.
22.50 «Саломея». Сериал.
00.15 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20 «Телекурьер-маркет».
9.45 «Соғинч».
9.55 «Нима учун?»
10.35 «Репортаж».
10.50 «2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили»: «Меҳрибонлик».
11.30 «Игры разума».
17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Мисли гавҳар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Генезис II... и сотворил человек природу».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Келажакка интилиб».
22.50 «Свидетель на свадьбе».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 «Жили-были». Мультфильм.
9.05 «Малахов+».
9.50 Дунё ўзбек оператори нигоҳида: «Таиланд».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Детективы».
10.50 «Кучли бешлик».
11.40 Эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» Олтин Гран-при турнир якунлари.
12.00 Мини-футбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мониторинг».
19.10 «Вокруг света».
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.30 «Беллашув». Дам олиш дастури.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 СЕМЕЙНЫЙ ЭКРАН: «МЕЖДУ НЕБОМ И ЗЕМЛЕЙ». ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ФИЛЬМ.
23.20 Еврофутбол. Чемпионлар лигаси. «Ливерпуль» (Англия) — «Барселона» (Испания).
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

8 МАРТ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ.
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.45 «Бувим ёпган нон». Видеофильм.
9.35 Байрам табриги.
9.40 Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
11.20 ТВ-анонс.
11.25 «Оила ришталари». Телесериал.
12.00 «Муҳаббат, сен чиройлисан». Сарвара Одилова.
12.40 Байрам табриги.
12.45 «Қишлоқ ҳаёти».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 «Ёшлик оқшоми».
15.00 «Бегоналар». Бадиий фильм.
16.30 «Назм ва наво».
17.10 «Интеллектуал ринг».
17.55 Байрам табриги.
18.00 «Ўзбек аёли» туркумидан: Ўзбекистон Қаҳрамони М. Исматова. 2-қисм.
18.20 «Яхши ният». Телелотерея.
18.40 «Аёл гўзаллиги оламни безар». Мусиқий дастур.
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Аёл гўзаллиги оламни безар».
22.20 «Икки тақдир». Телесериал.
23.05 «Аёл гўзаллиги оламни безар».
23.45 «Олам ва одам» дастури: «Ҳақиқий Клеопатра».
00.35 Тунги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Болалар табассуми.
9.20 «Болалар давраси».
9.50 «Аёл — муқаддас!»
9.55 Иқлим.
10.00 Давр.
10.10 Омон бўлинг!
10.15 Миллий кино: «Мафтунингман!»
11.35 Кино-SMS.
11.40 «Тасвир ва таассурот». Чингиз Ахмаров.
11.55 «Аёл — муқаддас!»
12.00 Телепортрет.
12.15 Кино-SMS.
12.20 Онага эъзоз — келажакка эъзоз.
12.35 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили: Ёшлар адабиёти.
12.50 Ишқ ва наво.
12.55 Иқлим.
13.00 Давр.
13.10 «Бўғирсоқ».
13.30 KINOMANIYA.
14.00 «Ишдаги ишқ». Кинокомедия. 1-2 қисмлар.
16.30 Кино-SMS.
16.35 «Аёл — муқаддас!»
16.40 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили: «Шарқ маликаси».
17.10 Бу шундай бўлган эди...
17.30 Рўзғор мактаби.
18.00 «Уйимдаги фариштам».
18.20 «Қўшиқларим Сизга армуғон!» Ўлмас Оллоберганов.
18.50 «Аёл — муқаддас!»
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.35 Эълонлар.
19.40 Кино-SMS.
19.45 «Аёлга таъзим». Байрам дастури.
22.55 Эълонлар.
23.05 Омон бўлинг!
23.10 Миллий кино: «Гўзаллик сири».
00.45 Ватаним!

ТОШКЕНТ

Хотин-қизлар куни!
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.45 «Рим таътиллари».
11.30 Болалар учун: «Баҳоройи».
12.00 «Мунисам».
12.15 «Интервью».
12.25 «Юрагимда баҳорий ҳислар».
13.15 «Мовий манзиллар маликаси».
13.30 «Жозиба».
13.50 «Свидетель на свадьбе».
15.20 «CINEMA BOLLIWOD».
15.40 «Мен танлаган ёр».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Шунақа гаплар».
20.05 «Фаровонлик бекати».
20.25, 22.10 «Муқаддас аёл».
21.30 «Пойтахт» (рус.).
23.15 «Дьявол носит «Прада».

СПОРТ

8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Весенняя акварель».
9.00 «Бодрое утро».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «ПРИКЛЮЧЕНИЯ ВОЛШЕБНОГО ГЛОБУСА». МУЛЬТФИЛЬМ.
11.20 Живой мир. «Планета Земля».
12.10 СЕМЕЙНЫЙ ЭКРАН: «ЛЮБОВЬ И ГОЛУБИ». ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ФИЛЬМ.
14.10 «Спорт баҳори».
14.35 РИЧАРД ГИР И ДЖЕНИФЕР ЛОПЕС В ФИЛЬМЕ «ДАВАЙТЕ ПОТАНЦУЕМ».
16.30 «Цирк со звёздами». Шоу-программа.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Иқтидор».
19.40 «Тақдир чизгилари».
20.00 «Вести».
20.15 «Келин-куёв». Шоу дастури.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Дунё гўзаллиги сендадир, аёл!»
23.10 Еврофутбол. Чемпионалар лигаси. «Бавария» (Германия) — «Реал» (Испания).
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

9 МАРТ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Олам ва одам» дастури: «Ҳақиқий Клеопатра».
«Болалар сайёраси»:
9.35 1. «Цирк, цирк, цирк».
2. «Покахонтас».
10.20 «Табаррук замин».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Галатепалик авлиё».
11.45 Самарқанд-2750.
11.50 «Дил тароnasi».
12.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тошкент гуллари».
12.10 «Қалпоқ». Ҳажвий кўрсатув.
12.40 «Бир асар тарихи».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 «Зилол». Наврўз қўшиқлари.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» хазинасидан.
16.20 «Имконият».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили. «Саломатлик» дастури.
17.35 «Умр мазмуни».
17.55 «Оҳанглар оғушида».
18.05 «Минг бир ривоят».
18.10 «Ҳидоят сари».
18.30 «Ошин». Телесериал.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.15 «Бизнес янгиликлари».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Бекат».
22.05 «Икки тақдир». Телесериал.
22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнгилочар дастури.
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Болалар табассуми.
9.20 Ёшлар адабиёти.
9.35 Бу шундай бўлган эди...
10.00 Давр.
10.15 «Аёл — муқаддас!»
10.20 Онага эъзоз — келажакка эъзоз.
10.35 Хазина.
10.50 Шарқ маликаси.
11.20 Таълим ва тараққиёт.
11.35 Мўйқалам сеҳри.
12.10 Ишқ ва наво.
12.20 «Муҳаббат дардлари».
13.00 Давр.
13.15 Даврнинг боласи.
13.30 «Наврўз келур...»
13.40 Қишлоқдаги тенгдошим.
13.55 Омон бўлинг!
14.00 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
14.30 «ЯНГИ КУН» ахборот-кўнгилочар дастури.
15.30 Матонат.
15.45 Ғазал мулки.
16.00 Давр.
16.15 Кино-SMS.
16.20 «Муҳаббат қаҳваси».
17.40 Давр мавзуси.
17.55 «Улар — жасур аёллар!»
18.25 Кўклам наволари.
18.45 Сифат белгиси.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.35 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
20.10 Спортлото.
20.20 Кино-SMS.
20.25 Дунё таомлари.
20.45 SMS-мусиқа.
20.55 Омон бўлинг!
21.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 SMS-мусиқа.
22.50 «Саломея». Сериал.
00.15 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20 «Телекурьер-маркет».
10.05 «Шунақа гаплар».
10.20 «Камер оркестрининг концерти».
10.35 «Дьявол носит «Прада».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Анонс».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
22.50 «Стильная штучка».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.40 Мультфильм.
9.05 «Малахов+».
9.50 Дунё ўзбек оператори нигоҳида: «Бангкок».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Детективы».
10.50 «Ринг».
11.20 Мини-футбол. Ўзбекистон чемпионати.
11.55 Снукер.
12.35 Оғир атлетика. Ўзбекистон биринчилиги.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Баҳор». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Поле чудес».
19.50 «Тет-а-тет».
20.00 «Вести».
20.25 «Мастер класс».
20.45 Кураш. И. Каримов халқаро турнири. (Буюк Британия).
21.05 «Жаҳон спорти юлдузлари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
21.50 «Стать ближе». Шоу-программа.
22.30 Ю. БУДРАЙТИС И А. ФРЕЙНДЛИХ В ЛИРИЧЕСКОЙ КОМЕДИИ «ОПАСНЫЙ ВОЗРАСТ».
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

10 МАРТ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.45 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
2.»Покахонтас». Мультсериал.
9.45 «Мусиқа дунёси».
10.05 1. «Рангинкамон».
2. «Дилдор».
10.45 «Янги оҳанглар».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 «Дил тароnasi».
12.00 «Заковат».
13.00 ТВ-анонс.
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Хонадон».
14.45 «Энг жозибали ва латофатли». Бадиий фильм.
«Болалар сайёраси»:
16.05 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 ТВ-анонс.
17.05 «Одами эрсанг...»
17.25 «Оҳанглар оғушида».
17.35 «Саломатлик сирлари».
17.55 «Сиз кутган учрашув».
18.35 ТВ-анонс.
18.40 «Меҳр кўзда».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.05 «CINEMA.UZ».
22.30 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.40 «Севги фазоси». Бадиий фильм.
00.10 Тунги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнгилочар дастури.
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Болалар табассуми.
9.20 Бола тилидан.
10.00 Давр.
10.15 «Аёл — муқаддас!»
10.20 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили: «Ибратли умр».
10.35 Кино-SMS.
10.40 «Уч сеҳргар». Мультфильм.
11.50 Дунё таомлари.
12.10 Ишқ ва наво.
12.20 «Муҳаббат дардлари».
13.00 Давр.
13.15 Даврнинг боласи.
13.30 Кино-SMS.
13.35 «Уйимдаги фариштам».
13.55 Омон бўлинг!
14.00 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
14.30 «ЯНГИ КУН» ахборот-кўнгилочар дастури.
15.30 Истиқбол тимсоллари.
15.40 Ғазал мулки.
15.55 Иқлим.
16.00 Давр.
16.15 Кино-SMS.
16.20 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
17.40 Нафосат олами.
17.50 Каталог.
18.00 Қилни қирқ ёриб...
18.45 Кўклам наволари.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Ер сайёраси». 3-қисм.
20.20 Кино-SMS.
20.25 Эълонлар.
20.35 SMS-мусиқа.
21.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 «Паноҳ». 1-қисм.
22.45 Жаҳон киноси: «Астерикс ва Обеликс. Клеопатра миссияси».
00.40 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.45 «Маърифат фидойилари».
10.00 «Дилкаш наволар»: Нодирабегим Жавоқова.
10.25 «Саломат бўлинг».
11.00 Мультфильм.
11.30 «Стильная штучка».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Генезис II... и сотворил человек природу».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Истеъдод».
22.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
22.50 «Розовая пантера».
00.15 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 Бенефис Г.Ветрова.
8.30 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 «Бодрое утро».
10.00 «Спорт — менинг ҳаётим».
10.10 «Смак».
10.50 «Военное дело».
11.10 Мини-футбол. Ўзбекистон чемпионати.
11.45 «До-ми-соль». Шоу-программа для детей.
12.35 Оғир атлетика. Ўзбекистон биринчилиги.
12.55 «Рондо». Ток-шоу.
18.00 «Болалар олами».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Оддий репортаж».
19.00 «В яблочко!»
19.15 «Файзли ошхона».
19.35 «Застали».
19.50 «Суперлото».
20.00 «Вести».
20.20 «Мусиқий тайм».
20.35 «Стиль».
20.50 «Звездный матч».
21.10 «Среда обитания».
21.25 «Музыкальная пауза».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 ЗВЕЗДЫ МИРОВОГО КИНО ЖАН МАРЭ, БУРВИЛЬ, БРИДЖИТ БАРДО В ИСТОРИЧЕСКОМ ФИЛЬМЕ «ТАЙНЫ ВЕРСАЛЯ».
23.15 «Турнир хитов».
23.40 «Империя кикбоксинга».

11 МАРТ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.45 «Қурбақа малика». Мультфильм.
9.25 ТВ-анонс.
9.30 «Саломатлик сирлари».
9.50 «Дам бу дамдир».
10.35 «Оила ришталари». Телесериал.
11.10 «Интеллектуал ринг».
11.55 «КиноТеатр».
12.15 «Ризо». Бадиий фильм. 1-қисм. (Ҳиндистон).
13.25 ТВ-анонс.
13.30 «Ризо». Бадиий фильм. 2-қисм.
14.40 «Наврўз оҳанглари».
14.50 «50х50». Ток-шоу.
15.40 ТВ-анонс.
«Болалар сайёраси»:
15.45 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
16.20 «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
16.45 «Ҳамон ёдимда...»
17.05 ТВ-анонс.
17.10 «Ҳамон ёдимда...»
17.30 «Суюнчи». Бадиий фильм.
18.40 «Оҳанрабо».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ-анонс.
21.50 «Кўҳна оҳанглар».
22.10 «Қайсар қизнинг қуюлиши». Бадиий фильм.
23.55 Тунги наволар.

ЁШЛАР

7.25 Дастурнинг очилиши.
7.30 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
9.30 Болалар давраси.
10.00 ВАТАНПАРВАР.
11.00 Journal.
11.20 «Ер сайёраси». 3-қисм.
12.10 Чемпион сирлари.
12.30 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
15.00 Рўзғор мактаби.
15.30 «Аёлга таъзим». Байрам дастури.
18.45 «Мафтункор ва бетакрор...»
18.50 Кино-SMS.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр ҳафта ичида.
19.30 «Куз эртаги». Сериал.
20.30 KINOMANIYA.
21.00 «Куз эртаги». Сериал.
22.20 Кино-SMS.
22.25 Эълонлар.
22.30 Миллий кино: «Тақдир чархпалаги».
00.15 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20 «Телекурьер-маркет».
9.45 Мультфильм.
10.00 «Интервью».
10.25 «Истеъдод».
10.40 «Орзулар камалаги».
12.10 «Инопланетянин».
14.05 «Телекурьер-маркет».
14.30 «Розовая пантера».
15.55 «Муқаддас аёл». 1-қисм.
16.55 «Саргузаштлар ороли».
17.20 «Муқаддас аёл». 2-қисм.
18.25 «Телекурьер-маркет».
18.45 «Мулоҳаза учун мавзу».
19.15 «Жозиба».
19.35 «Кичкина табиб».
21.10 «Дилкаш наволар»: Алижон Исоқов.
21.35 CINEMA.UZ.
22.05 «Иллюзионист».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Қувноқ стартлар».
8.30 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 «Бодрое утро».
10.00 «Улыбка».
10.10 «Непутёвые заметки».
10.30 «Пока все дома».
11.20 «Рақибингиз гроссмейстер».
11.45 «Файзли ошхона».
12.10 Живой мир.
13.15 «Аптека слушает».
14.00 «Дув-дув гап». Шоу-дастури.
15.00 «Проф-РИНГ».
18.00 Мультфильм.
18.10 «Халқ ўйинлари».
18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм-аут».
20.00 «Вести».
20.20 «Властелин горы».
21.10 «Ровесник».
21.30 «Талқин».
22.00 ЗВЕЗДЫ МИРОВОГО КИНО ЖАН МАРЭ, БУРВИЛЬ, БРИДЖИТ БАРДО В ИСТОРИЧЕСКОМ ФИЛЬМЕ «ТАЙНЫ ВЕРСАЛЯ».
23.25 Еврофутбол. Испания чемпионати. «Барселона» — «Реал».

Телевизионная программа предоставлена ООО «САДО».

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН На работе отнеситесь со вниманием к своим обязанностям, не упускайте из виду мелочей. В выходные дни отдохните от суеты и не сопротивляйтесь стремлению окружающих вас немного побаловать.

ТЕЛЕЦ Не стоит ссориться с родственниками. Хорошее время для того, чтобы проявлять инициативу. Возможны некоторые сложности в общении. В конце недели может наступить долгожданный период везения.

БЛИЗНЕЦЫ У вас появится возможность для максимально успешной реализации задуманного. Вам придется принимать ответственные решения. Поездки, встречи, переговоры будут успешны и плодотворны.

РАК Вам придется напряженно трудиться, чтобы добиться желаемого результата. Прислушайтесь к голосу интуиции и найдите ключик к сердцу начальства. От дальних поездок и командировок лучше отказаться.

ЛЕВ Хорошее время для улучшения отношений с начальством. У вас появится желание быть впереди всех. Желательно проявлять такт и терпение. Удачное время для начала любого дела. Постарайтесь уделить внимание окружающим.

ДЕВА Постарайтесь не принимать всерьез выпады ваших оппонентов и соперников, они не столь серьезны и опасны, как вам кажется. Учитесь гибкости, приспосабливайтесь к ситуации. Удачными будут поездки и командировки.

ВЕСЫ Проявите осторожность в разговоре с вышестоящими: даже если ситуация располагает к откровенному разговору, не поддавайтесь на провокацию. Постарайтесь избежать недоразумений в семейной жизни.

СКОРПИОН Руководство проявит к вам известную благосклонность, чем рекомендуется безотлагательно воспользоваться. Ваша творческая результативность заметно возрастет. Избегайте неясности на работе и в личных отношениях.

СТРЕЛЕЦ Вам необходимо преодолеть сомнения и неуверенность в собственных силах. Постарайтесь проявлять практичность в делах и размеренность в жизни. Интересное знакомство может способствовать профессиональному успеху.

КОЗЕРОГ Вам удастся ярко проявить свою индивидуальность. Благоприятное время для любых начинаний. Найдите время для уединения. К концу недели удача будет сопутствовать людям, решившим сменить место работы.

ВОДОЛЕЙ Ваш успех зависит от вас. Будьте внимательнее: не пропустите важной информации. Постарайтесь избегать разногласий. Не стремитесь принимать скоропалительных решений. Выходные проведите в кругу семьи.

РЫБЫ Не стоит суетиться. Не надо браться за все дела одновременно. Лучше всего спокойно заняться личными делами. Вам понадобится помощь коллег по работе. Друзья о вас не забудут. Постарайтесь не обидеть их.

ТЕНГЛАР ИЧРА ТЕНГ ЎЗБЕКИСТОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, БМТнинг мингйиллик саммитида тараққиёт соҳасидаги мақсадлар белгилаб олинди. Бундан келиб чиққан ҳолда, яъни глобал мақсадларни уйғунлаштирган ҳолда Ўзбекистон ҳам ўз олдига саккизта устувор мақсадни қўйган. Булар: кам таъминланганликни ва қониқарсиз озиқланишни қисқартириш; бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш; аёллар ва эркаклар тенглигини рағбатлантириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш; болалар ўлимини қисқартириш; оналар саломатлигини яхшилаш; ОИВ/ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш; экологик барқарорликни таъминлаш; Ўзбекистон ривожланиш мақсадидаги глобал ҳамкорлик.

Ортда қолган йилда бу борада илк маъруза эълон қилинди. БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонасига оид сайтда мазкур устувор мақсадлар борасидаги маърузамизга, умуман, бу йўналишда амалга оширилаётган ишларимизга шундай баҳо берилган: «Маъруза глобал мақсадлар билан миллий устуворликлар ўртасидаги тегишли узвийликни белгилаб беради. Ҳисоботнинг негизини ташкил этувчи миллий мақсадлар глобал мақсадларга жуда ўхшаш. Айни пайтда улар мамлакатдаги талаб ва таклифлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон шароитига мосланган. Мингйиллик ривожланиш мақсадларига оид миллий вазифалар ҳам Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган эди». Бу – эътироф. Аниқроғи танлаган истиқлол ва истиқбол йўлимизга берилган навбатдаги баҳо.

Маълумки, 1992 йилда БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (УССТ)га мамлакатимиз аъзо бўлиб кирди. Аниқроғи, ташкилотнинг Европа минтақавий бюросига. Шу тариқа УССТ билан кенг ҳамкорликларимизга йўл очилди. «КАРНЕТ», «ЛЕМОН», «НЕХАП», «ЦАРАК» сингари дастурлари билан мазкур ташкилот юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг янада жадаллашувига ёрдам берганининг ўзиёқ ҳамкорлик кўламини кўрсатади.

ЮНФПА номи бугун кўпчилик юртдошларимизга таниш. БМТ Аҳолишунослик жамғармаси ҳисобланган бу ташкилот билан ҳамкорликларимиз 1993 йилдан бошланган. Маълумки, жамғарманинг асосий йўналиши аҳоли саломатлиги, демография билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштиришга қаратилган. Жамғарма биргина 2000–2004 йилларнинг ўзида юртимизда тахминан 7 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги лойиҳани амалга оширган.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозимки, кейинги пайтларда мазкур жамғарма мамлакатимизда гендер муаммоларига ечим топиш йўлида кенг ҳамкорликларга эътибор қаратмоқда. Интернет сайтидаги маълумотномада ЮНФПА ўзаро ҳамкорликда мамлакатимизда олиб борилаётган устувор йўналишларга эътибор қаратиб, уларга шундай баҳо беради: «2005–2009 йил даври учун мўлжалланган мамлакат дастури ўз олдига репродуктив соғлиқни юксалтириш, репродуктив саломатлик маълумотлари ва хизматларидан кенгроқ фойдаланишни таъминлаш, гендер тенглиги ва ҳақ-қонийлик тамойилларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг саломатлиги, ҳуқуқ ва имкониятларини ифода этувчи қонунийликни кучайтириш каби мақсадларни илгари сурган.

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИНГ МУШТАРАК МАНФААТЛАРИ БИЛАН УЗВИЙ БОҒЛИҚ ҲОЛДА, УНИНГ ЗАМОНАВИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИГА ХОС БЎЛГАН ЧУҚУР ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАР ЎЗАНИДА УСТУВОР МИЛЛИЙ МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ САРИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ОДИМЛАМОҚДА.

Гендер тенглиги ва аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари бўйича анча натижаларга эришилди». Бу чегара билмайдиган муаммолар ечимини ўзаро ҳамкорликда ҳал қилаётганимизнинг самараси.

Ёки бўлмаса БМТнинг болалар жамғармаси ҳисобланувчи ЮНИСЕФ билан ҳамкорликларимизга назар ташлайлик. Мазкур ихтисослашган муассаса 1994 йилнинг 1 мартида мамлакатимиз пойтахтида ўз ваколатхонасини очди. Ўзаро ҳамкорликларимиз давомида ЮНИСЕФ эмлаш, анемия, йод тақчиллиги, ўткир респиратор касалликларига қарши курашда бизга улкан ёрдам берди. Мамлакатимизда она ва бола саломатлиги борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларда ҳам мазкур ташкилотнинг ўзига хос ўрни бор.

Яхши биламизки, Умумжаҳон банки ҳам БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилотлари сирасидан. Мазкур банк билан ҳамкорликларимиз нуфузли халқаро ташкилотга аъзо бўлган 1992 йилдаёқ бошланган. Шуни таъкидлаш жоизки, Умумжаҳон банки мамлакатимиз учун дастлабки кредитни 1993 йилда ажратиб, унинг миқдори 21 миллион АҚШ долларига тенг бўлган. 2004 йилнинг ноябрида ҳукуматимиз ва мазкур банк ўртасида Унни бойитиш бўйича миллий дастурни амалга ошириш бўйича шартнома имзоланди. Таъкидлаш лозимки, дастур банкнинг овқатланишни яхшилаш бўйича глобал алянси томонидан молиялаштирилмоқда. Лойиҳага кўра 3 йил давомида 2,8 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилади.

1946 йилдан бери фаолият кўрсатаётган ЮНЕСКО БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари ташкилоти эканлиги кўпчиликка маълум бўлса керак. Ихтисослашган ушбу ташкилотга Ўзбекистон 1993 йилдан аъзо ҳисобланади. Айни пайтда ЮНЕСКО билан ҳамкорликларимиз кўлами кенг. Фан, таълим, маданиятнинг бешикларидан бири ҳисобланувчи Ўзбекистон ҳамкорликларимизнинг дастлабки одимлариданоқ мазкур ташкилотни қизиқтирган. Қадимий, кўҳна шаҳарларимизнинг юбилейлари халқаро доирада нишонланишида, тарихий обидаларимиз жаҳон дурдоналари қаторидан жой эгаллашида ташкилотнинг ҳиссаси беқиёс. Хусусан, Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Бухорий, Фарғоний, Амир Темур каби буюк бобокалонларимизнинг, Бухоро, Хива, Самарқанд, Шаҳрисабз, Термиз каби кўҳна шаҳарларимизнинг халқаро миқёсда нишонланиши ҳам бизнинг – Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тан олинишидир.

Маориф, фан ҳақида гап кетганда, юртимизда ЮНЕСКО кафедраларининг, ЮНЕСКО тасарруфидаги мактабларнинг фаолият кўрсатаётганини таъкидлаб ўтишнинг ўзи ҳам етарли. Шуни таъкидлаш лозимки, ёш авлодни, эртамиз давомчиларини ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш ишимизда ЮНЕСКО ҳам яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Масалан, ўтган йили мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган танловларни олайлик. Унга кўра, 14-18 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари ўртасида иншолар, 7-13 ёшлилар ўртасида суратлар танлови ўтказилиб, маданий ранг-баранглик, ўзига хослик асосий мавзу сифатида олинди. Бу эса ёшларимизни яшаб турган жойларидаги миллий қадриятларни, анъаналарини янада чуқур билишга, шулар руҳида камолга етишга руҳлантирди.

2002 йилда тилга олинаётган халқаро ташкилот томонидан Бойсун анъанавий халқ маданиятининг, халқ амалий санъатининг ўзига хос марказларидан бири сифатида тан олинди. Истиқлолимизнинг 15 йиллик тўйи муносабати билан Бойсун шаҳри марказида ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан халқ амалий санъати музейи очилди. Бундайин мисолларни, ҳамкорликларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Гап халқаро ташкилотнинг халқимизни, бой маданиятимизни, маънавиятимизни, тарихимизни тан олишида, уни дунё узра янада кенг ёйишида. Яна бир гап. Талотўп дунё бугун ўзбекона маданиятга муҳтож. Агар умуминсоний қадриятлар негизига ўзбекона маданиятнинг энг сара жиҳатлари уйғунлаша борса, маънавиятни қутқарамиз, ўзлигимизни қутқарамиз.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг муштарак манфаатлари билан узвий боғлиқ ҳолда, унинг замонавий ривожланиш даражасига хос бўлган чуқур демократик жараёнлар ўзанида устувор миллий мақсадларга эришиш сари қатъият билан одимламоқда.

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

МЎЪЖИЗАЛАРГА КОН ОМОНХОНА

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Омонхона» атамаси ўз-ўзидан кўриниб турибдики, икки сўз бирикмасидан иборат. «Омон» – соғ, саломат, эсон, тинч, осойишта мазмунларини билдирса, «хона» сўзи эса жой, ўрин, манзил, макон, маскан каби тушунчаларни англатади. Омонхоналикларнинг таъкидлашларича ҳам бу жой саломатлик, хавф-хатарсиз, тинчлик маскани экан.

Бу сўзларни эшитиб туриб, кўнглимдан шундайин фикр ўтди. Демак, тинч, осойишта масканга Яратган ҳам беҳисоб иноят қиларкан-да, деган. Омонхона маҳаллий аҳолисининг аксариятини эшонлар дейишади. Ҳатто мўйлаби сабза урмаганини ҳам «эшон бова, эшон бова», дея сийлашларига гувоҳ бўлдик. Омонхоналик 70 ёшли Жўра бобо Ҳайдаровнинг «Аждодларимиз Хўжа Аҳмад Яссавий ҳазратларига бориб тақалади», деган гапи эсимга тушди. Биз ҳам эшонларга мансуб бир йигитнинг хонадонида тунадик. Шариатга хос одоби, ахлоқи, эътиқоди хаттиҳаракатидан дарҳол сезилади. Кичикни ҳам сизлаб гапиради, ҳатто. Замини, суви, ҳавоси мўъжизаларга кон бўлгандан кейин одамлари ҳам шунга муносиб бўлади-да.

Омонхона мўъжизалари борасидаги фикримизни давом эттириб, эътиборингизга баъзи бир зиёратгоҳ манзилгоҳлардан сўз очсак. Шулардан бири «Туя чўккан тош» дея номланувчи манзилгоҳдир. Юқорида номи тилга олинган Шомурод ака Шаропов бу борадаги ривояту афсоналарни атрофлича ўрганган. Келинг, шулардан бирига эътибор қаратайлик.

Ҳазрат Султон Валий Балогардон ва Назармамат халифа Себек қишлоғидан йўлга чиқишиб, Ёппакамар ва Кичикқамарнинг кун чиқар тарафидаги сойлик оралаб Гуттакамар томон равона бўлибди. Улар анча юришиб, улкан бир харсангтошга яқинлашганларида орқаларидан бир тўда ёв бостириб келаётганини сезишибди. Ёвни кўрган Султон Валий «Халифам, туяни тошга тортинг, ёв босди!» дебди. Назармамат халифа ҳеч иккиланмай қаршисида турган, баландлиги етти-саккиз газ келадиган улкан харсангтошнинг устига чиқиб, туянинг жиловидан ушлаганча юқорига тортибди. Одам аранг тирмашиб чиқадиган харсангтошнинг устига нортуя чиқиб, душманга пишқирганча қараб тураверибди. Буни кўрган ёвбоши саросимага тушиб, қўшинлари билан ортга қайтган экан. Шундан эътиборан бу ерни «Туя чўккан тош» деб аташаркан.

Ёппакамар бўйлаб ғарб тарафга юрилса, Каптархона камарига дуч келасиз. Бундай номланишига келадиган бўлсак, бу ерда ёввойи каптарлар ин қуришган. Киши шарпасини сезиши биланоқ улар патирлаб кўкка кўтарилишади. Каптархона камаридаги «Тош қўрғон» устунларини кузатган одам ҳайратдан лол қолиши турган гап. Негаки, тош устунлар гўёки сангтарош усталар қўли билан яратилгандек, таассурот уйғотади.

Каптархона камаридан чап томонда эса Тоғайқул ва Шаршара камарлари бор. Камарларнинг ҳар бири ўзига хос ривояту афсоналарни бағрида асраб келяпти. Ҳа, Омонхонанинг бундайин ўзига хос ажойиботлари, мўъжизалари кишининг баҳри-дилини очади.

Туркияда бўлганимда Каппадокия деган жойга – очиқ осмон остидаги музейга олиб боришганди. Вулқон отилишидан ҳосил бўлган бу водийда тоғу тошлар билан боғлиқ ажойиб экспонатларни кўрасиз. Энг муҳими, бу ажойиботлар воситасида сайёҳликнинг ривожланганидир. Бизда кўплаб бундайин ноёб, ўзига хос масканлар, жойлар борки, ҳатто ҳар бирида сайёҳликни гуркиратиб юборса бўлади. Дейлик, тилга олинаётган Омонхонанинг ўзида ҳам сайёҳликни шакллантириш фойдадан холи бўлмасди, менимча.

Омонхона санаторийсининг ёнида Палангхона сойи бор. Аниқроғи, мазкур сой ва Омонхона сойи туташган ерда санаторий жойлашган. Тахминан 100 метрлар чуқурликда жойлашган Палангхона сойининг ёнидан ҳар куни ўтар эканмиз, атрофида тўпланган одамларга кўзимиз тушади. Суриштириб билсак, Палангхона суви таркибида ҳам шифобахшлик хусусияти бор экан. Бўғинларида туз тўпланган кишилар унда чўмилса, дарддан холи бўлишаркан. Ҳа, маҳаллий аҳоли, ҳатто Омонхонадаги шифокорлар шундай таъкидлашди.

Бугунги Омонхона бундан йигирма-ўттиз йил олдинги Омонхонадан тубдан фарқ қилади. «Ўзбек ҳатто, тошда гул ундиришга қодир», деган гапни бутун залвори билан Омонхонага қўллаш мумкин. Санаторийнинг бир томонида шинам чойхона, бир томонида ихчам бозорча, шарқона айвонлар, хуллас, мўъжаз бир шаҳарча дейсиз. Бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларида сахий, қалбидарё инсонларнинг, ҳомийларнинг хизматлари ҳам улкан бўлган. Масалан, шўрчилик ҳомийлар шарофати билан таъкидланаётган чойхона, бетон зинапоялар, металл чамбараклар, зиёратгоҳни ўраб турган ғиштин деворлар бунёд этилди.

Таърифини келтирганимиз – Омонхонанинг мўъжизакор, шифобахш суви таркибини текшириб кўриш учун маҳаллий шифокорлар шўролар даврида илмий-текшириш институтларга мурожаат қилишган. Аммо эътиборсизлик сабаб, ўрганилмаган ёки ўрганишни хоҳлашмаган.

Мана, ўлкамизга баҳор ўз сепини ёя бошлади. Айтишларича, Омонхона тарафларда бундай пайтларда атроф ям-яшил бўлиб, қирлар лолазорларга бурканаркан. Очиғи, Омонхонадан улкан таассуротлар билан қайтдим. Ҳар биримизнинг кўнглимизда, қалбимизда Омонхонамиз бўлсин экан. Омонхонани одамийлигимиз, бағрикенглигимиз, сахийлигимиз, бунёдкорлигимиз, меҳр-оқибатлилигимиз, эътиқодимиз қаъридан сизиб чиқаётган бир булоққа ўхшатдим. Токи ўзбеклигимиз, ўзлигимиз барқарор экан, бу булоқнинг, бу шифобахш булоқнинг кўзи ҳеч қачон беркилмайди.

Майор Шерзод АЛИЕВ.

БИР-БИРИМИЗГА ҒАМХЎР БЎЛАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аммо ўзгалар кўмагига ҳаддан ташқари суяниш ҳам ярамайди. Ўтмаслашиб қоласиз, яъни бу идрокингиз дарахтига ўз қўлингиз билан болта ургандай гап. Сиз даставвал барча муаммоларингиз ечимини ўзлигингиздан сўранг. Ахтаринг, топинг. Сўрашни ўрганинг. Ўзингизни назорат қила билиш ахлоқий фазилат саналади. Зеро, ижтимоий ҳимоянинг туб моҳияти ҳар бир инсон ўзини қандай бошқаришига боғлиқдир. Ҳаёт дийдаси қаттиқ устозга ўхшайди. Ўзининг асов денгиз тўлқинларига бизларни итариб юборади. Шартини қаранг-ки, чўкиб кетиш мумкин эмас! Шу денгиздан омон-эсон сузиб чиққан одамгина ҳаёт талабларини тўлиқ бажара олади. Яшашнинг қулай имкониятларига эга бўлади. Қизиқарли ва мароқли ҳаёт кечиришни ўрганади. Синчиклаб қаралса, бу ўринда, ҳаётнинг қандайдир кўринмас ришталари бир-бири ила узвий боғланган. Кўриниб турибдики, биз ҳаёт қонуниятларига юзаки қаролмаймиз. Агар жиддий эътибор бермасак, ҳаракатдаги жамият ҳалқасидан узилиб қолишимиз тайин. Бунинг натижаси эса нохуш вазиятларга олиб келади.

Демак, ҳаёт синовларини мардонавор енгиб ўтиш учун одам меҳнаткаш, иродали, сабр-қаноатли, онгли бўлиши керак. Дейлик, сиз ўзингизнинг муаммоларингиз учун елиб-югурасиз, уларни бартараф қиласиз. Қисқаси, ўзингиз учун яхшилик қиласиз гўё. Лекин сиз билмайсизки, ўзгалар учун ҳам яхшилик қилганингизни. Ахир, сиз шу жамиятнинг бир бўлагисиз-ку!

Қаранг-а, Ер ўз ўқи атрофида айлангани каби одамлар орасидаги муносабатлар ҳам бир-бирига таъсир кўрсатади. Бир яхшилигингиз ўзингизга ўн баробар бўлиб қайтиб келади.

Худди шу фикримизнинг тасдиғи сифатида яқинда бўлиб ўтган воқеани эътиборингизга ҳавола этмоқчиман.

Солиҳ ака Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига сафар этмоқни кўнгилга тугиб йўлга тушди. Лекин Қамчиқ довонига келганда бир воқеанинг устидан чиқди. Йўлнинг чеккасида «Жигули» машинаси тўхтаб турар, ҳайдовчи эса ўтган-кетган машиналарга қўл кўтарар, лекин аксига олиб ҳеч ким тўхтамас, бу биродаримиз нега тўхтаб қолди, балки бирор ёрдам керакдир, – деб ҳам қизиқмас эди…

Доим бировларга ёрдам берадиган, ҳожатбарор инсон бўлгани учун ҳам Солиҳ ака бефарқ ўтиб кета олмади. Йигит ундан икки литр бензинни олиб йўлга отланди. Шу тобда машинада икки нафар ёш бола ҳам бор экан, ишқилиб совқотмасин-да, тезроқ манзилига етсин-да, дея дуо қилди. Йигит жудаям шошилиб турган эканми, машинасини катта тезликда ҳайдаб, кўздан ғойиб бўлди.

Солиҳ ака эса қилган ишидан мамнун бўлиб оила аъзолари билан биргаликда пойтахт дўконларини айланиб, керакли нарсаларни харид қилди. Ва яна бироз бензин ғамлаб олиш ниятида эрталаб ёқилғи қуйиш шаҳобчасига келиб 20 литр бензинга пул узатди. Шу пайт ўрта яшар бир одам (балки бошлиғи бўлса керак) келиб, «дарҳол пулларни қайтариб беринг-да, бензинни тўлдириб қуйинг», деди. Ажабланган Солиҳ ака сабабини сўрай бошлабди. «Мен эрталаб ният қилганман», деб жавоб берибди ҳалиги одам. Қаҳрамонимиз яна сўрабди:

– Биласизми, ахир менга жуда ноқулай, сабабини билгим келаяпти.

– Кеча укам довонда қолиб кетишига сал қолибди. Боласининг ҳам мазаси йўқ экан. Яхшиямки, бир одам унга ёрдам берибди. Шунинг учун бугун кимки биринчи бўлиб келса, ўшандан пул олмайман, деб ният қилгандим, мана биринчи бўлиб сиз келдингиз, – дебди ҳалиги одам.

– Укангиз кўк «Жигули»да эдими, машинанинг ичида икки нафар бола ҳам бор эди-я?! – деб сўрабди Солиҳ ака.

– Ҳа, – дея жавоб берибди ҳалиги одам ажабланганча.

– Биласизми, ўша одам мен бўламан. Укангиз шошилиб кетганига ҳайрон бўлиб қолган эдим. Бежиз эмас экан…

Қайтар дунёнинг қайтарлигини кўринг! Яратганнинг адолатини қаранг! Ҳақиқатнинг гўзаллигини томоша қилинг! Хулоса чиқаринг, ибрат олинг, азизларим! Сўз билан ифода этиб бўлмайдиган илоҳий ҳолат олдида бош эгсанг, арзийди!

Баъзан ҳуда-беҳуда нолиётган кимсаларнинг ҳасратини эшитиб қоламан. Тўғри, ҳар бир оиланинг шахсий муаммолари бор. Лекин ҳадеб нолиш, ҳасрат қилиш инсон руҳини ўлдирувчи жаллод кабидир. Аксинча, бунинг ўрнига қандай қилиб мураккаб вазиятдан чиқиб кетиш йўлини изламоқ керак. Зотан, маънавий баркамолликка эришмоқ барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланади. Ахир, биз одам бўлиб туғилганимизнинг ўзи буюк инъом эмасми?! Демак, инсон бўлиб яралганлигимизнинг ўзи катта бахт экан, бунинг қадрига етмоғимиз жуда муҳим. Яқинда дугонам ажойиб бир ҳикоя айтиб берди: «Зангиота» маршрути йўналиши бўйича «Отчопар» бозоригача таксига ўтирдим. Ёнимдаги ҳамроҳим нотаниш аёл киши эди. Лекин у менга негадир тез-тез кулимсираб қараб қўярди. Мен эса ҳижолат бўлардим. Ниҳоят, манзилга ҳам етиб келдик. Бирдан ҳалиги аёл шартта қўлимдан ушлаб: «Илтимос, бугун ўғлим ва келиним учун сарпо харид қилгани бозорга келувдим, шу икки ёшни бахти учун бир дуо қилинг», деди. Ҳайрон қолдим. Шошилиб турибман. Ўйлаб ўтиришга вақт йўқ. Билганимча дуо қилдим. Ва ўзимни ғалати ҳис қилдим. «Нима, мен кайвониманми ёки кўзига шунақа кўриндимикин-а?» ўйладим ичимда.

Турли ўй-хаёллар қуршовида уйга қандай етиб келганимни билмай қолибман, қизиқ. Нега айнан мен дуо қилишим керак эди. Мен…мен ахир ҳеч ким бўлмасам. Ҳатто давраларга қўшилишга ҳам истиҳола қилсам? Жамиятга қандай нафим тегаяпти, ўзи? …Билмайман, билолмайман.

– Биласанми, дугонажон – дедим оҳиста унга, – сен ҳеч ўзинг ҳақингда ўйлаб кўрганмисан? Мен бошқалар тасаввурида қандай қиёфага эга эканман-а, деб фикр юритганмисан? Йўқ. Чунки сен бундай қилолмайсан. Бундай ҳолат сенга эриш туюлади. Аммо сен ўзгалар назарида камтарин, софдил, росткўй, бегараз, меҳрибон инсонсан. Сен ҳеч қачон бировларга мусибатни раво кўрмайсан. Ҳасад нима эканлигини билмайсан. Бировларни бир-бирига қарши қўйиб, жанжал ҳам чиқармайсан. Аксинча, уришиб қолган одамларни яраштирасан, билмай қилган хатоларини ётиғи билан тушунтирасан. Ўзгалар омонатини – дил розини сақлай оласан. Чақимчилик, бузғунчилик, ғийбатчилик сенга тамоман бегона. Сен бундай иллатлардан нафратланасан. Сен жуда ажойиб фазилатларга эга маънавий жиҳатдан соғлом ва бадавлатсан! Оллоҳ бундай бандаларини хуш кўради. Шунинг учун ҳам ўша аёл юрагига қулоқ солиб тўғри қилган. Чунки сенинг мана шу гўзал хислатларинг юзингда, ташқи кўринишингда ўз ифодасини топган. «Яхшиликни чеҳраси очиқ одамлардан кутинг» дейилган муқаддас ҳадисларимизда. Зеро, сен шундай мукофотга лойиқсан. Дуоларинг мустажоб бўлиши ҳам, шубҳасиз, – дедим.

Унинг нурли чеҳраси янаям ёришиб кетди-да, «беҳисоб шукр», деб жилмайиб қўйди…

Ҳа, азизларим! Зеро, ҳар бир хайрли, эзгу ишларни бошлашдан олдин унинг баробарини, баракасини сўраш ота-боболаримиздан мерос фазилатлардир. Ўшандагина иймон-эътиқодимиз бут, руҳан тетик бўламиз. Бундай одат албатта жамият учун ғоятда манфаатлидир. Лекин орамизда гоҳо вақтинчалик бойлигини кўз-кўз қилиб келаётганлар, теварак-атрофидагиларга беписандлик, кибр билан қарайдиганлар ҳам учраб туради. Уларга нима ҳам дердим. Ўзларига инсоф берсин. Бу синов дунёсида ҳар қандай мол-дунёнинг сарҳисоби бор. Ундан унумли фойдаланмоқ зарур. Исроф деган нарса бор. Унинг заволидан қўрқиш ва қочиш керак. Ҳа, ишқилиб «инсонийлик сабоқлари»га кечикмасак бўлгани.

Раҳматлик падари бузрукворимиз (Эрмат Саркор дер эдилар) ниҳоятда хокисор, камтар, камсуқум, вазмин, маҳаллада обрўлари баланд эди. Ёлғонни ёмон кўрардилар, қизиғи, ёлғон гапирилаётганини дарҳол сезиб қолардилар. Доим ёлғон – барча фалокатларнинг бошланиши, дейишарди. Кўп гапирган одамни ҳам ёқтирмасдилар. «Ҳамма нарсанинг ўлчови бор, ҳисоб-китоби бор, маънили сўзламоқни одат қилинглар», деб бизларга такрор-такрор уқтирганлари ҳамон ёдимда…

Вафотларидан салгина олдин таниш раисдан бири отамни кўргани келди. Ва у бир жойда фалончи ака хўп ажойиб, беназир инсон-у, лекин уй-жойини таъмирлай олмаган экан-да, деб кистириб ўтибдилар. Бу гапни эшитган отам бошларини сарак-сарак қилиб: «Мен фарзандларимни имкон қадар ўқитдим. Ризқи-насибали бўлишига сабабчи бўлдим. Бу шоҳона уй қуришдан ҳам афзал иш эмасми? Улар энди умрлик ризққа эга бўлдилар, муҳими илм ўрганди, ҳақ ва ноҳақни ажрата билади. Уй эса барчамиздан қоладиган матоҳдай гап. Уни таъмирлаш, таъмирламаслик ҳам аҳамиятсиз», деган эдилар…

Ҳа, дўстлар! Қалбимиз иморатига ҳар қанча сайқал берса озлик қилади. Чунки у мангуликка дахлдордир. Зеро, қалбнинг софлиги, кўнгилнинг тўғрилиги инсонни янада тўғриликка, тўкинликка бошлайверади. Мисол учун: тўғри, кенг, равон йўлдан кетаётган одам адашмайди. Лекин эгри йўлдан кетаётган албатта қоқилади, манзилини адаштириб қўяди. Шунинг учун биз баъзан арзимас деб ўйлаган хатолар кейинчалик эътиборсизлик натижасида «болалаб» кетиши мумкин. Нотўғри йўлларни касб қилиб олган қалб кўзи кўр кишилар юқумли касалликка ўхшаб, зарарли вирусини бошқаларга тез тарқатади. Чунки уларда (вақтинчалик бўлса-да) ишонтириш қобилияти кучли бўлади. Аммо улар ўзи сезмаган ҳолда бора-бора ўзини ўз қобиғида алдаб, йўқ қилиб юборади. Яъни ўзининг ёлғонларига ўзи ишона бошлайди. Алал-оқибат тақдирнинг аёвсиз зарбаларига дуч келади.

Қадрдонларим! Ҳар қандай шароитда ҳам (соғмисиз, касалмисиз) кўнгил кўзингизни каттароқ очинг. Кўз олдингизни туман қоплаган тақдирда ҳам узоқни кўра билинг. Ахир, биз мангулик сари умидвор кетаётган йўловчиларимиз. (Табиатнинг қайсар қонунини унутманг. Борди-ю, унутсангиз ўзингизни ҳам унута бошлабсиз.) Шак-шубҳасиз, гўзал инсоний сифатларимизни намоён этамиз. Бир-биримизга меҳр-оқибатли, мурувватли бўлиб, оғир-енгил кунларда далда бўламиз. Бир вақтлар етмиш ёшлар атрофидаги мункиллаган кампир бир қизалоқнинг тасаллиси туфайли кун бўйи қилиниши керак бўлган оғир уй юмушларини бирпасда бажаришга улгурган экан. Ҳадиси шарифларда: «Яхши сўз ҳам садақадир», дейилган. Бунга эса ҳалиги қизалоқнинг кўрсатган инсоний фазилати мисол бўла олади.

Ҳа, кўзимиз нурларини ҳою ҳавасларга йўлламай, кўнглимизни бутун қилиб, саховат эшигимизни ланг очганимиз савобига нима етсин?!

Каромат ДЎСМАТОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Хотин-қизлар қўмитасида

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий оилаларга қаратилаётган катта эътибор бугун ўз эътирофига эга. Ҳарбий округлар тарбиявий ишлар бошқармалари таркибида ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмалари ташкил этилиб, уларнинг фаолияти тобора жонланаётгани фикримиз далилидир. Бу вазифага масъул бўлган хизматчилар ўз навбатида ҳарбий оилаларнинг ишончли вакилларидир. Илгари жамоатчилик асосида иш олиб борган хотин-қизлар қўмиталари ва кенгашларига айни дамда кенг имкониятлар яратилган.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи тасарруфидаги ҳарбий қисм ва муассасалар ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиқлари – хотин-қизлар кенгаши раислари иштирокида ўтказилган услубий ўқув-йиғинни мана шу имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳамда ҳар бир оила билан муқим алоқа боғлаб, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила-аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалаларига қаратилди.

Ўқув йиғинида дастлаб сўз олган Мудофаа вазирлиги ҳарбий оилалар билан ишлаш бўлими бошлиғи – хотин-қизлар қўмитаси раиси Ойниса Нодирова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу Фармоннинг ижросини таъминлаш борасидаги Қарорига тўхталиб ўтди. Қисм хотин-қизлар кенгашлари олдида турган долзарб вазифалар юзасидан сўз юритиб, ечимини кутаётган масалаларга алоҳида урғу бериб ўтди.

Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси Инобат Каримованинг хотин-қизлар қўмитаси иш фаолиятини ташкил этиш борасидаги маърузасини йиғин иштирокчилари диққат билан тингладилар. Шунингдек, у қисмларда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаларининг ташкил этилиши вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан ҳарбий жамоалар ўртасида алоқаларни янада мустаҳкамлаганини таъкидлади.

– Ота-она қайси касб эгаси бўлмасин, у аввало педагог, тарбиячидир, – деди ўқув йиғинида сўз олган Қарши давлат университети бошланғич таълим кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди профессор Талъатхон Ғаффарова. – Ўзбек хонадонларида уч бўғин авлод бирга яшайди. Шунинг учун бизда оиланинг қадри баланд. Уни асраш борасида ўзлигимизга хос мустаҳкам эътиқод мавжуд. Буни қадрлаш лозим.

Тажрибали ўқитувчининг оилавий муносабатлар маданияти, тушунчаси, моҳияти, вазифалари ва унинг илмий-назарий таҳлилига бағишланган таъсирли мисоллар асосидаги нутқи йиғин қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Психология фанлари номзоди Мавлуда Файзиева ҳам оила психологияси бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Ҳарбий қисм хотин-қизлар кенгаши раисларининг ўзаро тажриба алмашишлари учун бундай ўқув йиғинларининг ўрни катта. Йиғинда округ сержантлар тайёрлаш мактаби хотин-қизлар кенгаши раиси кичик сержант Муқаддас Холмуҳамедова ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича амалга оширилган вазифаларга тўхталиб, тажриба алмашиш борасида ўз фикрларини билдирди.

Сир эмаски, кенгаш раисларининг асосий вазифаларидан бири ҳарбий оилаларга тиббий хизмат кўрсатиш борасида маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилиб, оналар ва болаларнинг ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтишларини таъминлашдир. Яъни уларнинг тиббиёт марказлари билан доимий алоқалари мавжуд. Шу сабабли ўқув йиғинида вилоят репродуктив саломатликни сақлаш ҳамда она ва бола скрининг маркази шифокорлари ҳам иштирок этишди. Ушбу марказнинг бош шифокори Зиёда Обияқуловнинг «Оилада соғлом турмуш тарзини вужудга келтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари» деб номланган маърузаси эътибор билан тингланди. Йиғин иштирокчилари ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишди.

Бизнинг ҳақ-ҳуқуқларимиз шубҳасизки қонун билан ҳимояланган. Округ ҳарбий прокуратураси ходими адлия подполковниги Ғайрат Темиров оилада ҳуқуқий муҳитни шакллантириш ва пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш бўйича мулоҳазалари билан йиғинда иштирок этди.

Округ тарбиявий ишлар бошқармаси бошлиғининг ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича ёрдамчиси – хотин-қизлар қўмитаси раиси Тамара Маманова йиғин иштирокчиларига иш фаолиятини режалаштириш услуби бўйича бир қатор тавсиялар бериб ўтди. Жойлардаги кенгаш раисларининг фаолиятига алоҳида тўхталиб мулоҳазалар билдирди.

Икки кун давом этган ўқув йиғинида кўтарилган ҳар бир масала, маърузачиларнинг долзарб муаммоларга қаратилган фикрлари, савол-жавоблар билан мустаҳкамланиб борди. Йиғин сўнггида Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Шуҳрат Ҳолмуҳамедов ҳарбий оилалар билан ишлашга масъул бўлган хотин-қизлар кенгаши раислари олдига қатор топшириқлар қўйди.

Зулфия ЮНУСОВА.

ЭЗГУ ИШЛАР АМАЛДА БЎЛСИН

Ҳарбий қисм ва муассасаларда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик тарбиясини янада такомиллаштириш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Шарқий ҳарбий округ тарбиявий ишлар бошқармаси ҳамда хотин-қизлар кенгашининг ҳарбий оилалар ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг саломатлиги ва яшаш шароитларини янада яхшилаш борасидаги ишлари ҳам диққатга сазовордир.

Биз ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб, ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи, хотин-қизлар кенгаши раиси Қуролли Кучлар хизматчиси Омина Дўсматова билан амалга оширилган эзгу ишлар ва келгусидаги режалари ҳақида суҳбатлашдик.

– Ўтган йил сизнинг бўлинмангиз томонидан қандай ишлар амалга оширилди?

– «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан 2006 йил давомида ҳарбий қисмлар ва шаҳарчаларда вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Нуроний» ва «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармалари вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, барча тоифадаги аёллар ўртасида тиббий маданиятини янада ошириш мақсадида «Соғлом турмуш тарзи» шиори остида семинарлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказдик. Барча тадбирларимиз кўргазмали қуроллар, видеолавҳалар орқали ҳам назарий, ҳам амалий равишда олиб борилди. Жумладан, яқинда «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси кўмагида ёш болаларни профилактик текширувдан ўтказдик. Айрим аёлларимизда аниқланган камқонлик, болалардаги бўқоқ касаллигини даволаш мақсадида, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди ва бепул дори-дармон тарқатилди.

Ҳарбий шаҳарчаларда яшайдиган ҳарбий хизматчилар оилаларининг кўпчилигини ёш аёллар ташкил қилади. Улар мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келишган бўлиб, қайнона ва оналаридан узоқда, ҳали ҳарбий турмуш тарзига унча мослашмаганликларини инобатга олган ҳолда, яхши қўшничилик, оила одоби, болалар тарбияси, муомала маданияти, эр-хотин муносабати каби мавзуларда ҳар хил семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиб боряпмиз ва уларга керакли йўриқларни беряпмиз. Вилоят «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда ҳар икки ҳафтада «Ҳарбий этика ва эстетика» бўйича ўқув машғулотлари ташкиллаштирганмиз. Унда офицерлар, сержантлар, аскарлар, ҳарбий шаҳарчада яшаётган оилалар ва уларнинг фарзандлари иштирок этади. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари қатнайдиган боғча, мактаблар билан ҳам алоқани мустаҳкамлаб, доимий ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. У ерларда ҳар хил тўгараклар ташкил қилганмиз. Бу ўз ижобий самарасини бермоқда. Ҳарбий шаҳарчанинг ўзида ҳам бир қатор тўгараклар ишлаб турибди. Компьютер ва спорт хоналари ташкил қилганмиз.

– Ҳарбий қисмда давлат ва жамоат ташкилотлари билан қандай алоқалар йўлга қўйилган, улар билан қанақа тадбирлар ўтказилмоқда?

– Давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда ҳарбий хизматчиларни, уларнинг оила аъзоларини, аскарларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида турли тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари олиб бораяпмиз. Жумладан, уруш ва меҳнат фахрийлари билан «Мардлар қўриқлайди, Ватанни» шиори остида учрашув ўтказдик. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда «Заковат» интеллектуал танловини ташкиллаштирдик. Унда ҳарбий қисм шахсий таркиби иштирок этиб, тарихий, ҳуқуқий, мустақиллик ва ҳарбий соҳа, маънавий-маърифий мавзулар бўйича билим ва иқтидорларини намоён қилишди. Биринчи ўринни офицер Азиз Равшанов взводи эгаллади. Шунингдек, яқинда округ миқёсида ўтказилган «Намунали оила» кўрик танловида ҳам ҳарбий қисмимизда хизмат қилаётган ҳарбийларнинг оилалари фаол иштирок этишди. Фахрли биринчи ўринни қисмимиз офицери Отабек Нафитдиновнинг оиласи қўлга киритди.

– Ижтимоий ҳимоя йилидаги режаларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

– Ижтимоий ҳимоя йилида бир қанча эзгу ишларни амалга оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг яшаш шароитларини янада яхшилаш, фарзандларини боғча ва мактабларга тўлиқ жойлаш, аёлларини иш билан таъминлаш биринчи галдаги вазифаларимиздан биридир.

Аҳрор ОЧИЛОВ суҳбатлашди.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

«ПРОРОКИ ЗАЗЕРКАЛЬЯ» – СЛУЧАЙНОСТЬ ИЛИ ЗАКОНОМЕРНОСТЬ?

ИДЕОЛОГИЯ ТЕРРОРИЗМА

(Окончание.
Начало в предыдущих номерах).

Беседуя с одним из теоретиков регионального отделения партии, я услышал то, что уже читал в тексте листовки, озаглавленной: «Дайте ответ призывающим к власти Аллаха», датированной мартом 1999 года (текст с моим курсивом):

«Среди вас пророчество существует столько, сколько пожелает Аллах. После, когда пожелает, Аллах уберет его с земли.

После пророчества его преемником станет халифат. Он тоже просуществует определенное Аллахом время. После, когда пожелает, Аллах уберет его с земли.

После будет жестокое царство. Оно тоже продлится столько времени, сколько пожелает Аллах. После, когда пожелает, Аллах уберет его с земли.

После будет царство насилия и гонений. Оно тоже просуществует столько, сколько пожелает Аллах. После, когда пожелает, Аллах уберет его с земли.

После пророчества (! – **авт.**) его преемником станет халифат».

На мой вопрос, чья очередная и последняя «пророческая миссия» подразумевается после «жестокого царствования» и «царствования насилия и гонений» в новейшей истории, мой собеседник ответил: «Их (кандидатов – **прим.А.Г.**) несколько. Аллах сам выберет лучшего».

На мое уточнение, что Аллах, согласно Корану, уже определил своего посланника Мухаммада последним Пророком в череде тех, кто был до него, собеседник, «не моргнув глазом», ответил: «Неисчерпаема воля и выбор Аллаха. Он подскажет людям имя их халифа. А станут ли мусульмане считать его посланцем Аллаха, покажет деятельность халифа на поприще служения Ему. В свою очередь Он...»

Далее зазвучала традиционно-утомительная хизбуттахрировская риторика. Она уводила от простого вывода – Пророк при жизни вряд ли вообще, если Заллум пытался в редакции Программы партии 1985 г. (газета «Новости Узбекистана» от 30 июня 2006 г.) представить Набхани новым посланцем Аллаха?

Будем исходить из простого факта наличия в мартовской листовке 1999 г. тезиса, позволяющего любому рядовому хизбуттовцу бурно фантазировать на тему о собственной исключительности, в результате которой его объявят халифом и... да и как знать, не посланцем ли?

И всего-то (согласно хизбуттовской концепции) требуется:

– быть мусульманином, ранее облеченным властью над определенной группой людей,

И НЕ ВАЖНО, ЧТО С ЕГО ВОЛЕИЗЛИЯНИЯМИ НЕ БУДУТ СОГЛАСНЫ СВЕТСКИЕ МУСУЛЬМАНЕ УЗБЕКИСТАНА, ВАЖНО, ЧТО ОН СТАНЕТ ХАЛИФОМ. ХАЛИФОМ ИЗ ЗАЗЕРКАЛЬЯ.

мог высказать (!) предположение, в котором после правления четырех халифов, далее периода жестокого царства, далее царства насилия и гонений должен был наступить период пророчества нового посланника Аллаха, т.е. преемника самого Пророка.

Опустим вопрос – кто в высшем эшелоне хизбуттахрировских идеологов допустил этот «ляп», и «ляп» ли это

– быть мужчиной,
– быть в здравом уме,
– быть совершеннолетним,
– быть справедливым и не быть нечестивым,
– быть не рабом, а свободным,
– быть способным нести бремя халифата.

Не правда ли, заманчивые условия. Главное, чтобы современный хизбуттахрировский выдвиженец в «посланники Аллаха» знал арабский язык и правильно понимал основоположения уммы. Вот уж тогда он возьмет флаг в руки и начнет возрождение исламского образа жизни, поднимая его до должного уровня и верша джихад. Правда, уже не на центральноазиатском, а на мировом уровне. И не важно, что с его волеизлияниями не будут согласны светские мусульмане Узбекистана, важно, что он станет халифом. Халифом из Зазеркалья. Какой будет жизнь людей в период его правления? Не хуже той, которую уготовили талибановцы мусульманам в период своего правления в Афганистане. Годы, именуемые самими мусульманами многострадальной страны «одним из самых мрачных периодов новейшей истории страны», в котором убийство человека камнями по религиозным мотивам не считалось уголовным преступлением. Главное, чтобы камень был соответствующего размера и формы.

И ничего, что инструкция, каким должен быть камень, не описана в Коране, не говоря уже о том, что это не оговорено и Пророком Мухаммадом в его достоверных хадисах. Ведь главное для современного мракобесия – чтобы были те, в кого можно кидать камни.

Айдын ГУДАРЗИ.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

«Птичий грипп» остановился

По последним данным Роспотребнадзора, новых случаев «птичьего гриппа» не зарегистрировано как в Московской области, так и по России в целом. Об этом говорится в сообщении ведомства, передает Интерфакс. Проведение противоэпидемических и противоэпизоотологических мероприятий находится на постоянном контроле Роспотребнадзора.

Такая демократия не подходит

Лидер ливийской революции Муамар Каддафи считает, что модель западной демократии не подходит для африканских стран. Об этом он заявил, выступая накануне в городе Себха, расположенном в 600 км к юго-востоку от Триполи, на торжественном мероприятии, приуроченном к 30-й годовщине установления в Ливии власти народа.

Столкновение электрички с трейлером

Крупная авария произошла в японском городе Михоро. Электричка, состоящая всего из одного вагона, врезалась в 11-тонный трейлер и сошла с рельсов. По уточненным данным, при столкновении на северном японском острове Хоккайдо пострадали 51 человек. Ранее МЧС Японии сообщало о 39 пострадавших.

Задержан подозреваемый

Подозреваемый в убийстве четырех французов арестован в Саудовской Аравии. Об этом сообщает РИА Новости, ссылаясь на местные СМИ. Арест произведен в одном из домов в 30 километрах от места преступления. У задержанного обнаружены автомат, винтовка и патроны, сейчас его допрашивают следователи.

Новый антивоенный план

Представители Демократической партии в Конгрессе США готовят антивоенное предложение, направленное на ускорение вывода американских войск из Ирака. Демократы хотят обеспечить необходимое финансирование армии, но при этом заставить президента страны признать, что на военных в Ираке лежит слишком большая нагрузка, сообщает АР.

Беспорядки после полицейской операции

В столице Дании вспыхнули беспорядки после начала широкомасштабной полицейской операции по принудительному выселению обитателей так называемого Молодежного дома, передает ИТАР–ТАСС. В районе дома и других районах Копенгагена сторонники выселенных сооружают баррикады из мусорных контейнеров и строительных блоков. Они бросают камни в стражей порядка.

Авария на шахте

На шахте №12 в городе Киселевске Кемеровской области произошла авария. Один человек погиб, десять госпитализированы, в том числе двое в тяжелом состоянии, передает Интерфакс со ссылкой на пресс-службу областной администрации.



Намерены снять запрет

Правительство Великобритании намекнуло, что позволит британским ученым создавать гибридные эмбрионы человека для разработки методов лечения, которые в будущем могут послужить спасению жизни. Министр здравоохранения Керолайн Флинт рассматривает возможность исключить запрет на подобные исследования из законопроекта, который послужит основой для новых законов об исследованиях в области воспроизводства и эмбриологии человека.

(www.NEWSru.com).

ЯШАШНИНГ ЎЗИ БАХТ

Рихсивой Аббосхонов навқирон ёшида заҳмат чекиб эришган меҳнатлари мевасини кўриш бахтига мушарраф бўлганида, кўнглидан нималар кечди экан? Ҳали ўттизни қораламай «Жасорат» медали соҳиби бўлиш осонми? Ўн уч йилдан буён игна билан қудуқ қазигандек ўз соҳасининг сир-асрорларини ўрганиб бораётган Рихсивой Республика кўзи ожизлар босмахонасида брайл усулида ҳарф терувчи бўлиб ишлашни ва ана шу касби орқали эл-юрт эътиборига тушишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Тошкентдаги 23-мактабнинг 7-синфида ўқиб юрган кезларида тақдир зарбаси унинг орзуларига парда тортди. Бўйбасти келишган, новча ва қотмагина йигитчанинг бир кунда кўзи ожиз бўлиб қолди. У ҳамма соғлом болалар қатори кечагина чопқиллаб юрганиданми, ўзини қўйишга жой топа олмасди. Шундай оғир кунларда меҳрибонлари – ота-онаси, ака-опалари суянчиқ бўлишди. Рихсивойнинг кўнглида умид учқунлади. Бахтсиз тасодиф туфайли бир кунда кўриш бахтидан мосуво бўлган ўсмирни Москвадаги энг катта клиникаларда даволатишди, хориждан келган мутахассисларга кўрсатишди. Гарчи даволаш курслари унинг кўз нурини батамом тикламаса-да, юрагидаги умид сира сўнмади.

– Мен оилада еттинчи фарзандман. Кенжалигим боис ака-опаларим қаерга боришса, мени бирга олиб кетишарди. Ҳозир ҳам маънан суяшади. Уларнинг бири қурувчи, бири тикувчи, ошпаз ва электроника соҳасининг билимдонлари бўлиб етишишган. Уларга эргашиб, кичкиналигимданоқ бу касб-ҳунарларни баҳоли қудрат тушуниб қолганман. Болаликданоқ ҳар соҳадан бир шингил ўзлаштирдим. Ака-опаларим ёрдамида турли касблар ҳақида тассаввур ҳосил қилиб олганимда ва орзулар оғушида юрган кезларимда бахтсиз тасодиф руҳимни чўктириб қўйди. Савдо ходими бўлиб юртма-юрт кезишни, худди қадимда савдогарлар карвон-карвон туя етаклаб тараққий этган мамлакатларни кезганидек тасаввуримда турнақатор «КамАЗ»-ларни бошқариб, юрт кезиб халқимиз эҳтиёжига ярайдиган молларни олиб қайтишни орзу қилардим.

Менинг бу орзуларим ушалмай қолган бўлса-да, ҳозирги мутахассислигим ортидан қанчалаб кўзи ожиз юртдошларимга нафим тегаётганидан қувонаман. Менга ҳукуматимиз томонидан меҳнатларим учун «Жасорат» медали берилди, Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги муносабати билан уни тақдим этишаётганида ич-ичимдан тўлқинланиб кетдим. Демак, мен ҳам бу она заминга керак эканман.

Халқимнинг ишончини оқлашим менинг ногиронлигимни унутишимда, янада руҳланиб меҳнат қилишимда ёрдам беради. Бу мукофот мени мардона яшашга даъват этади. Ватан тараққиёти учун астойдил меҳнат қилаётган, ўз манфаатидан умумманфаатини устун қўядиган ҳар бир инсон ана шундай эътиборга сазовор бўлишига ишонаман.

2002 йилда босмахонамизнинг молиявий аҳволи танглашиб, банкрот ҳолатига келди. Ёпилиш арафасида турганида, мен ёш ишчига ғойибдан куч келдими, нима қилиб бўлмасин, босмахонани тиклаш нияти туғилди. Ўшанда оддий ишчи эдим, босмахонадаги овоз ёзиш студиясига ишга киранимиз билан мутахассис йўқлиги сабабли ҳарф теришни ўрганиб ишлаётганимда корхона ёпилиши руҳиятимга таъсир қилди. Бу орада юридик коллежни битирдим. Вазирликмавазирлик чопишдан чўчимай, босмахонани оёққа турғазишга бел боғлаганим кўпчиликка ёқмади, аммо ўзимга бўлган ишонч мени олға ундади. Босмахонанинг молиявий аҳволи ўнгланишида керакли ёрдамни олишга эришдик ва ишларимиз изга тушиб кетди. Ҳозир зарур қўлланмалар, дарсликлар чиқараяпмиз. Ишхонани сақлаб қолганимиздан кейин ҳомийлар ёрдамида корхонанинг дебиторлик қарзларидан қутулдик. Юридик коллежда ўқиганим ҳужжатлаштириш ишларида қўл келди. Кўзи ожизларнинг ижтимоий ҳимояланиши, молиялаштириш масалаларини мустаҳкамлаш борасидаги уқувим ҳам менга кўп асқотди. Республикада ягона ҳисобланган корхонамизни сақлаб қолиш вилоятдаги ҳамкорларимиздан кўра кўпроқ пойтахтдаги ишчиларимиз учун ўнғайроқ эди, чунки транспорт масаласи муаммо эмас. Босмахонани сақлаб қолишга эришгач, касбимга меҳрим янада ортди. Ишимнинг ҳақиқий мутахассисига айландим. Тераётган қўлланмалар-у, бадиий адабиётларни истасам-истамасам ўқиб беришим эса билимимни чархлаб, нутқимни бойитди. Жуда кўп эртаклар ўқирдим, шунгами, доим эзгулик енгишига ишонаман. Мактабда ўзлаштирмаган фаним бўлмаган. Ҳозир ҳам қадрдон мактабдошларим-у, синфдошларим билан дийдорлашиб, баҳслашиб тураман.

– Тенгдошларингиз, умуман ёшларимиз касб-ҳунар эгаллашни асосий мақсадлари деб билишадими? Нима деб ўйлайсиз, – сўрайман суҳбатдошимдан.

– Ҳар кимки ҳунар ўрганса, ўзининг келажагини таъминлайди, бировга муҳтожлик сезмайди. Маълумот олиб, уни амалиётда чархламаган ёки ўз соҳаси бошқа ёқда қолиб, бирор енгил ишнинг бошидан тутганларни оқламайман. Ахир, унга олий ўқув юртларида озмунча меҳнат сарфланганми? У ўз имкониятларини амалиётда етарли даражада намоён этолмаса, интилмаса, демак, кейинчалик ҳам ўртамиёна мутахассис бўлиб қолаверади.

Инсон аввало ўзига ишониши керак. Ишончсиз келажак пойдеворини мустаҳкамлаб бўлмайди, ахир. Мен ҳам бошида ҳарф терувчилик касбини эгаллашимни хаёлимга ҳам келтирмагандим. Ишончни оқлаш учун астойдил тер тўкдим, кўп ўтмай кутилган натижага эришдим. Ҳозир ҳатто, шогирдларим борлигидан мамнунман.

Рихсивой сингари олдига қўйган мақсад йўлида оғишмай, дадил, олға интилаётган ва эл корига яраётган жонфидо фарзандлар албатта халқимиз эъзозида, ардоғида бўлади.

Нигора ЖАЛОЛОВА.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ТАЛАБАЛАР САФИДА

Тошкент автомобиль йўллари институтида ҳарбий хизматдан Тавсиянома билан қайтиб, айни кунларда талаба деган юксак номга сазовор бўлган ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида институтнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Дагар Расулов сўзга чиқиб, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг таълим олишлари, ўз билимларини, иқтидорларини намойиш этишлари учун кенг имкониятлар яратилаётганлиги ҳақида гапирди. Шундан сўнг ўқишда ва жамоат ишларида фаол бўлган, резервга бўшатилган аскар йигитларга институт раҳбарияти томонидан пул мукофотлари топширилди.

– Ҳарбий хизматни ўтаб келган йигитлар ўзларининг мулоҳазалилиги ва барча ташкилий ишларда фаолликлари билан ажралиб туради, – дейди Дагар Расулов.- Шуни ҳисобга олиб ўтган йили институтимизда улар учун махсус кенгаш тузилди. Бу кенгашга ўн тўрт нафар талаба аъзо бўлиб, ҳар бирининг йигирма нафардан талабалари бор. Уларнинг асосий вазифалари ўз қўл остидаги собиқ аскарлар – талабаларининг ўқишларини назорат қилиш, уларга йўл-йўриқлар беришдир. Тушунарлироқ қилиб айтадиган бўлсак, талабалар шу орқали ўз-ўзларини бошқаради. Доимий назоратда бўлган талаба эса иложи борича яхшироқ ўқишга ҳаракат қилади, бошқаларга ўрнак бўлади. Шунингдек, бу талабаларнинг армиямиз сафларида хизмат қилаётган вақтларида билим даргоҳларидан узилиш бўлганини ҳисобга олиб, махсус қўшимча дарслар ташкил қилинган. Бу дарсларда амалий машғулотлар орқали ўзлаштириш қийин бўлган фанлар чуқур ўргатилади. Ҳозирча натижалар ёмон эмас. Бизнинг мақсадимиз, ушбу талабаларнинг билимларини юқори даражага кўтариш, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш орқали Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилувчи фидойи ёш кадрларни етказиб беришдир.

– Талаба деган номга сазовор бўлиб, устозларимдан илк таҳсилни ола бошлаганимда, ҳарбий хизматнинг биринчи кунида кўнглимдан кечган ҳаяжонли дақиқаларни беихтиёр эсга олгандим, – дейди Воҳид Ўроқов. – Ҳа, ўшанда ҳам осон бўлмаган эди. Билдимки, ўқиш ҳам мен ўйлаганчалик осон эмас экан. Лекин мен бу қийинчиликлардан чўчиётганим йўқ. Чунки армия мени ҳар қандай синовларга тайёр туришга, уларни сабр-тоқат билан енгиб ўтишга ўргатди.

Дилмурод Маннопов ҳам айни дамда институтнинг фаол талабаларидан. Унинг тиришқоқлиги ва билимга чанқоқлиги тезда устозларнинг эътиборига тушди. Биз Дилмуроддан аскарлик хизматидан олган таассуротлари ҳақида сўраганимизда у ўз фикрини қуйидагича баён этди:

– Ҳарбий хизматни ўтаётган йигитлар билан суҳбатлашсангиз она-юртимиз – Ўзбекистон келажаги учун ёниб яшашга, жавлон уришга ундаётган кучни сезасиз. Шу билан бирга Ватанимиз тинчлигини сақлашдек муқаддас вазифани шараф билан уддалаш масъулияти уларнинг қалбларидан жой олганига амин бўласиз. Мен нега бу ҳақда ўйлаяпман? Чунки бу туйғулар менга жуда таниш. Ўзим ҳам кечагина Қуролли Кучларимиз аскари эдим. Ҳарбий хизмат менга кўп нарсани ўргатди. Ота-она қадри, соғинчи, Ватан туйғуси нақадар улуғ эканлигини биринчи марта ҳарбий хизматда юрган кезларимда теран идрок этдим. Шундан сўнг ўз йигитлик бурчимни аъло даражада бажаришга, командирларимнинг буйруқларини бекаму кўст уддалашга астойдил киришдим. Армия мени ҳаётга теран назар билан қарашга, орзулар сари қатъият билан интилишга ўргатди, ўқишга бўлган иштиёқимни янада мустаҳкамлади. Мана ҳозирда институт талабасиман. Орзуим келажакда ўқишни муваффақиятли тамомлаб, етук мутахассис сифатида юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишдир.

Лола ҲОЖИМУРОДОВА.

КОЛЛЕЖДА УЧРАШУВ

Ўқувчи-ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Ватан ҳимоячилари билан учрашувнинг, бевосита мулоқотнинг аҳамияти катта. Шу боисдан ҳам жойларда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган ҳарбийлар билан учрашувларга катта эътибор берилмоқда. Яқинда Тошкент шаҳар, Сергели тумани мудофаа ишлари бўлими ташаббуси билан тумандаги Саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари учун «Миллий армиямиз – тинчлигимиз, осойишта ҳаётимизнинг ишончли қалқони» деган мавзуда учрашув бўлиб ўтди.

Ўқувчи-ёшлар билан учрашувда туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғининг ўринбосари офицер Эргаш Саппаров, истеъфодаги майор Жалолиддин Шамсиев, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Лочинбек Эргашев, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг 3-курс курсанти Жамшид Қўзиев, оддий аскар Авазхон Муродов, Қуролли Кучлар хизматчиси Ҳасан Мирсултонов ҳамда давлат ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирок этиб, ҳарбий соҳада муваффақиятли амалга оширилаётган ислоҳотлар, бу соҳанинг бугунги кунда сўзда эмас, амалда нуфузли касбга айланганлиги тўғрисида мароқ билан сўзлаб беришди.

Коллеж директори Мухтор Ходжаев учрашувдан сўнг шундай деди:

– Коллежимизда таълим-тарбия олишаётган ўқувчиларимиз орасида ўқишни тамомлагач, ҳарбий бўлишни хоҳловчилар жуда кўп. Бугунги учрашув уларнинг бу соҳага иштиёқини янада кучайтирди, деб ўйлайман. Ўқувчиларимиз ҳарбийларимизга ўзларини қизиқтирган кўплаб саволлар беришди ва жавобларни эшитиб, Ватан ҳимоячилари фаолияти тўғрисидаги тасаввурлари янада кенгайди.

Ўйлайманки, коллежимизни тамомлагач, кимдир курсант, кимдир аскар бўлар, кимдир эса шартнома бўйича хизмат қилар. Энг муҳими, бугунги учрашув, савол-жавоблар уларнинг бир умр хотираларида сақланиб қолади.

Бизнинг ҳам, тадбир ташкилотчиларининг ҳам аслида мақсадимиз шу.

Бунёд НУРМАТОВ.

ВООРУЖЕННЫЕ ДИСЦИПЛИНОЙ

Самому молодому проректору Ташкентского университета информационных технологий немногим более двадцати.

Именно так звучит официальное название должности председателя молодежной первичной организации ТУИТ после Второго Курултая Общественного движения молодежи «Камолот». А сам лидер наделен теперь более широкими полномочиями. В высшем образовательном учреждении не будет такой сферы, к которой бы не подключалась активная молодежь.

Руслан Султанов считает, что лидер складывается не только из прирожденных качеств вожака, но и умения впитывать положительный опыт других и совершенствовать его. Такой опыт собирается по крупицам от наставников, соратников по движению, интересных людей, с которыми сводит жизнь.

Султанов в университетском «Камолоте» с 2001 года. А после избрания в 2006-м – председателем первички он решил, что в своей работе непременно будет опираться на ребят, прошедших закалку в период прохождения срочной военной службы. Решение созрело вовсе не случайно. Будучи курсантом военной кафедры ТУИТ обратил внимание на подтянутых, серьезных парней, у которых слово никогда не расходилось с делом. Наблюдал, как прислушиваются остальные к их словам, насколько уважительно относятся к их советам.

Самым ярким впечатлением стал полигон. В редкие минуты отдыха слушал рассказы сокурсников об армии и укреплялся в мысли, что рассказчики – потенциальные активисты «Камолота».

Теперь председатель первичной организации университета удостоверился: те, у кого за плечами армия, не подведут. Они участники всех мероприятий, и не просто исполнители порученного, но и инициаторы новых дел. Почти с начала учебного года в вузе работает совет «Ватанпарвар», объединивший еще вчерашних воинов. Из них сформирована новая команда КВН «ДДД» («Довруги дунега достонлар»), которая уже обрела почитателей среди студентов ТУИТ. Благодаря им оживилась деятельность популярных у студенчества дебат-клубов, потому что за обсуждением актуальных вопросов современности стоит серьезный жизненный опыт. Для многих лидеров групп и факультетов служба стала школой жизни, и ее уроки они спешат передать своим сокурсникам.

Сам Руслан Султанов – отличник учебы. Он удостоен Государственной стипендии имени Беруни, лауреат конкурса «Келажак овози» в номинации «Информационные технологии», стипендиат фонда «Форум культуры и искусства Узбекистана». Не случайно считает, что такая почетная обязанность, как служба в рядах Вооруженных Сил, должна быть выполнена каждым мужчиной. Лично для него она началась на военной кафедре ТУИТ.

С Султановым в форме нам довелось повстречаться трижды: на празднике, посвященном Дню защитников Родины, и на полигоне – после наряда, и во время футбольного матча.

Вспоминаются подробности нашего незатейливого разговора:

– Ну, как? Особые впечатления есть?

– Главное чувство – ответственность. По большому счету тебе доверена жизнь товарищей. Ты весь внимание, обостряются слух и зрение, каждый шорох кажется подозрительным.

Учеба на военной кафедре добавила лидеру ОДМ серьезности. Отличающийся умением грамотно выражать свои мысли, он стал формулировать их более четко: «Лидер не может утверждать, что достиг совершенства, как бы успешно ни шла его работа. Его задача – каждый день открывать для себя что-то новое, стремиться к более высокой цели».

Руслан искренне верит, что прошедший Курултай значительно активизирует работу Общественного движения молодежи. Юноши и девушки не станут дожидаться, когда организацией их досуга займется массовик-затейник, а будут предлагать свои идеи, интересные, оригинальные, имеющие практическую ценность. Все мероприятия, проходящие в Ташкентском университете информационных технологий, камолотовцы, при поддержке руководства вуза, стремятся провести нестандартно, чтобы они запоминались и привлекали в ряды активистов, как можно больше студентов.

Международный день студентов, День государственного языка с приглашением писателя Уткура Хашимова, посещение детей с ограниченными возможностями, День Конституции Республики Узбекистан, беседы и рейды в Доме студентов, акции против наркомании и СПИДа, коллективные посещения музеев и театров, разнообразные спортивные состязания... Не «галочки», а пользы ради, чтобы остались годы учебы в университете самым насыщенным временем молодости, мобилизует свою энергию молодежь.

Ольга ВЛАДИМИРОВА.

ТАҲРИРИЯТИМИЗГА МАКТУБЛАР

СИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Жасур аскар! Қўлимга қалам олиб Сизга хат ёзишга киришаман. Ахир хизматдасиз. Уйингиздан, яқинларингиздан олисдасиз. Биламан, у ерда ёлғиз эмассиз. Хизматдош дўстлар, командирларингиз бор. Аммо барибир яқинлардан келган дилномалар бошқача. Сизнинг хатларингизни олиб шундай фикрга келганман. Анча ўзгарибсиз. Қандай дейсизми? Янада қатъиятли бўлибсиз, дунёқарашингиз, Ватан ҳақидаги фикрларингиз теранлашибди. Чунки Ватан ҳимоясидасиз. Билсангиз, алп йигитлар Ватанни доимо мардонавор қўриқлайди. Ватан у учун уйдаги ота-онаси, опа-сингиллари, ака-укалари, дўсту ёрининг омонлиги, тинчлигидадир. Сизлар борки, биз тинчмиз, кунларимиз осойишта.

Суратингизга боқсам анча кўркам, бардамлашгандайсиз назаримда. Эгнингиздаги ҳарбий кийим бирам ярашган. Менга қолса доим шундай кийиниб юрсангиз. Яна хатингизга кўз югуртираман. Унда келгусида ҳам ҳарбий хизматни давом эттиришингизни ёзибсиз. Бу жуда ҳам яхши. Уйни соғинтандирсиз-а. Ота-онангиз, ака-укаларингизни кўргингиз келади. Соғинган дамларингиз, айтмоқчи бўлган гапларингизни ўтириб қоғозга туширинг. Уларга ҳам хат ёзинг. Ана шу мактуб улар учун юпанч. Соғинсалар мактубингизни қайта-қайта ўқийдилар. Ундаги сўзларни ёддан билсаларда ўқийверадилар. Буни соғинч дейдилар. Буни бежизга айтмаяпман. Мен ҳам Сизни соғинсам мактубингизни олиб, такрор ва такрор ўқийман. Суратингизга боқиб туриб, Сиз билан хаёлан гаплашаман. Ана шунақа гаплар. Соғинсамда чидайман. Биламанки шу баҳорда хизматни тугатиб, қайтасиз. Мен шу кунлар келишини кутиб яшаяпман.

Энг муҳими, Сиз Ватан ҳимоясидасиз. Биз яшаб турган юртни қўриқлаяпсиз. Бу билан мен фахрланаман. Сиз доим ёдимдасиз ва хаёлан ёнимдасиз. Сезган бўлсангиз исмингизни бирор марта келтириб ўтмадим. Хафа бўлмадингизми? Сизга расман бу номамда Жасур аскар, деб мурожаат этишни истадим. Жасур аскар, соғ бўлинг. Хизматларни аъло даражада ўтаб тезроқ қайтинг. Хат ёзиб туринг. Сизни соғиниб.

УМИДА. Қарши шаҳри.

ДОИМО ҲАМРОҲ

Взводимиз посбонлари «Ватанпарвар» газетасининг ҳар бир сонини катта қизиқиш билан мунтазам ўқиб боришади. Айниқса, кейинги пайтда бизга газетанинг «Адабиёт. Санъат. Маданият» саҳифасида чоп этилаётган туркум мақолалар ниҳоятда манзур бўлмоқда. Бу ерда ўзбек адабиётида кўзга кўринган шоирлар билан бир қаторда посбонларнинг ҳам ижод маҳсули доимий тарзда бериб борилиши бизни янада хурсанд қилмоқда. Имкони бўлса биз ушбу саҳифада яна машҳур адибларнинг ҳаёти ҳақида, уларнинг янги асарларидан парчалар бериб борилишини истардик.

Оддий аскар Азамат МИНГБОЕВ.

● *Қишнинг оппоқ гиламига*
Сеп ёяр баҳор

ДЕВУШКА НЕДЕЛИ

Учащаяся второго курса Ташкентского юридического колледжа Даулетбийке Ещонова является отличницей учебы, активно участвует в общественной жизни колледжа. На олимпиадах по различным предметам не раз занимала призовые места.

Милая, симпатичная девушка в свободное время серьезно увлекается классической музыкой, литературой и английским языком.

Девушка уверена, что в будущем она станет грамотным и востребованным специалистом в области юриспруденции.

Милые девушки! У каждой из вас есть шанс разместить свою фотографию в одной из самых популярных рубрик нашей газеты и стать «Девушкой недели» «Ватанпарвара»! Отправьте на адрес редакции свое лучшее фото (цветное, размер не менее 10х15 см). В краткой форме расскажите о себе, о своих увлечениях, жизненных ориентирах и предпочтениях. Обязательно укажите свой почтовый адрес и контактный телефон (эта информация только для редакции, ее конфиденциальность мы гарантируем). Ну а та девушка, чья фотография соберет наибольшее количество откликов читателей, станет обладательницей нашего приза.

ПОМОГАЮТ ПАРТНЕРЫ

В выполнении задач Года социальной защиты активно участвуют многие общественные организации республики, в том числе и Международный неправительственный благотворительный фонд «Соглом авлод учун». В этом ему также помогает сотрудничество с зарубежными партнерами.

На днях в адрес фонда поступил очередной груз от Международной гуманитарной организации «Амери Керз», в состав которого входят медикаменты, медицинское оборудование и принадлежности, средства гигиены. Кроме того, за счет гранта, предоставленного Турецким агентством сотрудничества и развития «TIKA», был закуплен спортивный инвентарь.

В связи с этим в Фонде «Соглом авлод учун» состоялась встреча, посвященная передаче всего поставленного по гуманитарной линии объектам социального значения. Это республиканские специализированные медицинские центры, больницы, интернаты для детей с нарушениями развития, дома «Мурувват».

Среди зарубежных партнеров фонда немало и других гуманитарных организаций, которые содействуют ему в реализации государственных и собственных программ, направленных на обеспечение здоровья подрастающего поколения, охрану материнства и детства, создание благоприятных условий для физического и интеллектуального развития детей нашей страны.

Корр. УзА.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Инсон қалбидаги Ватанга бўлган муҳаббат энг олий туйғу ҳисобланади. Шу сабабли она юртга бағишланган қўшиқлар доимо юрак тўридан жой олади. Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг Ватанни тараннум этувчи мазкур шеъри ҳам қалбингизга йўл топиб, дилингизга шукроналик туйғусини солса ажаб эмас.

ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК

Ўн гулингдан бир гулинг очилмаган дердилар,
Йўлларингга сочқилар сочилмаган дердилар.
Ўн гулинг ҳам чарақлаб очилди-ку, оҳ, юртим,
Йўлларингга зар-кумуш сочилди-ку, оҳ, юртим.

Ўзбекистон – ягона Ватан учун яшайлик,
Ватан ичра бу гўзал чаман учун яшайлик.

Айтмасинлар ғанимлар, кимларгадир зор бу юрт,
Буюк Соҳибқирони, Алишери бор бу юрт.
Аллоҳ ўзи етказган инъомини асрагай,
Туғросини, тахтини, Исломини асрагай.

Ўзбекистон – ягона Ватан учун яшайлик,
Ватан ичра бу гўзал чаман учун яшайлик.

Кел, азизим, ёнимга, юлдузмисан, оймисан,
Ўзбегимсан ҳамиша, юпунмисан, боймисан.
Ватандошим, шу тенгсиз Ватанни куйлашайлик,
Замон келди, бизлар ҳам дунёга бўйлашайлик.

Ўзбекистон – ягона Ватан учун яшайлик,
Ватан ичра бу гўзал чаман учун яшайлик.

СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

Армия спорти

ОЛТИ ЙИЛ – ОЛТИН МЕДАЛЬ

Армия спортига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган ёш офицер Ойбек Имомовнинг номини Қуролли Кучларимизда кўпчилик яхши билса керак. Жисмоний тайёргарлик бўйича мунтазам маҳоратини ошириб келаётган шунқор Мудофаа вазирлиги қўшинларининг тош кўтариш спорти бўйича анъанавий ўтказиб келинаётган очиқ чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Ойбек жорий йил 80 кг. вазн тоифасида беллашиб, навбатдаги – олтинчи олтин медални қўлга киритиб, ўзига хос рекорд ўрнатди. Ҳа, кучлилар орасида баҳс юритиб, кетма-кет ғолибликни таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун спортчидан катта матонат талаб қилинади. Мустаҳкам ирода соҳиби бўлган катта лейтенант Имомов ўз устида тинимсиз машқ олиб бориб, уни юзага чиқара олди, дея бемалол айтишимиз мумкин.

– Ёшлигимдан спортга қизиқаман,– дейди Ойбек. – Ҳатто, мактабда ўқиб юрган кезларим енгил атлетика бўйича бир қанча мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, ғолиблик нашидасини сурганман.

Спорт билан мунтазам шуғулланиб, жисмоний жиҳатдан чиниққан йигитнинг ҳарбий билим юрти курсанти деган номга сазовор бўлиши у қадар қийинчилик туғдирмади. Чунки Ойбек ўша пайтда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсантлари бўлган қишлоқдошларига ҳавас қилиб, ҳарбий билим юрти курсанти бўлишга ўзини ҳар томонлама тайёрлаб борди. У курсант бўлгач, бу ерда посбонлар учун барча шароитлар яратилганлигини кўриб, ўз маҳоратини янада шакллантириши мумкинлигини англаб етди. Йигит асосий машғулотлардан бўшаши билан спорт мажмуига ошиқарди. Бу ерда нафақат енгил атлетика билан, балки тош кўтариш спортида ҳам ўзини сийлай бошлади. Машғулотлар бесамар кетмади. Курсант бўлгунга қадар енгил атлетика бўйича 1-разряд соҳиби бўлган Ойбек тош кўтариш бўйича бир қатор мусобақаларда муносиб иштирок этиб, спорт усталигига номзод бўлди. У 2002 йил иккинчи босқич курсантлиги пайтидаёқ, Мудофаа вазирлиги қўшинларининг тош кўтариш бўйича анъанавий ташкиллаштирилиб келинаётган очиқ чемпионатида илк бора қатнашиб, ўз маҳоратини намоён қилди. Ўз вазни тоифасида рақибларни доғда қолдириб, чемпионатнинг олтин медалига сазовор бўлди. Мана олти йилдирки, бу азамат ўз вазни бўйича Қуролли Кучларимизда тенгсиз эканлигини исботлаб келмоқда.

Ўқув мавсуми машғулотларида пешқадамликка интилиб, айни дамда миллий армиямиз спорти ривожига ўзига хос улуш қўшиб келаётган йигит Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Президентимиз Фармонига кўра, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони ва Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг тош кўтариш спорти бўйича очиқ чемпионатида эришган ютуғи учун Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг эсдалик нишони билан тақдирланди.

Айни пайтда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида хизмат қилиб, бу ерда посбонларга тош кўтариш спорти бўйича сабоқ бераётган офицер Имомовнинг орзулари улкан. Халқаро ареналарда юрт спортини улуғлашдек эзгу ишга бел боғлаган фарғоналик бу йигитнинг кўзлаган мақсадига эришишига бемалол ишонса бўлади.

Сейман НАЗАРОВ.
Александр МРУЧАК суратга олган.



● В столичном спортивном комплексе «Узбекистан» с 1 по 4 марта будет проходить традиционный десятый Международный турнир «Кубок независимости» по вольной и греко-римской борьбе, входящий в серию «Золотой Гран-при».

В соревнованиях намечается участие сильнейших борцов из 20 стран мира. В эти дни идет усиленная подготовка к турниру узбекистанских спортсменов. От армейского клуба МХСК по вольной борьбе на данном турнире в спор за награды на ковре вступит заслуженный спортсмен Республики Узбекистан младший сержант Дамир Захартдинов. Верится, что он оправдает надежды многотысячных поклонников спорта.

Легкая атлетика

У АРМЕЙЦЕВ – НАГРАДЫ ВСЕХ ДОСТОИНСТВ

В Тегеране завершился XVI традиционный Международный турнир по легкой атлетике, где приняли участие представители из 15 стран мира, в том числе и Узбекистана.

Удачно выступили на этих соревнованиях армейские спортсмены. Ими завоеваны медали всех достоинств. Так, мастер спорта международного класса младший сержант Людмила Дмитриади в беге на дистанции 60 м и служащая Вооруженных Сил мастер спорта Анна Сидорова (800 м) стали обладателями золотых наград. А служащий Вооруженных Сил мастер спорта Олег Журавлев (100 м) занял второе место. Мастер спорта Александра Быстригова (спортактив МХСК), участвовавшая в соревнованиях по прыжкам в длину, удостоилась бронзовой награды.

Кроме того, в эстафете 4х400м Людмила Дмитриади и Анна Сидорова, также участвовавшие в составе сборной, стали «золотыми».

Футбол

МАВСУМ БОШЛАНДИ

Март ойида заминимизга фасллар гўзали – баҳор билан бирга футбол мавсуми ҳам кириб келди. Гарчи Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси расмий ўйинларни бироз аввалроқ бошлаган бўлса-да, мухлислар иштиёқ билан кутаётган миллий чемпионатимиз ҳамда Осиё чемпионлари лигаси баҳслари айнан шу ойда бошланади.

Ҳарбийларимиз орасида ҳам миллионлар ўйини ишқибозлари талай эканлигини инобатга олиб, чемпионатимизнинг дастлабки тури ҳамда Осиё чемпионлари лигаси ўйинлари тақвимини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Олий лига жамоалари ўртасида XVI миллий чемпионатнинг 1-тур учрашувларида қуйидаги жамоалар ўзаро баҳс олиб борадилар: «Нефтчи» (Фарғона) – «Насаф» (Қарши), «Локомотив» (Тошкент) – «Тўпаланг» (Сариосиё), «Металлург» (Бекобод) – «Пахтакор» (Тошкент), «Андижон» (Андижон) – «Шўртан» (Ғузор), «Вобкент» (Вобкент) – «Қурувчи» (Тошкент), «Трактор» (Тошкент) – «Бухоро» (Бухоро), «Машъал» (Муборак) – «Навбаҳор» (Наманган), «Қизилқум» (Зарафшон) – «Самарқанд – Динамо» (Самарқанд).

Учрашувлар 1–3 март кунлари бўлиб ўтади. Натижалар билан эса газетамизнинг кейинги сонида таништирамиз.

Шунингдек, 7 март куни қитъамизнинг энг нуфузли мусобақаларидан бири – Осиё чемпионлари лигаси ўйинлари ҳам бошланади. Аввал хабар берганимиздек, ушбу турнирда республикамиз шарафини «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари ҳимоя қилишади. 1-турда «Пахтакор» Эроннинг «Истиқлол» клуби билан учрашиши лозим эди. Бироқ эронликлар ОФК томонида мусобақадан четлаштирилгани боис, вакилларимизга техник ғалаба ёзилади. «Нефтчи» эса ушбу турда Ироқнинг «Ал-Нажаф» клуби меҳмони бўлади. Қолган ўйинлар эса қуйидаги муддатларда ўтказилади:

2-тур. 21 март
«Кувайт СК» – «Пахтакор»
«Нефтчи» – «Ал-Карама» (Сурия)
3-тур. 11 апрель
«Пахтакор» – «Ал-Ҳилол» (Саудия Арабистони)
«Ал-Саад» (Қатар) – «Нефтчи»
4-тур. 25 апрель
«Ал-Ҳилол» – «Пахтакор»
«Нефтчи» – «Ал-Саад»
5-тур. 9 май
«Истиқлол» – «Пахтакор»
«Нефтчи» – «Ал-Нажаф»
6-тур. 23 май
«Пахтакор» – «Кувайт СК»
«Ал-Карама» – «Нефтчи».

ДАСТЛАБКИ УЧ ОЧКО

28 февраль куни «Пахтакор» марказий стадионида олимпия терма жамоамиз иккинчи – гуруҳ босқичидаги дастлабки учрашувини БАА олимпия терма жамоасига қарши ўтказди. Учрашув тақдири биринчи бўлимдаёқ ҳал этилди. Н.Қўзибоев ва М.Бикмаевлар томонидан киритилган голларга рақибларимиз фақат бир тўп билан жавоб бера олишди. Иккинчи бўлимда вакилларимиз яна бир тўп киритиш имконига эга бўлишган эди. Аммо О.Аҳмедов ўн бир метрлик жарима тўпини дарвозага кирита олмади. 2:1 ҳисобида ғалабага эришган ҳамюртларимиз иккинчи учрашувни 14 март куни Яман футболчиларига қарши сафарда ўтказишади.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

«ГРАЦИЯ» – НЕ ПРОСТО КОНКУРС ТАНЦЕВ

С того времени, как Министерство обороны Республики Узбекистан взяло под свое шефство нашу школу, а прошло всего лишь пять месяцев, у нас стали регулярно проводиться различные культурно-массовые и спортивные мероприятия, конкурсы.

Вот и недавно, при тесной поддержке Центра «Маънавият ва маърифат» Министерства обороны в нашей школе прошел конкурс танцев под названием «Грация» среди учащихся восьмых и одиннадцатых классов. На данный конкурс каждый класс представлял наиболее подготовленные три танцевальные пары. Они перед зрителями и членами жюри демонстрировали свои танцевальные способности в двух номинациях – вальс и произвольный танец.

В результате жесткого конкурсного отбора были выявлены лучшие танцевальные пары, завоевавшие титул «короля» и «королевы» вальса. Таким образом, победителями стали учащиеся 9-го «А» класса Андрей Колобов и Екатерина Калакириева.

– Символично то, что данный танцевальный конкурс «Грация» проходил именно накануне Международного женского дня 8 марта, – говорит представительница Министерства обороны Мохида Атабаева. – Ведь именно представительницы прекрасного пола являются знатоками всего красивого и изящного. «Грация» – это не просто конкурс танцев. Главной целью данного мероприятия является эстетическое воспитание учащихся, знание международных танцев и истории их возникновения. Пусть победителями и призерами конкурса стали единицы, зато эстетическое удовольствие получили все участники и зрители. А это стоит намного большего, чем сама победа. Ведь это самое важное и главное.

Теперь учащихся 5–7-х классов ждет новый конкурс «Хрустальный башмачок», посвященный дню милых женщин – 8 Марта.

Лаура ЗАЙНИЛОВА, ученица школы № 171.

Кўнгилга ташриф

ҚОРАҚАЛПОҚНИНГ АЗИМ ЧИНОРИ

– Агар бу ҳаёт саҳнасини театр деб билсак, мен ўзимни шу театрга чиптасиз кириб қолган томошабинга менгзайман, – деганди талабалар билан бўлиб ўтган учрашувларнинг бирида Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқининг забардаст ёзувчиси Тўлепберген оға Қайипбергенов. – Биз умримиз мобайнида бошдан кечирганларимизнинг барчаси худди томошага ўхшайди. Ундан керакли «эпизод»ларни олиб, холис хулосалар чиқариш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ, албатта. Аммо умрнинг ҳеч нарсани олмай ёки бермай ўтиб кетиши ачинарлидир.

Ҳаёт шундай уммонки, унда кимдир ўз номини мангуликка муҳрлаб кетса, кимдир қумга сингган сув каби изсиз йўқолади. Устоз адиб таъкидлаганидек, шунчаки томошабин бўлмасдан, ўша театрда иштирок этиш, иштирок этганда ҳам ижобий ролларни қойилмақом қилиб ўйнаш, савоб амаллар қолдириш керак. Тўлепберген Қайипбергенов ҳар бир нарсанинг ўз қадр-қиймати борлигини айтиб, «Қорақалпоқман, тавакалчиман» деб номланган китобида шундай ёзади: «Бировлар: китобга оёқ босма, у жонли зот, дейди. Ишонайми? – Ишонинг! Китоб чиндан ҳам қаттиқ уйқудаги инсон каби нарса. Агар уни ётган жойидан қўлингга олиб, саҳифаларини очиб қарасанг, у аста уйғонади ва сен аввал эшитмаган, билмаган воқеаларни, доноликларни ўзи сенга гапира бошлайди...»

Китоб ўқишни унутганлар ўз қобиғига ўралашиб қолган шилliққурт кабидир. Китоб ҳаётдан сабоқ беради. Муаллифнинг бадиий ифода услуби ғоят бой, у жонсиз нарсага ҳам жон бағишлай олади. Шуниси диққатга сазоворки, ёзувчи таъбири билан айтганда, «Ҳар бир инсон учун бу дунё ечими йўқ жумбоқдир, уни ечишга интилиш – бош билан тош йўниш кабидир. Бошингни аямай, уни ўринли ҳаракатга келтирсанггина дунёни тушунса бўлади».

Тўлепберген Қайипбергеновнинг «Қорақалпоқ достони» трилогиясига сўзбошисида Чингиз Айтматов шундай деганди: “Бу трилогия – улкан бадиий асар бўлиб, у ҳақиқий санъаткор – қўли гул уста томонидан, ўз халқини айрича меҳр-муҳаббат билан яхши кўрадиган ёзувчининг қўли билан яратилган. Тўлепберген, сен адо этган вазифа қорақалпоқлар учун ҳам, жамики туркий халқлар учун ҳам том маънода бебаҳодир”, деганида мутлақо ҳақ эди.

Ҳақиқатан, ўзининг юксак маънавияти сарчашмаларидан минглаб китобхонларни баҳраманд этган буюк ёзувчи ҳозирги қорақалпоқ адабиётининг забардаст намояндасигина эмас, худди Чингиз Айтматов сингари туркий халқлар адабиётининг йирик вакилларидан биридир. Унинг «Қорақалпоқ қизи» романида қорақалпоқ халқининг XX аср бошларидаги мураккаб ҳаёти кенг қамровда акс эттирилган. Шундан сўнг реалистик роман қонунларини чуқурроқ эгаллай борган Тўлепберген Қайипбергенов ўз халқи ўтмишининг кенг эпик манзарасини яратиб беришдек ғоят мураккаб вазифани ўз олдига қўяди. Шу тариқа «Маманбий афсонаси» номли уч жилддан иборат трилогия майдонга келди.

Дарҳақиқат, истиқлол адабиётимиз ва санъатимиз қадрининг ошишига ва юксалишига туртки бўлди. Адабиётимизда ҳавас қилса арзигулик ёшларимиз кўп, аммо бугун уларнинг барчасини ҳақиқий ижодкор деб бўлмайди. Т.Қайипбергеновнинг «Замон ва ижобий қаҳрамон» деб номланган мақоласида таъкидланишича, айни жараёнда орамизда бозор иқтисодиётини жуда тез англаб ва ўзлаштириб олган бир гуруҳ чала ёзувчилар пайдо бўлдики, улардан эҳтиёт бўлишимиз керак. Агар эътибор бераётган бўлсангиз, бу муаммо ҳам бугунги кунда адабиётимизнинг оғриқ нуқталаридан бирига айланиб бормоқда.

Адиб ўз мақоласида айни пайтда насрга нисбатан назм анча илгарилаб кетганини ёзади. Тўғри, шеърларнинг орасида ҳам, шоирларнинг орасида ҳам истеъдодсизлари учраб туради. Лекин барибир тан олиш керак, яхши насрий асарлардан кўра яхши назмий асарлар кўп яратиляпти.

Шуларни таъкидлар экан, Тўлепберген Қайипбергенов бугун мамлакатимизда ҳар бир соҳада, ҳар бир жабҳада фаолият кўрсатаётганлар орасида қаҳрамонлар борлигини ва уларнинг филойилигини айтади. Ижодкор уларни излаб топиб, ёзиши кераклигини, ёзганда ҳам “юракларга етиб борадиган қилиб ёзиш”ни кераклигини уқтиради.

Тўлепберген Қайипбергенов оқсоқол адиб сифатида адабий жараёнда кечаётган ҳар битта янгиликдан бохабар. Унинг адабиёт тўғрисидаги мақолалари, ижтимоий ҳаётга доир бадиий-публицистик мақолалари қамрови жуда кенг, таъсир кучи катта.

XX асрнинг сўнгида адиб «Қалбимнинг қомуси» деган китобини яратди. Унда адиб ўз ҳаётини тасвирлайди, асар қорақалпоқ миллати тарихини ҳам ўз ичига олади. Асарда ўқувчилар ўз севимли адиблари билан такрор учрашдилар, унда келтирилган воқеликлар, ҳаёт фалсафаси ғоят теран ва таъсирчан акс эттирилади. Умуман олганда, нуктадон адиб қайси жанрда қалам тебратмасин, унда ўз халқининг дарду қувончлари, ўтмиши ва келажаги хусусида фикр юритади. Бу эса қорақалпоқ халқини бошқа миллатларга яқиндан таништиришда алоҳида ўрин тутади.

Тўлепберген Қайипбергенов ижодида инсон, табиат ва жамият муносабатлари етакчи ўрин тутади. Ёзувчининг деярли барча асарларида инсон тақдири ётади. Инсоннинг табиатга зуғуми, Орол фожиаси эса ёзувчининг «Бобомга хатлар» китобида жамланган публицистик мақолаларда батафсил ифодаланган. Ёзувчининг услуби ва маҳорати шундаки, у мазкур китобда ҳам халқ мақоллари, афсоналаридан ўта самарали тарзда фойдалана олган. Юракка таскин берадиган бир нарса – бугун Оролбўйида наботот оламини тиклаш ва шу орқали денгизни қутқариб қолишга астойдил бел боғланган.

Айни пайтда Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмасига кўп йиллардан буён бошчилик қилиб келаётган адиб қорақалпоқ адабиётининг барча вакилларини наинки маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, балки уларга доимий устозлик мақомида бўлиб келади. Ёзувчи ёшларга доим бир ўгитни такрорлайди: пойдеворсиз бино узоқ турмаганидек, Шарқ адабиётини ўрганмасдан туриб Ғарб адабиётига эргашиш ҳам кутилган натижани бермайди.

Тўлепберген оға чин маънодаги ватанпарвар, миллат раҳнамоси, миллатини, халқини, Ватанини севадиган инсон, адиб ва устоздир. У миллийлигимиз, миллий қадриятларимиз умрбоқийлигини тилайди. Ёшларни ҳамиша ўзлигини англашга, аждодларини ардоқлашга даъват этади.

–Ёш бир қиз Америкада таҳсил олиб қайтгач, онаси буюрган ишни қилишдан бош тортган. Майда юмушларни бажариш маданиятсизликка киради, деб туриб олган. Америкада идиш-товоқларни хизматкорлар ювишини айтади. Бу, албатта, қизнинг Шарқ маданиятини, ахлоқ-одобини яхши ўзлаштирмаганидан дарак беради, – дейди адиб.

Ҳа, бугун ёшларимиз орасида ана шундай енгил-елпи фикрлайдиганлари ва тақлидчилари ҳам топилади. Аммо биз, ҳамиша ўз миллийлигимиз, урф-одатларимизни унутмаслигимиз керак. Мен Тўлепберген оғанинг пурмаъно ўгитларини тинглаб, бу инсоннинг кўрган-кечирганлари ноёб хазина эканлигини ва бунинг инъикоси асарларида мужассамлигини янада теран англай бораман. Оғанинг етмишдан ошган бўлишига қарамасдан, Ватан равнақи учун астойдил тер тўкаётганини кўриб унинг тимсолида буюкликни кўраман. Унинг сермаҳсул ижоди халқимизга манзур. Орол ва Оролбўйининг экологик ва иқтисодий муаммоларига бағишланган қатор мақолалари барчада хайрихоҳлик уйғотди. Миллат тақдири, туркий улуслар келажаги, Ватан бирлиги, шахснинг маънавий-маърифий камоли масалаларини уйғунликда, муштаракликда олади. Адиб сўзининг сеҳри ва қудрати ҳам худди шунда бўлса, ажабмас.

Нигора ЖАЛОЛИДДИНОВА.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

Ўзбек киноси

ҲАЁТ ҲАЛИ ОЛДИНДА

Ўзбек киноижодкорлари томонидан суратга олиниб, яқинда республикамиз катта экранларида намойиш қилина бошлаган янги фильм мана шундай номланади. Ўзининг бетакрор ижоди билан кино ихлосмандларига таниш бўлган Фурқат Файзиевнинг ушбу картинаси «Ўзбеккино» миллий агентлиги буюртмасига кўра «Ўзбекфильм» студиясида тасвирга олинган бўлиб, мазкур бадиий фильмда дўстлик, севги каби беғубор туйғулар асосий ғоя сифатида кадрга кўчган. Лекин тақдирнинг беаёв синовлари, унинг аччиқ алами фильм қаҳрамонларининг ҳам бошига тушади. Ҳаётда тушкунликка тушмай, ўзларининг ёрқин келажакларига ишона олган ёшлар барча қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтиб, кўзлаган мақсадларига эришишади. Бунга мисол сифатида фильмнинг асосий қаҳрамонларидан бири бўлган Лола образини келтиришимиз мумкин. У ўзига тўқ бўлмаган оилада улғайган маъсума ўзбек қизи. Шароит тақозоси билан ёш қиз ўз севгилисидан воз кечиб, ҳатто отасидан ҳам кекса бадавлат кишига турмушга чиқишга мажбур бўлади. Кўп ўтмай ундан фарзанд ҳам кўради. Пок севгисини қалбининг туб-тубида асрай олган Лола йиллар ўтиб, севган йигитини учратади...

Бундан ташқари, картинанинг асосий қаҳрамонларидан бўлган Қобил, Саттор ва Наби образларини олайлик. Ҳаётда уларнинг ҳам бошига не кунлар тушмайди, дейсиз. Аммо ажралмас уч дўст қийин вазиятларда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, буларни сабот билан енгиб ўтишади.

– Бу фильмни суратга олишда бизга бир қатор давлат ташкилотлари ҳамда вазирликлар яқиндан ёрдам берди,– дейди биз билан суҳбатда фильм режиссёри Фурқат Файзиев. – Айниқса, Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳамда Ўзбекистон Таэквандо ассоциацияси жамоаси кўмагини алоҳида таъкидласам арзийди. Ҳар бир кадрнинг муваффақиятида уларнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор.

Фильмнинг асосий воқеалари Чирчиқ ва Ғазалкент шаҳарларида тасвирга туширилган. Уни тасвирга олишда тажрибали оператор Султон Мирзаҳмедовнинг хизматларини алоҳида таъкидламоқ лозим. Ўзбек кинематографлари томонидан жуда кўплаб фильмлар суратга олинаётган бир пайтда ёшлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи янгича услубда мазкур фильм кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Карина ҚУРБОНОВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Машҳур саркардалар ҳаётидан

ҚАДИМГИ РИМ ДИКТАТОРИ

Қадимги Рим саркардаси, консул Луций Корнелий Сулла камбағаллашиб қолган зодагон – Патриций оиласида туғилди. У уйда ҳар томонлама мукаммал маълумот олгач, ҳарбий соҳани танлади. Юксак орзуларни кўзлаб ҳақиқатан ҳам йирик диктатор бўлиб етишди.

Лашкарбоши сифатида Сулла милоддан аввалги 111–105 йилларда бўлиб ўтган Югурта уруши даврида шуҳрат қозонди. Бу уруш дастлаб Рим учун муваффақиятсиз бошланди. Аввал саркардалар Постумий, кейин Квинт Цецилий Метел мағлубиятга учрадилар. Ниҳоят, янги қўмондон Гай Марий икки йил давом этган урушда ғалабага эриша олди. Ана шу жангларда Сулла Югурта шоҳини асир олишга муваффақ бўлди. Бу эса Гай Марийнинг нафсониятига тегди, қолаверса, ғалабада Сулланинг ҳиссаси катта, деган гап тарқалди. Шундай бўлса-да, Гай Марийнинг обрўсига путур етмади. Уни Римда ғолиб сифатида кутиб олдилар. Аммо Сулланинг қаҳрамонлиги ҳам унутилгани йўқ.

Луций Корнелий Сулла 104–102 йилларда герман қабилалари билан урушда иштирок этди. Бу уруш ҳам унга шуҳрат олиб келди.

Милоддан аввалги 90-йилларда Кичик Осиёдаги Понт қироллиги Римга қарши уруш бошлагач, сенат Суллани қўмондон сифатида Юнонистонга юборишга қарор қилади. Сиёсий саҳнада яна пайдо бўлган Гай Марий Шарқ юришига бош бўлиш истагини билдиради ва турли йўллар билан бунга эришади ҳам. Аммо бундан норози бўлган Сулла Понт юришига тайёр турган армиясига етиб бориб, легионларни Римга қарши кўтаради. Рим армияси биринчи марта ўз пойтахтига қарши чиқади. Шаҳар легионлар томонидан ишғол қилинади, мағлуб бўлган Гай Марий ўзининг яқин кишилари билан Италиядан қочиб кетади. Шундан сўнг Сулла қўшинга бош бўлиб Шарққа юришни бошлайди.

Шарқдаги урушда ғалабага эришгандан сўнг Сулла Рим ҳукмдорлигини қайтариб олишга жиддий ҳозирлик кўра бошлади. Марийнинг Юнонистондаги катта армиясини жангсиз ўз тарафига оғдириб, Римда фуқаролик урушини бошлашга қарор қилди.

83-йилнинг баҳорида Сулла легионерлардан ташкил топган 40 минг кишилик қўшини билан Бриндизи яқинига келиб тушди. Гай Марий унга қарши 100 минг кишини сафарбар қилди.

Италияда Луций Корнелий Сулланинг тарафдорлари кўп эди. Айниқса зодагонлар ва ҳарбийлар орасида унга хайриҳоҳлар сони янада ошди. Шимолий Африкадан кўп минг сонли, катта жанговар тажрибага эга бўлган қўшин Суллага ёрдамга келди.

Шу йили Сулла ва Марий қўшинлари ўртасида катта жанг бўлиб ўтди. Сулланинг легионлари рақибларини тор-мор қилди, Марий тарафдорлари Капуя шаҳрида беркиниб олишга мажбур бўлдилар.

Кейинги йилларда ҳам икки саркарда қўшинлари бир неча бор юзма-юз келдилар. Бу жангларда Сулла ғалабага эришди, чунки у бошчилигидаги қўшиннинг жанговар шайлиги ва интизоми рақибларникидан устунроқ эди. Шундай жанглардан бири Фавеция яқинида бўлиб ўтди. Бунда Сулла армияси ва Рим консули Кай Норбан қўшини тўқнашди. Ўзига ортиқча баҳо берган Норбан биринчи бўлиб ҳужум бошлади, лекин тайёргарлиги юқори бўлган Сулла армияси рақибини мағлубиятга учратди. (Маълумки, Сулла кўпчилик ҳолларда ғалабага оғир жанглар орқали, баъзи ҳолларда эса рақиб қўмондонларини ўз томонига оғдириш орқали эришган).

82-йилнинг ноябрь ойида Рим дарвозалари олдида Италиядаги фуқаролик урушининг охирги жанги бўлиб ўтди. Марий қўшини Суллани Римга киритмасликка ҳаракат қилди. Жанг туни билан давом этди ва барибир легионерларнинг тажрибаси, жанговар шайлиги ва юксак интизоми баланд келди, Марий тарафдорлари қочишга мажбур бўлдилар.

Ғолиб саркарда Римга кирганидан сўнг сенатдан диктаторлик ваколатларини олди. Оддий диктатурадан фарқли ўлароқ бу ваколат муддат бўйича чегараланмаган ва унинг шахсий иродасига боғлиқ эди. Диктаторлик билан бир қаторда сенат, шаҳар магистратлари ва бошқа бошқарув органлари сақланиб қолди, лекин уларнинг барчаси энди Сулланинг назорати остида эди.

Луций Корнелий Сулланинг диктатураси қадим Римда императорлик ҳокимияти ўрнатишга қўйилган биринчи қадам бўлди. У диктатор бўлганидан сўнг йўқ қилиниши лозим бўлган кишиларнинг рўйхатини эълон қилди. Уларнинг сони 5 минга етди. Қатл қилинганларнинг фарзандлари Рим фуқаролигидан маҳрум қилиндилар.

Легионлар қўмондонларига пул мукофотлари тарқатилди, сенатдаги лавозимлар тақдим этилди. Уларнинг кўпчилиги қисқа фурсатда жуда бойиб кетдилар.

Республика жамиятини янгилаш мақсадида диктатор қатор ислоҳотлар ўтказди. Сенат ҳукмронлиги ошди. Цензура бекор қилинди. Консул ва халқ намояндаларининг ваколатлари чегараланди. Суд комиссиялари сенатга берилди. Италия муниципал ҳудудларга бўлинди.

Сенат ва ундаги ўз тарафдорлари ҳукмронлигини мустаҳкамлагандан сўнг Сулла эркин сайловлар ўтказишга қарор қилди ва 79-йили диктаторлик ваколатларини кўнгилли равишда топширди.

Подполковник Абдуқодир АБДУЖАМИЛОВ.

УМИДЛИ ДУНЁ

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Бу сафар у менга ҳар галгидан кўпроқ тикилаётганди. Мана марказдаги хилват ресторанга етиб келдик. Официант буюртма бўйича таомларни келтириб турди. Аввалига оч қоринга бир қадаҳдан шампан виносини кўтардик. Шампан виносини илгари ҳам ичганман, лекин таъсир қилмаган. Ҳозир, иккинчи қадаҳдан кейин бошим айланиб, кўзларим атрофдаги нарсаларни фарқламай борарди. Қадаҳлар сони кўпайгани сари ўзимни эркин ҳис қилиб, қувончимнинг чеки кўринмасди. Очиғи, ўзимни бошқара олмаётгандим. Қанча ўтирганимизни билмайман, ресторанда биздан бошқа ҳеч ким қолмаган. Официант ресторан ёпилишини айтгач, кўчага чиқдик. Сокин оқшом. Енгил шабада юзимни майин силарди. Шароф Алиевич қўлтиғимдан ушлаб, машина томон юрди. Машинага чиқишим билан:

– Мени тезроқ ётоқхонамга олиб боринг, акс ҳолда ҳозир ухлаб қоламан, – дедим. Бундан ташқари, йўл бўйи анча гаплашдик, биронтасини эслолмайман. Ниҳоят, машина манзилга етиб келди. Бу ер ётоқхона эмас, балки кимнингдир дала ҳовлиси эди.

Қуёш деразадан кўзимга тушиб, вақт алламаҳал бўлганда уйғондим. Ҳамма ёғим қақшаб оғрирди. Кўзимни очсам, умуман нотаниш уйда ётардим. Домлам ўз мақсадига етганди. «Мараз» деб бақирганимча бошимни қайта болишга босдим. Ўзимни ниҳоятда таҳқирланган ҳис қилдим. Бу хўрликдан кўз ёшларимни тўхтатолмасдим. Пиқиллаб йиғлаётганимда, билмадим, гўё осмондан тушдими, тепамда Шароф Алиевич пайдо бўлиб гуноҳкорона бош эгганча менга тасалли беришга уринарди.

Рисоладагидек оиласи, гўзал хотини ва фарзандлари борлигини билсам-да, унга кейинчалик ниҳоятда боғланиб қолган эдим. Ўз ўрнида у ҳам менга бефарқ эмасди. Аввалига пинҳона, кейинчалик ошкора туйғуларимизни намоён қила бошладик. Тенгқурларимнинг гап-сўзлари энди беҳуда эди. Бир куни қишлоқдошим Фарруҳ мени излаб, ётоқхонага келибди. У ҳам шўрлик ошиқларимдан бири эди. Мени севса-да, юраги дош бериб ошкора айтолмасди. Гапни чайнаб, аммамнинг бузоғига ўхшаб, қаёқдаги нарсалар билан бошимни қотирарди. Бу галги ташрифида менинг сирларимдан воқиф бўлиб, қайтиб қорасини кўрсатмади. Ўтган ҳар бир кундан хурсанд эдим. Янги кундан эса бетакрор саргузаштлар кутардим. Мен бош қоронғу бўлганимни ҳис қилдим. Бу ҳолни Шарофга айтсам, рангида ранг қолмай, капалаги учиб кетди. Зудликда таниш врачининг олдига бордик. Лекин у ҳомила анча катта бўлганлиги боис, бошқа ёшлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи янгича услубда мазкур фильм кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Шароф шаҳардан бир хоналик уй сотиб олиб, мени ётоқхонадан ўша уйга кўчириб ўтди. Дарсларга ҳам ондасонда бориб, таниш кўзлардан ўзимни панага олардим. Фалокат келса қўшлашиб келади, деганларидек, айни шу кунларда дадам юрак хуружи туфайли вафот этди. Икки ўт орасида қолдим. Дўппайган қорним билан қишлоққа боришни ҳам, бормасликни ҳам билмасдим. Охири тўрт девор орасида кўз ёш тўкишдан ўзга чорам қолмади. Бу орада шўрлик онам билан опам мендан роса хавотир олишган. Уларни тинчлантириш мақсадида «Пойтахтга амалиётга кетяпмиз», деб хат йўлладим. Хайрият, уйдагилар шубҳаланишмади.

Агнеш ҚУРБОНОВ.
(Давоми бор).

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, ташкилотнинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси

Назриддин Аҳмедович РИЗАМЕТОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: катта лейтенант Ёшин Комилович ҲАКИМОВ, майор Аблай Айнатдинович КАМАЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лантева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-3386. **Адади** 27940.